

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ
А. Махмудов

«MS Office Front Page 2003

дастури ёрдамида
веб-дизайн асослари»

Ўқув қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

«ФАН» НАШРИЁТИ

Тошкент 2006

УДК 681.3

А.Б. Махмудов. MS Office Front Page 2003 дастури ёрдамида веб-дизайн асослари /Масъул муҳаррир – А.М.Хундибаев/ Т.: «ТАЙИ босмахонаси», 2006.- 212 бет.

Ушбу китобда MS Office FrontPage 2003 дастури ёрдамида оддий ва ўрта мураккабликдаги веб-саҳифаларни яратиш, саҳифаларга матн ва гипербогликлар киритиш, график файллар ва товушлар қўшиш, веб-саҳифаларда жадевал ва фреймлардан фойдаланиш, суратлар галереясини яратиш, тайёр веб-саҳифани Интернет тармоғида чол этиш каби жараёнлар баён этилган.

Китоб веб-саҳифалар яратиш бўйича махсус билимга эга бўлмаган ва бошланғич даражадаги веб-дизайнерлар ва умуман веб-саҳифа яратишга қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир – т.ф.н. А.М.Хундибаев, «Компьютер-Осиё» Илмий–техника парки директори

Тақризчилар:

М.А. Раҳматуллаев - т.ф.д., профессор, Ўзбекистон Кутубхоналар Ассоциациясининг ижрочи директори

А.А. Шермухаммедов - т.ф.д., профессор, Тошкент автомобиль йўллар институти, илмий ишлар бўйича проректори

Ушбу ўқув қўлланмаси Тошкент автомобил-йўллар институтининг Илмий Кенгашида 28 июн 2006 йилда тасдиқланган ва № 11 қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

Қўшимча маълумот: Китобга MS Office FrontPage 2003 дастуридан фойдаланиш бўйича овозли ўргатувчи қўлланмалар ёзилган компакт диск илова қилиниши мумкин.

© Республика олий ўқув юртлари ҳодимларининг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш маркази, 2006

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ФА «ФАН» НАШРИЁТИ
2006 йил**

Мундарижа

Кириш	9
Китоб ким учун мўлжалланган	10
1-дарс. Front Page 2003 дастури билан танишув	11
Веб-сайт нима?.....	11
Веб-саҳифа нима?.....	11
Microsoft Front Page 2003 дастури билан танишув	12
Меню.....	13
Асбоблар панели.....	15
Саҳифанинг кўриниш ўлчамларини ўзгартириш.....	16
Front Page дастури асосий дарчаси.....	15
Каталоглар рўйхати.....	17
Навигация панели.....	17
Тошшириклар панели.....	18
Саҳифани кўриш режимлари.....	19
Саҳифани кўришнинг Design режими.....	20
Саҳифани кўришнинг Code режими.....	20
Саҳифани кўришнинг Split режими.....	21
Саҳифани кўришнинг Preview режими.....	22
Веб-сайт ҳақида умумий тушунчалар.....	23
Каталог ва файллар рўйхати дарчаси билан ишлаш.....	24
Ҳисоботни кўриш режими.....	24
Гипербоғликларни акс эттирувчи Hyperlinks режими.....	25
Тошшириклар панели ёрдамида веб-сайтни режалаштириш.....	27
Таҳрирлаш дастурларини ўрнатиш.....	27
2-дарс. Янги веб-саҳифа яратиш	29
Янги веб-саҳифа яратиш.....	29
Веб-саҳифа яратишда умумий шаблонлардан фойдаланиш.....	31
Файл ва каталогларни импорт қилиш.....	33
Локал тармоқда жойлашган файлларни импорт қилиш.....	33
Тайёр веб-саҳифа ёрдамида янгисини яратиш.....	35
Веб-саҳифада чизгич ва тўрдан фойдаланиш.....	35
Координата бошини ўзгартириш ва белгилаш.....	36
Чизгич ва тўр хусусиятларини ўзгартириш.....	37
Тайёр веб-саҳифани броузерда кўриш.....	38
Броузерни белгилаш.....	39
Веб-саҳифани сақлаш.....	39
Шахсий шаблон яратиш.....	39
3-дарс. Веб-саҳифада матн киритиш	42
Веб-саҳифаларга матн киритиш.....	42
Матнни форматлаш.....	42
«Форматирование» асбоблар панелидан фойдаланиб матн услубини ўзгартириш.....	42
Матн хусусиятларини «Шрифт» дарчаси орқали ўзгартириш.....	43
Рўйхатлар билан ишлаш.....	44
Белгилаш тури қўлланган рўйхат яратиш.....	44
Рўйхат ичида таркибий рўйхат яратиш.....	45
Рақамли рўйхат яратиш.....	46
Рўйхат белгиси сифатида расмдан фойдаланиш.....	47
Таркибий рўйхат кўринишини акс эттириш имкониятлари.....	48
Сатр боши услубини белгилаш.....	49

Сатр боши хусусиятларини «Абзац» дарчаси ёрдамида ўзгартириш.....	50
Сатр чегара ва тўлдирма хусусиятларини белгилаш.....	51
Чегарани белгилаш.....	52
Тўлдирмани белгилаш.....	53
Нусхаси олинган матни ўзгача усулда қўйиш.....	54
4-даре. Веб-саҳифаларга график файллар ва товушни қўйиш.....	55
Веб-саҳифага график файлларни қўйиш.....	55
График файллар тушунчаси ва уларнинг турлари.....	55
График файлларни сақлаш.....	56
График файлларни қўйиш.....	56
График файлларни қаттиқ дискдан қўйиш.....	56
Клипарт компоненти.....	57
Веб-саҳифага Клипарт қўйиш.....	57
Горизонтал чизик қўйиш.....	60
Расм хусусиятларини ўзгартириш.....	61
General бўлими орқали расм хусусиятларини ўзгартириш.....	61
Picture Source дарчаси.....	62
Picture File type тугмаси.....	62
Alternative Representations бўлими.....	62
Расмнинг кўриниш хусусиятларини ўзгартириш.....	62
Wrapping Style хусусиятларини белгилаш.....	63
Layout бўлими имкониятларидан фойдаланиш.....	64
График файллар ва матни ростлаш.....	64
Size бўлимида график расм ўлчамларини ўзгартириш.....	65
Расм билан ишлаш асбоблар панели имкониятларидан фойдаланиш.....	65
Расмни бурниш.....	66
Расмга шаффофлик белгилаш.....	66
Crop буйруғини ишлатиш.....	66
Расмга шаффофлик белгилаш.....	66
Турли ранг схемаларидан фойдаланиш.....	67
Расм ранг схемасини “Grayscale” га ўзгартириш.....	67
Wash Out ранг схемасидан фойдаланиш.....	68
Расм чегараси билан ишлаш.....	68
«Resample» тугмасини ишлатиш.....	68
«Restore» тугмаси ёрдамида расм хусусиятларини қайта тиклаш.....	68
5-даре. Суратлардан фойдаланиш ва суратлар галереясини яратиш.....	69
Суратлар галереяси яратиш.....	69
Суратлар галереяси таркибидаги расмларни таҳрирлаш.....	72
Веб-саҳифа таркибига Flash файл қўйиш.....	73
Flash файл хусусиятларини ўзгартириш.....	74
6-даре. Веб-саҳифа хусусиятларини таҳрирлаш.....	77
Веб-саҳифа хусусиятларини белгилаш.....	77
General бўлими орқали Веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш.....	78
Formatting бўлими орқали Веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш.....	78
Саҳифа фони ва матни рангини ўзгартириш.....	78
Гипербоғлик рангини белгилаш.....	79
Саҳифа фонига расм белгилаш.....	79
Саҳифа чегараларидан масофа белгилаш.....	79
Гипербоғлик учун Rollover услубини қўллаш.....	80
Безак мавзуси билан ишлаш.....	80
Веб-саҳифага безак мавзусини белгилаш.....	80
Безак мавзуси хусусиятларини ўзгартириш.....	83

Безак мавзуси ранг спектрини ўзгартириш	84
Безак мавзуси расмларини ўзгартириш	87
Безак мавзуси матнини ўзгартириш	88
Безак мавзуси ўзгартирилган хусусиятларини сақлаб қолтириш	89
Веб-саҳифаларга тайёр элементларни қўйиш	89
Веб-саҳифага шарҳ қўйиш	90
Веб-саҳифада кун ва соатнинг акс эттирилиши	90
Веб-саҳифалар орасида ҳаракатланиш эффектларини қўллаш	91
7-дарс. Жадваллар билан ишлаш	92
Жадвал ҳақида умумий тушунча	92
Жадвал яратиш	93
«Standard» асбоблар панели ёрдамида жадвал яратиш	93
Table менюси ёрдамида жадвал яратиш	94
Жадвал чизилиши	96
Жадвални бир неча қисмларга бўлиш	97
Жадвал ячейкаларига матн қўйиш	98
Жадвал қисмларини белгилаш	99
Жадвал қаторлари ва устунлари билан ишлаш	99
Жадвалга устун ва қатор қўйиш	100
Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини ўзгартириш	100
Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини барабар қилиб белгилаш	101
Ячейкалар билан ишлаш	101
Ячейкаларни қисмларга бўлиш ва уларни бирлаштириш	101
Жадвалга ячейка қўйиш	102
Жадвал ячейкалари ўлчамларини матнга нисбатан белгилаш	102
Ячейка хусусиятларини белгилаш	103
Ячейка таркибини ростлаш	104
Ячейкага сарлавҳа белгилаш	104
Word Wrap имкониятидан фойдаланиш	104
Ячейка чегараси ранги ва фонини ўзгартириш	105
Жадвални автоматик форматлаш	105
Жадвалга сарлавҳа белгилаш	106
Матнни жадвалга айлантириш	106
Жадвални матнга айлантириш	108
8-дарс. Гипербоғлиқлар яратиш	109
Гипербоғлиқ тушунчаси	109
Гипербоғлиқ нима?	109
Веб-сайт ичидаги веб-саҳифага йўналтирилган гипербоғлиқ яратиш	110
Веб-сайт ичидаги янги веб-саҳифаларга гипербоғлиқ белгилаш	112
Файлларга гипербоғлиқ белгилаш	113
Ташқи веб-саҳифаларга гипербоғлиқ белгилаш	115
Гипербоғлиқ хусусиятларини ўрнатиш	115
Bookmark ёрдамида гипербоғлиқ яратиш	115
Bookmark нима?	116
Bookmark яратиш	116
Bookmark ни таҳрирлаш ва ўчириш	117
Bookmark га гипербоғлиқ белгилаш	117
E-mail гипербоғлиги	119
Гипербоғлиқ хусусиятларини ўзгартириш ва ўчириш	121
Image Maps билан ишлаш	121
Image Map нима?	122
Image Maps яратиш	122

GIF файллари устида чегара қисмларини ҳосил қилиш	122
Pictures асбоблар панели ёрдамида чегара чизикларини яратиш	124
9-дарс. Фреймлар ёрдамида веб-саҳифа яратиш	126
Фрейм нима?	126
Фрейм дизайнидан фойдаланиш	128
Фрейм саҳифасини яратиш	128
Саҳифа учун фрейм шаблонини тавлаш	129
Фреймларни сақлаш	131
Фреймларни таҳрирлаш	131
Фрейм ўлчамларини ўзгартириш	131
Фреймни ўчириш	132
Фрейм номини ўзгартириш	132
Фрейм хусусиятларини ўзгартириш	132
Target Frames тушунчаси	134
Target Frame белгиланиши	136
Common Targets турлари	137
Hyperlink дарчаси орқали гипербоғликларга Target Frame белгилаш	138
No Frames имкониятидан фойдаланиш	138
10-дарс. Shared Borders яратиш ва гипербоғлик панелини ҳосил қилиш	140
Shared Borders тушунчаси	140
Shared Borders нима?	140
Веб-саҳифага Shared Borders қўшиш	141
Shared Borders фонига ранг ва график расм қўшиш	142
Shared Borders таркибинини ўзгартириш	143
Навигацион тугмалардан фойдаланиш	143
Навигация режимида ишлаш	143
Веб-сайт таркибинини қуриш	144
Навигация режимида мавжуд саҳифаларни сайт таркибига қўшиш	145
Навигация режимида янги веб-саҳифа яратиш	145
Навигация режимида веб-саҳифаларни ўчириш	146
Навигация режими хусусиятларини ўзгартириш	146
Навигация режимида саҳифалар номини ўзгартириш	147
Гипербоғлик панели имкониятлари (Link Bar)	147
Гипербоғлик панели билан ишлаш	148
Гипербоғлик панелини веб-сайт таркибига қўйиш	148
Гипербоғлик панели хусусиятларини ўзгартириш	149
Индивидуал гипербоғлик панели билан ишлаш	150
Индивидуал гипербоғлик панелини яратиш ва уни саҳифага қўйиш	150
Навигация режимида индивидуал гипербоғлик панели билан ишлаш	153
11-дарс. Топшириқлар ва ҳисобот панелидан фойдаланиш	156
Топшириқлар панели билан танишув	156
Топшириқ ўзи нима?	157
Янги топшириқ яратиш	157
Топшириқ яратиш	157
Page View режимида топшириқ яратиш	159
Каталоглар рўйхати дарчаси ичида саҳифага топшириқ белгилаш	159
Янги яратилаётган веб-саҳифа учун топшириқ белгилаш	159
Топшириқни ўчириш	160
Топшириққа хусусият белгилаш	160
Топшириқни бажариш	161
Ҳисобот панели орқали веб-сайтни кўздан кечириш	161

Хисобот панелини ҳосил қилиш.....	161
Хисобот хусусиятларини белгилаш.....	163
Хисоботлар дарчасида файллар билан ишлаш.....	164
Хисобот устунларини режалаштириш.....	164
Хисобот натижаларини саралаш.....	165
Хисобот панели умумлашган натижалари билан танишув.....	167
Файллар ҳисоботи.....	169
All Files ҳисобот бўлими.....	169
Recently Added Files ҳисобот дарчаси.....	170
Recently Changed Files ҳисобот дарчаси.....	170
Older Files ҳисобот дарчаси.....	170
Муаммолар ҳисобот дарчаси.....	171
Unlinked Files ҳисобот дарчаси.....	171
Slow Pages ҳисобот дарчаси.....	171
Hyperlinks ҳисобот дарчаси.....	172
Repair Broken Hyperlinks ҳисобот дарчаси.....	173
Shared Content ҳисобот дарчаси.....	174
Workflow Reports ҳисобот дарчаси.....	174
Review Status ҳисобот дарчаси.....	174
Assigned To ҳисобот дарчаси.....	175
Publish Status ҳисобот дарчаси.....	175
Checkout Status ҳисобот дарчаси.....	176
Usage Reports ҳисобот дарчаси.....	176
Time-Based Summary Reports ҳисобот дарчаси.....	176
Page Hits Reports ҳисобот дарчаси.....	177
General Information Count Report ҳисобот тури.....	177
Usage Reports ҳисоботини график кўринишида акс эттириш.....	178
12-дарс. Веб-сайтни нашр қилиш.....	179
Веб-сайтни Host Server га нашр қилиш.....	179
Front Page Server Extensions имкониятига эга серверга нашр қилиш.....	179
Масофадаги веб-сайт хусусиятларини белгилаш.....	180
Веб-сайтни нашр қилиш жараёни.....	184
Алоҳида файлларни нашр қилиш.....	185
Масофадаги веб-сайт таркибини саралаб кўриш.....	186
FTP Server га нашр қилиш.....	186
Фойдалан маслаҳатлар.....	188
Сайт таркибини ташкиллаштириш.....	188
Файллар бошқаруви.....	188
Файлларни номлаш тартиби.....	189
Асл манба файли.....	190
Файл ҳажми.....	190
Сайт архитектураси.....	190
Веб-дизайн асосий усуллари.....	191
Ростланиш.....	191
Яқинлик.....	191
Такрорланиш.....	192
Монитор ўлчамлари.....	192
Рангдан фойдаланиш.....	193
Веб-сайт маълумотларини принтердан чиқариш.....	193
Веб-сайт таркибини режалаштириш.....	193
Саҳифа дизайнини режалаштириш.....	194
Шрифтлардан фойдаланиш.....	194

График расмлар	194
Технология даражаси	195
Кулайлик даражаси	195
Навигация тизими	195
Гипербоглик ранглариини белгилаш	196
Саҳифа ҳажми	196
Веб-саҳифани янги броузер дарчасида очиш	196
Орфография ва грамматика	197
Веб-саҳифа таркибида анимациядан фойдаланиш	197
Узун матнли веб-саҳифа	197
Эскирган янгиликлар	198
Веб-сайтни синаш	198
Илова	199
“Хавфсиз” ранглар жадвали	199
Жадвалдан қандай фойдаланиш мумкин	199
Хотима ўрнида.....	202
Предмет кўрсаткичи	203
Фойдаланилган алабиётлар	209

Қириш

«MS Office Microsoft Front Page 2003 дастури ёрдамида веб-дизайн асослари» китоби ўз номидан келиб чиққан ҳолда, фойдаланувчиларни веб-дизайн асослари билан таништиради. Веб-дизайн, веб-сайт, интернет иборалари бугунги кунда жамиятимизнинг фаол инсонлари, ёшлар, тадбиркорлар ва умуман замон билан ҳамнафас бўлишга, ахборот технологиялари янгиликлари ва қулайликларидан ўз фаолиятларида кенг фойдаланишга интилаётган инсонлар орасида оммалашиб кетмоқда.

Азиз ўқувчи, ушбу китобни ўқишни бошлаган экансиз, демак, сиз Microsoft Office Front Page 2003 дастури билан танишиш истагидасиз. Веб-дизайн асосларини ушбу дастур қулайликларидан фойдаланиб ўрганишни ўзингизга мақсад қилиб қўйгансиз. Шундай экан, сизни омадли харидингиз билан табриклайман ва китоб билан танишиш жараёнида сизга сабр-тоқат ва омад тилаб қоламан. Истардимки, ушбу китоб нафақат китоб жавонингиздан, балки қалбингиз тўридан ҳам жой олсин.

Ушбу китоб Европа Иттифокининг ТЕМПУС дастури JEP 24167-2003 лойиҳаси кўмагида амалга оширилди.

«MS Office Front Page 2003 дастури ёрдамида веб-дизайн асослари» китоби веб-дизайн асослари билан танишиш истагида бўлган, ушбу соҳада бошланғич билимга эга бўлмаган барча фойдаланувчилар учун, жумладан институт ва касб-хунар коллежлари профессор-ўқитувчилари учун махсус яратилган. Китоб ўқувчини Microsoft Office Front Page 2003 дастуридан фойдаланишга ундайди, сабаби ушбу дастурнинг тузилиши ва таркиби фойдаланишда қулайлиги билан кўпчиликка яхши танилишга улгурган Microsoft Word дастурига ўхшаш. Шу сабабли ушбу дастур ёрдамида веб-сайт ва саҳифалар яратиш, институт ва касб-хунар коллежлари профессор-ўқитувчилари томонидан жуда осон ва тез ўзлаштирилади.

Китоб ўз таркибий жиҳатига кўра 12 дарсга бўлинган бўлиб, ҳар бир дарс кетма-кетлиги сақланган ҳолда ўзлаштирилиши керак. Китоб сўнгида веб-саҳифалар ва веб-сайт яратиш жараёнида аҳамият берилиши лозим бўлган ҳамда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида фойдали маслаҳатлар келтирилган. Улар билан танишинг ва иш жараёнида маслаҳатларга амал қилинг. Шунда сиз яратган веб-сайт нафақат кўркем, балки таркибий жиҳатдан ҳам мукамал равишда тузилади.

Фикримнинг сўнгида, бир нарсани эслатишни маъқул деб топдим. Ҳурматли ўқувчи, агар сиз профессионал веб-дизайнер бўлишни мақсад қилиб қўйган бўлсангиз ва сизда ушбу соҳа билан ўз келажагингизни боғлаш истаги бўлса, ушбу китобдан олинган билимнинг ўзи етарли бўлмайди. Ушбу китоб мутоаласидан олинган билимлар фақатгина веб-дизайн асосларини эркин тасаввур эта олиш учун хизмат қилади.

1-дарс. Front Page 2003 дастури билан танишув

- Веб-сайт нима?
- Веб-саҳифалар қандай яратилади? (WYSIWYG);
- Microsoft Office Front Page 2003 дастури билан танишув;
- Menu Bar тушунчаси;
- Асбоблар панели;
- Front Page дастури асосий дарчаси;
- Каталоглар рўйхати панели;
- Навигация панели;
- Топшириқлар панели;
- Саҳифани кўриш режимлари;
- Ҳисоботни кўриш режими;
- Веб-сайт тузилиши навигацияси;
- Таҳрирлаш дастурларини ўрнатил.

Веб-сайт нима?

Веб-сайт веб-саҳифалардан ташкил топган, бирон бир ташкилот ёки жисмоний шахснинг Интернет тармоғида жойлаштирилган, аниқ URL (Universal Resource Locator) манзилга эга бўлган маълумотлари мажмуасидир. Веб-сайт тўғрисида янада чуқурроқ тасаввурга эга бўлиш учун веб-саҳифалар нима эканлигини тушуниб олишимиз талаб этилади.

Веб-саҳифа нима?

Веб-саҳифа – бу матн файли [1]. У ҳеч қандай расмлардан, тугмалардан ёки бошқа экранда кўринадиган дизайн таркибий қисмларидан ташкил топмайди. Бунинг ўрнига веб-саҳифанинг Hyper Text Markup Language (HTML) тилида ёзилган матнidan иборат. Ушбу матн файли веб-саҳифада фойдаланилган гипербоғлиқлар, тугмалар, уларда ишлатилган расмлар манзиллари ва бошқа дизайн таркибий қисмларининг изоҳини саклайди. Веб-саҳифаларда фрейм элементлари, жадваллар, турли бошқа дастурлар скриптларидан фойдаланилган ҳолларда саҳифанинг HTML коди жуда мураккаблашиб кетади. Агар сиз ушбу дастурий кодлардан хабардор бўлсангиз, унда мураккаб веб-саҳифаларни бемалол NotePad ёки WordPad

матн тахрирлаш дастурларида яратишингиз мумкин. Интернетнинг дастлабки ривожланиш даврида кўпгина веб-саҳифалар айнан шундай усулда яратилган.


Аммо дастурий кодлар билан ишлаш жуда мураккаб жараён бўлиб, бундай усулда веб-саҳифалар яратиш камчилик мутахассисларнинг қўлидан келади. Демак, керакли дастурлаш билимларига эга бўлмасдан туриб, веб-саҳифа яратиш мумкин эмас, Шундайми? Йўқ, сизни ҳурсанд қилмоқчимиз. Бунинг иложи бор.

Ҳозирда WYSIWYG (what you see is what you get), яъни “Нимани кўраётган бўлсанг, Шунга эга бўласан” деган режимда ишлайдиган дастурлар талайгина. Ушбу дастурлар ёрдамида веб-саҳифани яратиш жараёнида унинг қандай кўриниш касб этишини кўриб, кузатиб бориш мумкин, яъни веб-саҳифа яратиш борасидаги ҳар бир бажарилган амал натижасини ҳамма вақт кўриб туриш мумкин.

Microsoft Front Page 2003 айнан шундай дастурлар сарасига киради. Front Page ёрдамида сиз осонлик билан веб-саҳифага матн киритишингиз, уни истаганча тахрирлашингиз, расмлар қўйишингиз, гипербоғлик ёрдамида турли веб-саҳифаларни ўзаро боғлашингиз ва бошқа амалларни бажаришингиз мумкин. Бунинг устига, яратилаётган веб-саҳифанинг кўринишини ҳамма вақт кўриб, назорат қилиб турасиз. Веб-саҳифага кераклича маълумот киритиб бўлинганидан сўнг Front Page дастури саҳифанинг HTML кодини катта аниқлик билан яратиб беради. Кейинчалик саҳифа кўринишини ёки бирор бир маълумотни ўзгартирсангиз, дастур автоматик равишда HTML кодни ҳам ўзгартириб қўяди.

Microsoft Front Page 2003 дастури билан танишув

Microsoft Front Page дастурининг умумий кўриниши 1.1-расмда акс эттирилган. Аҳамият берган бўлсангиз, дастур кўриниши бошқа Microsoft Office дастурларига ўхшаш.




1.1-расм. Front Page дастурининг умумий кўриниши.

Келинг, дастур меноларини ва асбоблар панелини кўриб чиқамиз.

Меню

Microsoft Office барча дастурларида бўлгани каби, экранда пайдо бўлган Front Page дастурининг юқори қисми менюлар панелидан (Menu Bar дан) ташкил топган. Бирор амални бажариш учун меню ичига кириб, керакли бандни босиш кифоя. Банд танланиши билан янги мулоқот дарчаси ёки бошқа меню намоён бўлади. 1.2-расмда бирор менюдан бандни танлаш оқибатида қуйи менюга (Sub Menu) ўтиш кўрсатилган.



1.2-расм. Меню панели таркибининг кўриниши.


Куйи менюни асбоблар панелида ҳосил қилиш учун уни 1.2-расмда кўрсатилганидек ушлаб олиб, яъни сичқончанинг чап курсорини менюнинг юқори қисмида босиб, кўйиб юбормасдан асбоблар панелининг керакли жойигача суриб бориш керак. Куйи менюни асбоблар панелига қўпишнинг ўз қулайликлари мавжуд. Бу билан шу менюдаги амалларни тўғридан-тўғри асбоблар панелининг ўзидан бажариш имконияти туғилади. Лекин бунинг ўз

камчилиги ҳам мавжуд, чунки куйи менюларнинг асбоблар панелига кўплаб қўшилиши экрандаги фойдали иш қисмининг камайишига олиб келади.

Асбоблар панели

Аҳамият беринг, Меню каторининг пастида Асбоблар панели жойлашган (1.3-расм). Асбоблар панелидан фойдаланувчилар томонидан кўп ишлатиладиган тугмалар ўрин олган. Бирор амални бажариш учун ушбу амалга боғланган тугмани меню ичидан кидиргандан кўра асбоблар панелидаги тугмаларидан фойдаланган қулай, албатта.

Одатда, Front Page дастури иккита, яъни “Стандартная” ва “Форматирование” асбоблар панелини экраннинг юқори қисмида акс эттиради.




1.3-расм. “Стандартная” ва “Форматирование” асбоблар панели.

Аҳамият берган бўлсангиз, асбоблар панели бошқа Office дастурларидаги панелларга ўхшаши.

Front Page дастури асосий дарчаси


Front Page дастурининг асосий дарчаси 1.4-расмда келтирилган. Веб-саҳифанинг дизайни, матн ва график расмларни қўшиш, барчаси шу дарчада бажарилади.




1.4-расм. Front Page дастури асосий дарчаси.

Саҳифанинг кўриниш ўлчамларини ўзгартириш

Front Page дастурида саҳифани турли ўлчамда кўриш имконияти мавжуд. Керакли ўлчамни танлаш учун Status Bar қисмида экран ўлчами келтирилган жойни босиш керак ва очилган менюдан керакли ўлчамни танлаш лозим:



Олдиндан белгилаб қўйилган ўлчамлардан бирини танлашингиз ёки ўз ўлчамингизни яратишингиз мумкин. Ўз ўлчамингизни барпо қилиш учун Modify Page Sizes тугмасини босиш кифоя:



Расмдаги Modify тугмасини босиб, экраннинг мавжуд кўриниш ўлчамини ўзгартиришингиз, Add тугмасини босиб, янги ўлчам яратишингиз мумкин.

Каталоглар рўйхати


Каталоглар рўйхати бўлимида веб-сайт таркибига кирувчи файл ва каталоглар рўйхати акс этади. Бу бўлим бизга Windows Explorer дастурини эслатади. Худди Windows Explorerда бўлгани каби, файл ва каталоглар устида турли амалларни бажариш мумкин.

Каталоглар рўйхатини (1.5-расм) акс эттириш учун View менюси ичидан Folder List тугмасини босиш ёки Alt+F1 тугмаларини барабар босиш кифоя. Каталоглар рўйхатидан чиқиш учун экрандаги дарчанинг юқори ўнг бурчагида жойлашган  тугмасини босиш керак.


Эслатма: Каталоглар рўйхати фақат веб-сайт устида ишлаш жараёнида акс эттирилиши мумкин.

Навигация панели

Ушбу панель веб-сайт умумий тузилмасини кўриш имкониятини яратади. Панелни экранда ҳосил қилиш учун View | Navigation Pane тугмасини босиш керак ёки каталоглар рўйхати дарчаси қуйи қисмида Navigation тугмасини босиш керак. (1.6-расм.)



1.5-расм. Каталоглар рўйхати дарчаси.




1.6-расм. Навигация панели.

Топшириқлар панели

Топшириқлар панели фойдаланувчилар томонидан кўп ишлатиладиган веб-саҳифа яратиш, ёрдам дарчасини чакириш, маълумотлар қидириш, клипартлардан фойдаланиш, жадвал яратиш ва шунга ўхшаш буйруқларни ўзида акс эттиради [2].

Ушбу панелини пайдо қилиш учун View | Task Pane ёки View | Toolbars | Task Pane амалларини бажариш керак.

Одатда, бу панель иш столининг ўнг қисмида жойлашади, лекин уни инсталланган жойга кўчириш имконияти мавжуд (1.7-расм.).




1.7-расм. Топшириқлар панели.

Саҳифани кўриш режимлари

Саҳифани кўриш Front Page да энг кўп ишлатиладиган амалдир. Саҳифани 4 режимда кўриш имконияти мавжуд. Булар: Design, Split, Code va Preview.

Саҳифани кўришнинг Design режими

Ушбу режим ёрдамида саҳифани тайёр ҳолатда қандай кўриниши ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин (1.8-расм). Бу режим асосан саҳифанинг дизайни устида ишлаш жараёнида фойдаланилади. Режим турларини дарчанинг қуйи қисмидан ўзгартиришингиз мумкин.




1.8-расм. Саҳифани кўришнинг Design режими.

Саҳифани кўришнинг Code режими

Юқорида таъкидлаганимиздек, веб-саҳифалар HTML кодлардан ташкил топган бўлади. Front Page дастури ёрдамида веб-саҳифалар яратиш жараёнида сиз матн, расм ва бошқа дизайн элементларини осонгина ишлатиб кетаверасиз, дастурнинг ўзи эса веб-саҳифанинг HTML кодини ёзиб бораверади. Лекин айрим ҳолларда сизга саҳифанинг HTML кодларини


кўриш керак бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда саҳифани кўришнинг Code режимидан фойдаланиш тавсия этилади (1.9-расм).



1.9-расм. Саҳифани кўришнинг Code режими.

Саҳифани кўришнинг Split режими


Ушбу режим ёрдамида саҳифанинг дизайн элементлари ва унинг HTML кодлари билан бир вақтнинг ўзида ишлаш имконияти мавжуд (1.10-расм). Масалан, дизайн режимида бирор объектни белгиласангиз, шу объектга тегишли HTML код ҳам белгиланади. Бирор матн ёки расм хусусиятларини ўзгартирсангиз, унга тегишли HTML код ҳам автоматик равишда ўзгатирилади. Бу режим ёрдамида HTML кодларни ўрганиш мумкин.



1.10-расм. Саҳифани кўришнинг Split View режими.

Саҳифани кўришнинг Preview режими

Preview режими тайёр веб-саҳифани текшириш учун ишлатилади (1.11-расм). Саҳифа браузерда қандай кўринишда акс этса, Preview режимида ҳам худди шу кўринишда акс эттирилади. Бундан ташқари, веб-саҳифани турли ўлчамларда ҳам текшириш имконияти мавжуд.




1.11-расм. Саҳифани кўришнинг Preview режими.

Веб-сайт ҳақида умумий тушунчалар

Front Page дастурида веб-сайт ҳамда веб-саҳифалар ҳақида умумий маълумотларга (ҳисоботларга) эга бўлиш имконияти яратилган. Веб-саҳифалар яратиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлардан хабардор бўлиш ниятида турли ҳисобот турларидан фойдаланиш мумкин. Келинг, фойдаланувчилар томонидан тез-тез ишлатиладиган ҳисобот турларидан бир нечтаси билан танишамиз. Ҳисоботлар дарчасини очиш учун дастур асосий дарчаси юқори қисмида Web Site тугмасини босиш кифоя.

Каталог ва файллаар рўйхати дарчаи билан ишлаш

Веб-сайтни оддий каталог ва файллаар мажмуаси сифатида акс эттириш мумкин. Бунинг учун умумий ҳисобот дарчаси ичидан Folders тугмасини ёки View | Folders тугмаларини босиш керак (1.12-расм).




1.12-расм. Folders View режими.

Ҳисоботни кўриш режими

Ҳисобот режимидан фойдаланиб веб-сайт ва саҳифалар билан ишлаш жараёнида йўл қўйилган камчиликларни кўриш ва уларни тузатиш мумкин [3] (1.13-расм).

Режимда ишни бошлаш учун умумий ҳисобот дарчаси ичидан Reports тугмасини босиш ёки View|Reports|Site Summary тугмаларини танлаш керак.




1.13-расм. Reports ҳисобот дарчасининг умумий кўриниши.

Гипербоғликларни акс эттирувчи Hyperlinks режими

Hyperlinks режими (1.14-расм) веб-саҳифалар орасидаги гипербоғликларни кўриш имкониятини беради [4]. Режимни фаоллаштириш ҳисоботлар дарчаси ичидан Hyperlinks тугмасини босиш орқали ёки View|Hyperlinks тугмаларини босиб амалга оширилади. Ушбу режим ичида ҳар бир саҳифани иш дарчаси марказида акс эттириш имконияти мавжуд.

Бунинг учун шу саҳифани танланг ва сичқончанинг ўнг тугмасини босинг, очилган менюда Move to Center буйруғини танланг.



1.14-расм. Hyperlinks режимидаги умумий кўриниши.

Ушбу режим ичида сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда қуйидаги буйруқларни акс эттирган дарча ҳосил бўлади:


- **Show Page Titles** Одатда, режим ичида веб-саҳифалар уларнинг номи бўйича акс этирилади. Агар сиз саҳифаларни сарлавҳаси номи бўйича акс эттирмоқчи бўлсангиз, ушбу буйруқдан фойдаланинг.
- **Hyperlinks To Pictures** Одатда, Front Page дастури расмларга боғланган гипербоғликларни акс эттирмайди. Лекин агар сиз расмларга йўналтирилган гипербоғликларни акс эттирмоқчи бўлсангиз, ушбу буйруқни танланг.

- **Repeated Hyperlinks** Веб-саҳифа ичида битта манзилга йўналтирилган гипербоғликларнинг фақат биттаси акс эттирилади. Агар сиз битта манзилга йўналтирилган барча гипербоғликларни акс эттирмоқчи бўлсангиз, ушбу буйруқни танланг.
- **Site Settings** Ушбу буйруқни танлаб, веб-сайтингиз хусусиятларини экранда кўришингиз мумкин.

Топшириқлар панели ёрдамида веб-сайтни режалаштириш

Ҳар бир веб-саҳифа учун топшириқ белгилаб қўйиш мумкин (1.15-расм).

Топшириқларни “бажарилган” ёки “туғалланмаган” сифатида белгилаб қўйиш ҳам мумкин.



Status	Task	Assigned To	Priority	Assigned Date	Due Date	Description
Not Started	Topshiriq2	ITTC-SER...	Medium	15.05.2006	15:13:09	Файл кенгайтмаси: Равнатил керак.
Not Started	Topshiriq3	ITTC-SER...	Medium	15.05.2006	15:18:09	Ишда кўшича файл яратил керак.

1.15-расм. Топшириқлар панели умумий кўриниши.

Тахрирланг дастурларини ўрнатил

Одатда, Front Page дастури *.htm, *.html кенгайтмали файлларни ўз иш дарчасида очади. Дастур ичи каталоглар рўйхати дарчасида (Folder List) ушбу кенгайтмали файллар устига босилганда, улар Front Page дастурида очилишни бошлайди. Агар ушбу дарча ичида, *.doc кенгайтмали файллар босилса, улар автоматик равишда Microsoft Word дастурида очилади. *.gif, *.jpg кенгайтмали файллар устига ушбу дарча ичида икки марта босилса, Front Page дастури ушбу “файлларни қайси дастурда очиш керак” деган дарчани савол сифатида тақдим этади. Сабаби, Front Page ушбу кенгайтмали файлларни тахрирлай олмайди. Шунинг учун дастур фойдаланувчига инсталланг кенгайтмали файллар учун компьютерда ўрнатилган бирор дастурни белгилаб қўйиш имкониятини беради. Бу жуда ҳам қулай. Ушбу


2-дарс. Янги веб-саҳифа яратиш

- Янги веб-сайт яратиш;
- Веб-саҳифа яратишда умумий шаблонлардан фойдаланиш;
- Файл ва каталогларни импорт қилиш;
- Тайёр веб-саҳифа асосида янгисини яратиш;
- Веб-саҳифада чизгич ва тўрдан фойдаланиш;
- Тайёр саҳифани браузерда кўриш;
- Веб-саҳифани сақлаш;
- Шахсий шаблон яратиш.

Янги веб-саҳифа яратиш


Эсингизда бўлса, веб-сайт бир-бири билан боғланган веб-саҳифалардан ташкил топади [5]. Демак, веб-саҳифа яратиш учун:

1. File | New тугмаларини танланг. Аҳамият беринг, экран ўнг томони топшириқлар панели қисмида веб-сайт ва веб-саҳифа яратиш имкониятини берувчи топшириқлар дарчаси пайдо бўлди.
2. Очилган дарча ичидан More Web Site Templates тугмасини танланг.




3. Натижада қуйдаги шаблонлар рўйхати очилади. Бу дарча ичидан керакли шаблонни танланг ва Specify the Location Of The New Web site

тугмасини босиб веб-саҳифа сакланиши лозим бўлган манзилни кўрсатинг.



4. Бизнинг мисолда Personal Web Site шаблони мисол тариқасида танланган. Шунинг учун ушбу шаблон устида сичқончани икки марта босинг.
5. Шундан сўнг, Front Page дастури шахсий веб-сайт таркибини яратиб беради (2.1-расм). Таркиб Folders View кўриш режимида акс этади.




2.1-расм. Яратилган шахсий веб сайт структураси.


Веб-саҳифа яратишда умумий шаблонлардан фойдаланиш

Худди веб-сайт яратганимиздек, веб-саҳифани ҳам шаблонлардан фойдаланиб осонлик билан яратиш мумкин. Бунинг учун:


1. File | New тугмасини босинг. Front Page дастури куйидаги дарчани тақдим этади:



2. Очилган дарчанинг New Page бўлиmidан More Page Templates тугмасини танланг.
3. Шундан сўнг, Front Page дастури веб-саҳифа яратиш шаблонлари келтирилган Page Templates дарчасини тақдим этади. Ушбу дарча ичидан керакли шаблонни танлаш мумкин:



4. Бирор шаблонни босиб, Preview дарчаси ичида унинг умумий кўринишини кўриш мумкин.
5. Янги веб-саҳифа яратиш учун бирортасини танлаб, OK тугмасини босинг.
6. Веб-саҳифа яратилгандан сўнг, унинг устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, очилган дарча ичидан Page Properties тугмасини босинг.
7. Очилган Page Properties дарчаси ичидан Title (саҳифа сарлавҳаси) ни ўзгартиришингиз мумкин. Page Properties дарчасини ёпиш учун OK тугмасини босинг.
8. File | Save тугмасини босиб, Save As дарчасини ҳосил қилинг.



9. File Name дарчиси ичида, янги яратилган саҳифа учун файл номини киритинг. Агар саҳифа сарлавҳаси номини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, Change title тугмасини босинг ва керакли ўзгартиришларни киритинг.
10. Шундан сўнг, OK тугмасини босинг.


Файл ва каталогларни импорт қилиш

Ҳурматли ўқувчи, Front Page дастурида каталог ва файлларни импорт қилиш орқали ҳам веб-сайт яратиш имконияти мавжуд. Файл ва каталогларни веб-сайт жойлашган манзилга импорт қилиб, улардан веб-саҳифа таркибий қисмлари сифатида бемалол фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Интернет тармоғидаги бутун веб-сайтларни импорт қилиш имкониятингиз ҳам мавжуд.

Локал тармоқда жойлашган файлларни импорт қилиш

Локал тармоқда жойлашган файлларни импорт қилиш учун:

1. File | Import тугмасини танланг. Очилган дарча ичидан керакли тугмани танланг.



2. Файлни импорт қилмоқчи бўлсангиз, Add File тугмасини танланг. Тугма босилгандан сўнг файлларни импорт қилиш дарчаси очилади.
3. Керакли файлни танланг.
4. Файлларни танлаб бўлганингиздан сўнг Open тугмасини босиб, файл ва каталогларни импорт қилиш дарчасига қайтинг. Аҳамият беринг, танлаган файллар рўйхати ушбу дарчада пайдо бўлади. Агар яна қўшимча файллар импорт қилиш керак бўлса, 2-дан 4-кадамгача бўлган амалларни такрорланг.
5. Каталогни импорт қилиш учун Add Folder тугмасини танланг. Сўнггра керакли каталогни танланг.
6. Керакли каталог танлангандан сўнг Import тугмасини босинг. Шундан сўнг сиз автоматик равишда файл ва каталогларни импорт қилиш дарчасига қайтасиз. Аҳамият беринг, танланган каталог таркибидаги файллар рўйхати ушбу дарчада пайдо бўлган.
7. Қўшимча каталогларни танлаш учун бешинчи ва олтинчи кадамларни такрорланг. Агар танланган каталог файлларини импорт қилиш фикридан қайтиб қолсангиз, Remove тугмасини босиб, уларни рўйхатдан олиб ташланг.

8. Танланган файлларни импорт қилишни бошлаш учун ОК тугмасини босинг. Импорт қилиш жараёни тугагандан сўнг Folders View режимида янги қўшилган файлларни кўришингиз мумкин.


Тайёр веб-саҳифа ёрдамида янгисини яратиш

Агар сизда бирор веб-саҳифа бўлиб, шу веб-саҳифа ёрдамида янгисини яратмоқчи бўлсангиз, Front Page дастури ишингизни енгиллаштиради. Тайёр веб-саҳифа асосида худди шундай янгисини яратиш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

1. File | New тугмасини босинг.
2. Топшириқлар панели қисмида очилган New дарчаси ичидан From Existing Page тугмасини танланг.
3. Қайси веб-саҳифа асосида янгисини яратмоқчи бўлсангиз, шу веб-саҳифани танланг ва Create New тугмасини босинг. Энди натижани текширинг.

Веб-саҳифада чизғич ва тўрдан фойдаланиш

Front Page дастурида чизғич ва тўрдан фойдаланиш имконияти мавжуд (2.2-расм). Бу билан саҳифа маълумотларининг ўзаро жойлашувини тартиблаштириш мумкин. Чизғич дарча юқори ва чап ён томонларида акс этади. Шунингдек, чизғич ва тўр хусусиятларини ўзгартириш имконияти мавжуд, жумладан: уларни ёқиш, ўчириш, кўриниш рангини ўзгартириш, жисмларни тўрга ёпиштириш ва ҳ.к..




2.2-расм. Чизғич ва тўрдан фойдаланиш.

Чизғич ва тўрдан фойдаланиш

Чизғични экранда ҳосил қилиш учун View | Ruler and Grid | Show Ruler тугмасини танлаш керак. Тўрни кўрсатиш учун View | Ruler and Grid | Show Grid тугмасини босиш лозим.

Координата бошини ўзгартириш ва белгилаш


Чизғичнинг координата бошини ўзгартириш учун координата бошини қуйида келтирилган расмда кўрсатилган жойда сичқончани босиб ушлаб туриб, керакли жойга суриб ҳосил қилиш мумкин:



Координата бошини ўз жойига қайтариш учун расмда белгиланган жойда сичқончани икки марта босиш кифоя.

Чизғич ва тўр хусусиятларини ўзгартириш

Чизғич ва тўр хусусиятларини View | Ruler and Grid | Configure тугмаларини босиб, қуйидаги дарча орқали ўзгартиришимиз мумкин.




Қуйидаги кўрсаткичларни ўзгартириш имконияти мавжуд:

- **Adjust the Ruler and Grid Units** Тўр чизикларини ҳамда чизғич кўрсаткичларини акс эттириш ўлчов бирлиги. Танлаш менюсини очиб, ўлчов бирликни ўзгартириш мумкин.
- **Set the Display Grid Spacing** Тўр икки чизиги орасидаги масофа, яъни тўр квадрати ўлчами.
- **Set the Display Grid Line Style** Бу бўлим орқали тўр чизигининг акс этиш услубини ўзгартириш мумкин.
- **Set the Display Grid Line Color** Тўр чизигининг рангини ўзгартириш бўлими.
- **Set the Spacing for Snapping to the Grid** Тўр ичида жисмнинг ҳаракатланиш қадами.

Тайёр веб-саҳифани браузерда кўриш

Олдин айтиб ўтилганидек, саҳифани Preview режими орқали тайёр ҳолатда қандай шаклда акс этишини кўриш мумкин эди. Лекин айрим ҳолларда саҳифани браузерда кўриш талаб этилади.


Front Page дастури веб-саҳифани браузерда синаш имкониятини ҳам тақдим этган. Дастурни биринчи марта ўрнатганингиздан сўнг дастур автоматик равишда компьютерга ўрнатилган браузерни одатдаги браузер сифатида қабул қилади. Сизда қайси браузер одатдаги браузер сифатида қабул қилинганини билиш учун File | Preview in Browser тугмаларини босиб, қуйидаги дарчани акс эттиринг:



Бизнинг ҳолатда Internet Explorer 6.0 браузерни одатдаги браузер сифатида ўрнатилган экан.

Броузерни белгилаш

Исталган броузерни компьютерга ўрнатиб, веб-саҳифани тест (синов) сифатида кўриш учун белгилаб қўйишингиз мумкин. Бунинг учун File | Preview in Browser тугмасини босиб, очилган дарча ичидан Edit Browser List тугмасини босинг. Натижада экранда қуйидаги дарча пайдо бўлади:



Янги броузер ўрнатиш учун Add... тугмасини босиб, керакли амалларни бажариш лозим.

Веб-саҳифани сақлаш


Веб-сайт яратиш жараёнида веб-саҳифаларни ҳамда бажарилган ишларни ўз вақтида тез-тез сақлаб туриш керак. Биринчи марта веб-саҳифани сақлаш пайтида дастур Save As дарчасини тақдим этади. Очилган дарча ичида файл номини, унинг сақланиш манзилини кўрсатиш лозим. Веб-саҳифа бир марта сақлангандан сўнг, ҳар гал Save тугмаси босилганда, файл аввалгиси ўрнида сақлаб қўйилаверади.

Шахсий шаблон яратиш


Агар веб-сайт билан ишлаш жараёнида чиройли веб-саҳифа яратиб, шу веб-саҳифадан кейинчалик фойдаланмоқчи бўлсангиз, яратилган веб-саҳифани шаблон сифатида (as a template) сақлаб қўйишингиз мумкин [6].

Бунинг учун:

1. File | Save As тугмасини танлаб,
2. Save as type бўлимидан расмда кўрсатилганидек FrontPage Template (*.tem) бўлимини танланг.



3. Шаблон номини киритинг ва Save тугмасини босинг.
4. Front Page қуйидаги дарчани акс эттиради:




5. Хужжат сарлавҳасини, номини ва таърифини киришиб бўлганингиздан сўнг агар шаблон веб-сайтнинг таркибий қисми сифатида сақланишини хоҳласангиз, Save Template in Current Web Site бўлимини танланг.

6. Сўнгра ОК тугмасини босинг. Агар саҳифада турли график файллар ишлатилган бўлса, Front Page Save Embedded Files дарчасини тақдим этади. Ушбу дарча ичидан график расмлар сақланиши керак каталог танланади. Одатда, веб-сайт таркибидаги расмлар Images папкасида сақланади.

7. Шундан сўнг ОК тугмасини босинг.

Шахсий шаблон сақланди, энди уни текшириб кўриш учун веб-саҳифа яратиш дарчасини очиб, More Page Templates бўлимига ўтиш керак. Аҳамият беринг, дарча ичида My Templates бўлими ҳосил бўлди. Бу дарча ичида биз яратган шахсий шаблон акс этади:



3-дарс. Веб-саҳифада матн киритиш

Веб-саҳифада матн киритиш:

Матнни форматлаш:

- » «Форматирование» асбоблар панелидан фойдаланиб матн услубини ўзгартириш;
- » Матн хусусиятларини «Шрифт» дарчаси орқали ўзгартириш;

Рўйхатлар билан нишлаш:

- » Белгили рўйхат яратиш;
- » Рўйхат ичида таркибий рўйхат яратиш;
- » Рақамли рўйхат яратиш;
- » Рўйхат белгиси сифатида расмдан фойдаланиш;
- » Таркибий рўйхат кўринишини акс эттириш имкониятлари;
- » Сатр боши услубини белгилаш;
- » Сатр боши хусусиятларини «Абзац» дарчаси ёрдамида ўзгартириш;
- » Сатр чегара ва тўлдирма хусусиятларини белгилаш.

Веб-саҳифаларга матн киритиш

Front Page дастурида веб-саҳифаларга жуда осонлик билан матн киритиш имконияти мавжуд. Бунинг учун курсор турган жойдан матнни киритишни бошлаш керак. Худди матн таҳрирлагичларида бўлгани каби, матннинг керакли қисмини белгилаб олиш ҳам мумкин.


Матнни форматлаш

Ҳар бир одам ўз веб-саҳифаларида терилган матнларни кўркем кўринишини хоҳлайди, албатта. Front Page дастурида терилган матнни форматини ўзгартиришингиз, шрифт ўлчамини ҳамда унинг турини бемалол танлашингиз мумкин. Ушбу мақсадларни амалга оширишда Formatting (Форматирование) асбоблар панелидан фойдаланиш лозим.

«Форматирование» асбоблар панелидан фойдаланиб матн услубини ўзгартириш


Formatting асбоблар панелидан фойдаланиб, матн хусусиятларини жуда тез ва осонлик билан ўзгартириш мумкин. Агар бу асбоблар панелини

экрандан олиб ташламаган бўлсаниз, у дастур дарча юқори қисмида иккинчи тартибда туради. Ушбу асбоблар панели бизга Microsoft office дастурларидан маълум. У қуйидаги кўринишга эга:



Матн хусусиятларини «Шрифт» дарчаси орқали ўзгартириш


Матн хусусиятларини, шунингдек «Шрифт» дарчаси орқали ҳам ўзгартиришимиз мумкин. Буving учун Format | Font тугмаларини таяланг. Front Page дастури қуйидаги дарчани акс эттиради:



Font дарчаси 2 та бўлимдан иборат. Биринчиси Font, иккинчиси Character Spacing. Биринчи дарча матн услубини ўзгартиришга хизмат қилса, иккинчиси матнни экранда акс этиш хусусиятларини ўзгартиради.

Рўйхатлар билан ишлаш

Веб-саҳифада маълумотни тартиблаштириш мақсадида уни рўйхат шаклига келтириш мумкин. Рўйхатни рақамлаш ёки белгилаш туридан фойдаланиб яратиш мумкин. Бундан ташқари, белгилаш тури сифатида бирор расмдан ҳам фойдаланиш мумкин. Рўйхатнинг белгилаш тури матн орасида аниқ кетма-кетлик келтирилмаган ҳолатларда қулай [7]. Рўйхатлашнинг рақамли туридан матнда кетма-кетликни сақлаш учун фойдаланган маъқул ва ҳ.к.. 3.1-расмда айрим рўйхат турлари келтирилган:




3.1-расм. Front Page дастури айрим рўйхат турлари.

Белгилаш тури қўлланган рўйхат яратиш

Белгилаш тури қўлланган рўйхатни яратиш учун:

1. Рўйхат яратиш талаб этилган жойга курсорни қўйинг ва Format | Bullets and Numbering тугмасини танланг.




2. Дарча ичидан рўйхат белгилаш турини танланг ва ОК тугмасини босинг.
3. Аҳамият беринг, экранда белгилаш тури қўлланган рўйхат акс этди.
4. Рўйхатни давом эттириш учун рўйхат сўнгиди Enter тугмасини босинг ва рўйхатни янги қатордан давом эттиринг.
5. Рўйхат таркибини яратишни тугатганингиздан сўнг, Enter тугмасини икки марта босинг ва рўйхат таркибидан чикиб кетинг.

Рўйхат ичида таркибий рўйхат яратиш

Front Page дастуридаги рўйхат ичида таркибий рўйхат яратиш имконияти мавжуд. Бундай рўйхатлар ёрдамида маълумотнинг тартибланишини аниқ кўрсатиш мумкин. Келинг, шундай рўйхат яратиб кўрамиз, бунинг учун:

1. Курсорни рўйхат қатори охирига қўйинг ва Enter тугмасини босинг, лекин ҳозирча ҳеч нарса ёзмай туринг.

2. Чап томондан масофа қўладиган тугмани икки марта босинг. Аҳамият беринг, белгилаш тури асосий рўйхатдан ўзгача бўлган рўйхат катори яратилди.
3. Катор сўнгида Enter тугмасини қайта босиб, рўйхат каторларини исталганча яратиш мумкин.
4. Рўйхат ичидаги таркибий рўйхатни тугатиш учун ушбу рўйхат катори сўнгида Enter тугмасини 3 марта босинг. Рўйхат ичида яратилган таркибий рўйхат намунаси 3.2-расмда келтирилган.



3.2-расм. Рўйхат ичида яратилган таркибий рўйхат намунаси.


Кўриб турганингиздек, Front Page дастурида таркибий рўйхат яратиш жуда осон. Келинг, энди бошқа шаклдаги рўйхатлар яратишни кўриб чиқамиз.

Рақамли рўйхат яратиш

Бундай турдаги рўйхат яратиш учун:

1. Рўйхат яратилиши керак бўлган жойга курсорни қўйинг ва Format | Bullets and Numbering тугмасини танланг.
2. Очилган дарча ичидан керакли рўйхат турини танланг, аҳамият беринг, рақамли рўйхатлаш турлари ҳам турлича.
3. Бундан ташқари, рақамланиш нечанчи рақамдан давом этишини белгилашингиз мумкин. Бунинг учун Start at дарчаси ичига керакли

рақамни киритинг. ОК тугмаси босилгандан сўнг рақамланиш шу сондан давом этади.




4. Рўйхатни яратиш учун ОК тугмасини босинг.
5. Рўйхатни давом эттириш учун қатор охирида Enter тугмасини босинг ва янги рўйхат қаторини яратинг.
6. Рўйхат қаторлари етарлича яратиб бўлингандан сўнг, Enter тугмасини икки марта босинг.

Рўйхат белгиси сифатида расмдан фойдаланиш

Юқорида айтиб ўтилганидек, рўйхат белгиси сифатида расмдан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай рўйхат турини яратиш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

1. Format | Bullets and Numbering тугмаларини босинг ва очилган List Properties дарчаси ичидан Picture Bullets бўлимига ўтинг.
2. Агар сиз саҳифада ишлатилган белгилаш туридан рўйхат белгилаш тури сифатида фойдаланмоқчи бўлсангиз, Use Pictures From Current Theme Option бўлимини танланг.




3. Агар рўйхат шакли сифатида бошқа расмдан фойдаланмоқчи бўлсангиз, Specify Picture бўлимини танланг ва Browse тугмасини босинг.
4. Очилган дарча ичидан керакли расмни танланг ва OK тугмасини босинг.
5. Сўнгга танланган расмни рўйхат белгилаш тури сифатида қабул қилиниши учун OK тугмасини босинг.
6. Экранда рўйхат яратилди. Рўйхатни давом эттириш учун қатор сўнггида Enter тугмасини босиб кетаверасиз.
7. Рўйхатни тамомлаш учун Enter тугмасини икки марта босинг.

Таркибий рўйхат кўринишини акс эттириш имкониятлари

Таркибий рўйхат кўринишини акс эттириш деганда бирор рўйхат ичидаги таркибий рўйхатни асосий рўйхатни бир марта босиш орқали очиб кўрсатиш, такроран босиш орқали яна ўз ҳолатига қайтариш тушувилади [8] (3.3-расм). Бундай кўринишни таъминлаш учун шундай рўйхатни бошдан охиригача белгилаб, устида сичкончанинг ўнг тугмасини босиб, очилган дарча ичидан List Properties тугмасини танлаш керак. Очилган дарча ичидан


Enable Collapsible Outlines бўлимини танлаш керак. Агар саҳифа браузерда биринчи маротаба очилганда рўйхатда таркибий рўйхат акс этмаслиги керак бўлса, List Properties дарчаси ичида Enable Collapsible Outlines ҳамда Initially Collapsed бўлимларини бирга белгилаш лозим.



3.3-расм. Collapse эффекти қўлланган таркибий рўйхат.

Сатр боши услубини белгилаш


Front Page дастурида сатр бошидан ёзилган матн услубини хилма-хил равишда ўзгартириш мумкин. Бунинг учун сатр бошига курсор қўйилиб, расмда кўрсатилган дарча ичидан керакли услуб танланади.



Сатр боши хусусиятларини «Абзац» дарчаси ёрдамида ўзгартириш

Сатр бошидан ёзилган матн услубини Format | Paragraph тугмаларини

босиш оркали қуйидаги дарча ичида ўзгартириш мумкин.




Жумладан, келтирилган дарча ичидан матнга нисбатан қандай хусусиятларни белгилаш мумкин:

- **Alignment** бу дарча орқали матнни экраннинг чап, ўнг, марказ ва энига нисбатан ростлаш мумкин.
- **Indentation** ушбу дарча матн боши ва сўнгини экраннинг чегараларига нисбатан ростлайди.
- **Spacing** бу дарча орқали сатрга нисбатан 4 хил усулда масофа белгилаш мумкин. Булар: Before сатр билан ундан олдинги сатр орасидаги масофа; иккинчиси After сатр ва ундан кейинги сатр орасидаги масофа; учинчиси Word сатрдаги ҳар бир сўз орасидаги масофа; тўртинчиси Line Spacing сатр қаторлари орасидаги масофани ўзгартиради.

Сатр чегара ва тўлдирма хусусиятларини белгилаш

Front Page дастурида сатр учун чегара ва тўлдирма хусусиятларини белгилаш ҳам мумкин. Бунинг учун курсорни чегара ва тўлдирма хусусиятларини ўзгартириш талаб этилган сатр устига қўйинг. Сўнгра Borders and Shading дарчасини ҳосил қилиб, Format | Borders and Shading тугмаларини танланг.



Натижада экранда куйидаги дарча очилади. Бу дарча ичидан чегара ўлчамини, унинг турини ва рангини танлашингиз мумкин. Ҳосил бўладиган натижани Preview дарчасида кузатиб туришингиз мумкин.

Чегарани белгилаш

Ушбу очилган дарча ичида учта услуб чегаралари орасидан кераклигини танлашингиз мумкин. Биринчиси Default, иккинчиси Box, учинчиси Custom. Демак, чегарани белгилаш учун:

1. Рўйхатда келтирилган бирор чегара турини танланг.
2. Унинг рангини белгиланг.
3. Чегара қалинлигини танланг.
4. Padding бўлими орқали матн ва унга бириктириладиган чегара орасидаги тўрт томон бўйича масофани ўзгартиришингиз мумкин.

Чегара белгилашнинг Custom услубини танлаш орқали бир чегара учун индивидуал хусусият белгилаш мумкин. Бунинг учун:


1. Бирор хусусият белгиламоқчи бўлган чегарани ёқиш керак. Бунинг учун чегара акс этган тугмани босинг.

2. Чегарага керакли услубни, қалинлик ва бирор рангни белгиланг. Аҳамият беринг, дастур чегарага бириктирилган ўзгаришларни ҳали Preview дарчасида пайдо бўлмайди.
3. Энди чегара акс этган тугмани қайта босинг ва ўзгаришларни кўринг. Чегараларни Formatting асбоблар панели орқали ҳам экранда тезгина ҳосил қилишингиз мумкин.



Тўлдирмани белгилаш

Сатр матни учун тўлдирмани белгилаш учун Borders and Shading дарчаси ичида Shading бўлимига ўтиш керак.



Сўнгра сатр орқа фонига ранг белгилаш учун Background Color бўлими ичидан керакли рангни танлаш керак.

Шу ерни ўзидан Foreground Color бўлими орқали матн рангини ҳам ўзгартириш мумкин.

Агар сатр орқа фониға расм қўйиш талаб этилса, бунинг ҳам иложи бор. Бунинг учун:

1. Shading бўлими ичида Background picture дарчаси қаршисидаги Browse тугмасини босинг ва керакли расмни топиб танланг.
2. Vertical Position ва Horizontal Position дарчалари орқали расмни ростланг.
3. Repeat дарчаси орқали расмни 4 усулда такрорлашингиз мумкин. Булар: биринчиси Repeat, расмни ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда такрорлайди; иккинчиси Repeat x расмни фақат горизонтал йўналиш бўйича такрорлайди; учинчиси Repeat y расмни вертикал йўналишда такрорлайди; тўртинчиси No Repeat расмни такрорланишига йўл қўймайди.

Нусхаси олинган матнни ўзгача усулда қўйиш

Кейинги дарсни муҳокама қилишни бошлашдан олдин Front Page дастури тақдим этаётган матнға тааллуқли яна бир қулайлик билан танишайлик. Front Page дастурида матн нусхасини, унга нисбатан қўлланган барча хусусиятлари билан ёки, фақат матннинг ўзинигина нусхасини олиш мумкин.

Бу амал қандай бажарилади? Матннинг нусхасини оддий усулда олинг ва керакли жойға олиб бориб қўйинг. Матн нусхасини қўйганингиздан сўнг унинг ўнг юқори қисмида тугма кўриниши акс этади. Тугмани босинг ва иккита: Keep Source Formatting, матнни барча хусусиятлари билан нусхасини олиш ёки Keep Text Only фақат матн нусхасини олиш вариантларидан бирини танланг ва натижани кузатинг.

4-дарс. Веб-саҳифаларга график файллар ватовушни қўйиш

Веб-саҳифага график файлларни қўйиш:

- График файллар тушунчаси ва уларнинг турлари;
- График файлларни сақлаш;
- График файлларни қаттиқ дискдан қўйиш;
- Веб-саҳифага Клипарт қўйиш;
- Горизонтал чизиқ қўйиш;
- Расм хусусиятларини ўзгартириш;
- Расмни кўриниш хусусиятларини ўзгартириш;

Расм билан ишлаш асбоблар панели имкониятларидан фойдаланиш:

- Расмни буриш;
- Расм шаффофлигини ўзгартириш;
- Стор буйруғини ишлатиш;
- Расмга шаффофлик белгилаш;
- Турли ранг схемаларидан фойдаланиш;
- Расм чегараси;
- «Resample» тугмасини ишлатиш;
- «Restore» тугмасидан фойдаланиб, расм хусусиятларини қайта тиклаш.

Веб-саҳифага график файлларни қўйиш

Хурматли ўқувчи, албатта сиз оддий матн ёрдамида ҳам турли-туман кўркам веб-саҳифалар яратишингиз мумкин. Веб-саҳифа кўркамлигини ошириш мақсадида, кейинчалик веб-саҳифаларингизда график файлларни ишлатишга тўғри келади. Front Page дастурида матн билан бир қаторда график файллардан ҳам бемалол фойдаланишингиз мумкин. Келинг, шу имкониятлар билан танишишни бошлаймиз.

График файллар тушунчаси ва уларнинг турлари

Аввал озгина бўлса ҳам компьютерда ишлаган бўлсангиз, унда турли график файллар мавжуд эканлигини билсангиз керак. Лекин шунини айтиб ўтиш жоизки, график файлларнинг турлари ниҳоятда кўп. Интернет билан ишлаш учун биз фақат уларнинг икки туридан, яъни JPEG (Joint Photographic

Express) ва GIF (Graphics Interchange Format) турлари билан ишлаймиз. Келинг, улар билан яқинроқ танишамиз. Демак, икки график файл тури ўзининг кучли томони билан бирга заиф томонларига ҳам эга. GIF кичик ўлчамга эга бўлиб, ўз тақрибида 256 рангни сақлай олади. Бу график файл туридан фақат график маълумотни сақлаш учун фойдаланилади, сабаби унинг жуда кичик ўлчамга эга бўлишидандир. JPEG каттарок ўлчамга эга бўлади ва ўз таркибида 16.7 миллионгача рангни сақлай олади. Бу график файл туридан расмларни сақлашда фойдаланган маъкул.

График файлларни сақлаш

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак, бирор веб-сайтга тааллуқли график файлларни шу веб-сайт таркибида сақлаш керак. Агар веб-саҳифага бирор ўзга манзилдан график файл қўйилган бўлса, веб-сайт билан ишлаш жараёнида барча ишлатилган график файлларни веб-сайт таркибидаги атайин график файллар учун яратилган бирор каталогга сақлаб қўшиб қўйган маъкул. Front Page дастури атайин график файллар сақлаш учун Images номли каталогни олдиндан ўзи яратиб қўйган. Одатда, веб-сайт таркибига кирувчи барча график файллар айнан шу каталогда сақланади.


График файлларни қўйиш

График файллар веб-саҳифа таркибига турли хил манбалардан қўйилиши мумкин: локал компьютердан, бирор локал тармоқ ёки Интернетдан ва ҳ.к.

График файлларни қаттиқ дискдан қўйиш

График файлни компьютер қаттиқ дискдан веб-саҳифа таркибига қўйиш учун қуйидаги амалларни бажаринг:

1. Insert | Picture | From File тугмаларини танлаб, қуйидаги дарчани ҳосил қилинг:



2. Сўнгра Insert тугмасини босинг ва танланган расмни веб-саҳифада ҳосил қилинг.


Клишарт компоненти

Front Page дастурини ўрнатиш жараёнида Clip Art компонентларини ўрнатиш сўралади. Агар ўрнатиш тасдиқланса, ўз ичига турли туман график файлларни жамлаган Clip Art компоненти дастурга қўшимча равишда ўрнатилади.

Веб-саҳифага Клишарт қўйиш

Clip Art ёрдамида график файл қўйиш учун:


1. Insert | Picture | Clip Art тугмасини танлаб, Clip Art дарчасини ҳосил қилинг (4.1-расм). Ушбу дарчани Drawing асбоблар панели ёрдамида Insert Clip Art тугмасини босиш орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин.
2. Search тугмасини ишлатиб, сизга керакли расмни қидириб топинг. Бирор мавзуга доир расмни топиш учун Search for дарчаси ичига калит сўз киритинг ва Results should be дарчаси ичидан қидирилаётган файл турини белгилаб, Go тугмасини босинг.




4.1-расм. Clip Art дарчаси.

3. Тақдим этилган натижалар орасидан кераклиги танланг ва веб-саҳифага қўшиш учун файл устига икки марта босинг.

Clip Art расмидан фойдаланганингиздан сўнг веб-саҳифани сақлаш пайтида Front Page дастури автоматик тарзда Save Embedded Files дарчасини тақдим этади. Бундан мақсад Clip Art файлларини веб-сайт таркибига қўйиб сақлашдан иборат.



Одатда, Clip Art ёрдамида қўйилган файл тури GIF ёки JPEG график файлларидан фарқли файл турига мансуб бўлса, Front Page Save Embedded Files дарчасини тақдим этишдан аввал, файлларни бизга маълум икки туридан бирига ўгиришни сўрайди. Агар бир график турга мансуб файлни бошқасига ўгирмоқчи бўлсангиз, Save Embedded File дарчаси ичидан Picture File Type тугмасини танлаб индивидуал тарзда мақсадга эришиш мумкин. Picture File Type дарчаси қуйидаги кўринишга эга:



GIF формати учун қуйидаги хусусиятларни белгилаш мумкин:

- **Interlaced** Бу усулда сақланган GIF файл акс этган веб-саҳифани браузерда кўриш жараёнида аввал экранда файлнинг сифати пастроқ варианты акс этади. Веб-саҳифа тўлиқ юкланиб бўлгандан сўнг файлнинг асл ўлчамли ва юқори сифатли кўриниши акс этирилади. Бундай усулни қўллашдан мақсад, фойдаланувчига веб-саҳифанинг қайси қисмида тахминан қандай файл акс этишини кўрсатишдан иборат. Катта ҳажмга эга GIF файллар учун ушбу усулни қўлаган маъқул.
- **Transparent** Ушбу усулни қўлаш орқали GIF файли бирор рангини шаффоф қилиб қўйиш мумкин.


JPEG файлларига нисбатан қуйидаги хусусиятларни қўллаш мумкин:

- **Quality** JPEG файллари сифатини улардаги маълумотни сиқиш йўли билан ошириш ёки камайтириш мумкин. Файл қанчалик кўп сиқилса, унинг таркибидаги шунча кўп маълумот ташлаб юборилади, натижада файл ўлчами кичиклашади ва акси.
- **Progressive passes** Ушбу усул Interlaced усули каби ишлайди. Мақсад ўша-ўша. Фақат ушбу усул JPEG кенгайтмали файлларда қўлланилади.

Эҳтиёг бўлини, хусусиятлари ўзгартирилган файлни асли ҳолатига қайтара олмайсиз, уни фақат олдиндан тайёрлаб қўйилган нусхасидан қайта тиклашингиз мумкин [9].

Горизонтал чизик қўйиш


Одатда, веб-саҳифалар таркибида горизонтал чизиклар маъно жиҳатидан ҳар хил бўлган маълумотларни бир-биридан ажратиш учун қўлланилади. Веб-саҳифа таркибига горизонтал чизик қўйиш учун Insert | Horizontal Line тугмаларини танлаш керак. Веб-саҳифага қўйилган горизонтал чизик хусусиятлари Horizontal Line Properties дарчаси ичидан ўзгартирилади. Бунинг учун чизик устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиш керак ва Horizontal Line Properties тугмасини танлаш лозим. Натижада экранда қуйидаги дарча пайдо бўлади:



Ушбу дарча ичидан чизик қалинлигини ва узунлигини ўзгартириш мумкин. Чизик ўлчамларини фоиз ҳисобида белгилаш мумкин, шунингдек, унинг рангини ва экрандаги ростланиш турини ҳам ўзгартириш мумкин.

Расм хусусиятларини ўзгартириш

Веб-саҳифага расм қўйганингиздан сўнг унинг хусусиятларини ҳам ўзгартириш мумкин, бунинг учун расм устида сичқончанинг ўнг тугмасини босганда пайдо бўлган дарчада Picture Properties тугмасини босинг. Натижада экранда қуйидаги дарча акс этади:



General бўлими орқали расм хусусиятларини ўзгартириш

Бу бўлим орқали расм манзилни белгилаш, расмнинг альтернатив кўринишини ва унинг гипербоғлигини белгилаш мумкин. Гипербоғликлар тўғрисида кейинги дарсларда танишамиз.

Picture Source дарчаси

Ушбу дарча расмнинг жойлашган тўлиқ манзилини ва унинг номини акс эттиради. Расмни ўзгартириш учун позицияда унинг номини пайдо қилиш керак. Бунинг учун Browse тугмасини босиб, керакли расмни танлаш кифоя. Расмни Edit тугмасини босиш орқали тахрирлаш имконияти ҳам мавжуд.

Picture File type тугмаси


Ушбу тугмани таялаб, файл турини ўзгартириш мумкин. Тугма босилгандан сўнг Picture File Type дарчаси ҳосил қилинади.

Alternative Representations бўлими

Ушбу бўлим ичида Text дарчаси мавжуд. Дарча ичига ёзилган матн броузерда расмнинг устига курсорни олиб келинганда акс эттириладиган матндир. Low Res дарчасидан фойдаланиб, ҳажми кичикроқ бўлган расм манзилини ва номини кўрсатиш мумкин. Ушбу расм веб-саҳифа тўлиқ юкланиб бўлгунга қадар акс эттирилади. Веб-саҳифа тўлиқ юкланиб бўлгандан сўнг броузерда асосий расм акс эттирилади.

Расмнинг кўриниш хусусиятларини ўзгартириш

Appearance бўлими ичида расм ўлчамларини ва унинг экранда ростланиш хусусиятларини белгилаш мумкин.



Wrapping Style хусусиятларини белгилаш

Агар веб-саҳифадаги расм матн орасига қўйилган бўлса, унга нисбатан Wrapping Style бўлими ичида None услуби танланиб қолади. Ушбу ҳолатда расмдан олдин турган матн расм юқорисида ундан кейин турган матн расм остида акс этади.

Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан




график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамиз.

Расмнинг Wrapping Style услубини ўзгартириш учун Left турини танланг ва натижани кузатинг

Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз.

ёки Right турини тавлаб кўринг ва натижани кузатинг.

Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз. Матн билан график файл орасидаги ростланиш хусусиятларини кўриб ўтамыз.



Layout бўлими имкониятларидан фойдаланиш

Layout бўлими қуйидаги имкониятларга эга:

- Horizontal Spacing Расмнинг чап ва ўнг томонларидан масофа ажратиш имконияти.
- Vertical Spacing Расм юқори ва пастки қисмларидан масофа ажратиш.
- Border Thickness Расм чегараси бўйлаб ҳосил қилинадиган чизиқнинг қалинлигини белгилаш.

График файллар ва матнини ростлаш

Alignment танлаш менюси, матн ва график файлларни ростлаш имкониятини беради:




График расм ва матн ўзаро Top хусусияти бўйича ростланган




График расм ва матн ўзаро Middle хусусияти бўйича ростланган



График расм ва матн ўзаро Bottom хусусияти бўйича ростланган.


Size бўлимида график расм ўлчамларини ўзгартириш

Size бўлимидан фойдаланиб, график расмнинг ўлчамларини фоиз ҳисобида ва пикселларда ўзгартириш мумкин. Бу ерда Keep Aspect Ratio тавлаш позицияси мавжуд. Ҳар доим позиция танланган бўлиши керак, шунда расмнинг бирор томови ўлчами ўзгартирилса, дастур автоматик равишда унинг бошқа ўлчамларини тўғри мутаносибликда ўзгартириб қўяди.

Расм билан ишлаш асбоблар панели имкониятларидан фойдаланиш

Front Page дастурида расм билан ишлашга мўлжалланган асбоблар панели ёрдамида расмнинг турли хусусиятларини осонгина ўзгартириш

мумкин. Ушбу тугмаларни экранда ҳосил қилиш учун Pictures асбоблар панелини ёқиш керак. Асбоблар панели қуйидагича кўринишга эга:



Ушбу асбоблар панелидан фойдаланиб, расм хусусиятларини ўзгартиргандан сўнг веб-саҳифани сақлаш жараёнида Front Page Save Embedded File дарчаси пайдо бўлади. Хусусиятлари ўзгартирилган файлни янги ном билан номлаш имконияти туғилади. Бу билан расмнинг асл нусхасини хусусиятлари ўзгармаган ҳолда сақлаб қолиш мумкин.

Расмни буриш

Расмни соат стрелкаси бўйича ҳамда унга қарши буриш имконияти мавжуд. Шунингдек, расмни горизонтал ва вертикал ҳолатга ўгириш ҳам мумкин.

Расмга шаффофлик белгилаш

Асбоблар панели бу мақсадда 4 та тугмани тақдим этган. Уларнинг ҳар бирини ишлатиб кўринг ва керакли натижага эришинг.

Стор буйруғини ишлатиш


Ушбу буйруқни ишлатиб кўриб, расмнинг кераксиз қисмини кесиб олиб ташлаш мумкин. Бунинг учун тугма босилган ҳолда расмнинг керакли қисмини тўртбурчак остига белгилаб олиш талаб этилади.

Расмга шаффофлик белгилаш


Фараз қилинг, веб-саҳифага бирор расм қўйдингиз ва у веб-саҳифа фонидан кескин фарқ қилувчи фонга эга. Бундай ҳолат веб-саҳифани

кўркемлигига акс таъсир қилмоқда. Front Page Pictures асбоблар панели Set Transparent Tool тугмасидан фойдаланиб, расмнинг битта рангини бутунлай шаффоф қилишингиз мумкин. Лекин бу усул фақат GIF форматидаги расмларда мумкин.

4.2-расмда бундай усулга мисол келтирилган.



Шаффофлик белгиланмаган ҳолатдаги расм



Шаффофлик белгиланган ҳолатдаги расм

4.2-расм. Transparent тугмасини ишлатиш мисоли.

Турли ранг схемаларидан фойдаланиш

Color тугмасидан фойдаланиб расмнинг ранг схемасини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун шу тугмани босиб, 4 ранг схемадан бирини танлаш керак. Булар қуйидагилар: Automatic, Grayscale, Black & White, Wash Out. Шулар ичида Grayscale ва Wash Out ранг схемалари, фақат, Клипарт ва расмлар учун мўлжалланган.

Расм ранг схемасини “Grayscale” га ўзгартириш

Тугма ёрдамида расм ранг схемасини кулранг ранг схемасига айлантириш мумкин. Ушбу тугмани такроран босиш расм схемасини асл ҳолига келтиради.

Wash Out ранг схемасидан фойдаланиш

Тугма расм ранг схемасини “Wash Out” ранг схемасига ўзгартиради ва расмнинг шаффофлиги 50% га ўзгаради. Ушбу тугманинг қайта танланиши расм ранг схемасини аслига қайтармайди, шунинг учун эҳтиёт бўлинг.

Расм чегараси билан ишлаш

Ушбу тугмадан фойдаланиб, расмга чегара бериш мумкин. Бу тугмани ишлатиб расмларга кўркамлик бағишлаш мумкин.

«Resample» тугмасини ишлатиш

Ушбу тугма ёрдамида расм таркибида акс эттирилаётган пикселлар сонини ошириб, камайитириш мумкин. Жуда ҳам керакли тугма.

«Restore» тугмаси ёрдамида расм хусусиятларини қайта тиклаш

Ушбу тугма расм хусусиятларини асл ҳолига қайтариш мақсадида ишлатилади. Бунда барча ишлатилган амаллар бекор қилинади ва расм асл ҳолатига қайтарилади.


5-дарс. Суратлардан фойдаланиш ва суратлар галереясини яратиш


- Суратлар галереяси яратиш;
- Суратлар галереяси таркибидаги расмларни таҳрирлаш;
- Веб-саҳифа таркибига Flash файл қўйиш;
- Flash файл хусусиятларини ўзгартириш.

Рақамли технологиялар ва сканерларнинг ривожланиши туфайли оддий расмларни рақамли турга айлантириш соддалашиб, оммалашиб бормокда. Веб-саҳифаларда суратлар галереялари яратиш кенг тус олмокда (5.1-расм). Лекин расмларнинг ўзининг асл ўлчамида веб-саҳифага жойлаштириш унинг ҳажмининг катталашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Суратлар галереяси яратиш

Суратлар галереяси яратиш учун Insert | Pictures | New Photo Gallery тугмаларини танланг. Натижада экранда қуйидаги дарча акс этади.





5.1-расм. Суратлар галереяси турига мисол.

Суратлар галереяси яратишнинг биринчи талаби – бу расмлар қўшиш.

Бунинг учун Add тугмасини босинг. Бу ерда икки имконият мавжуд:


- Pictures from Files файл қўшиш дарчасини очади ва дарча ичидан керакли файлларни танлаш мумкин.
- Pictures From Scanner Or Camera ушбу тугмани босиш орқали компьютерга уланган сканер ёки камера қурилмалари ёрдамида расмларни веб-саҳифа таркибига қўшиш мумкин.

Суратлар галереяси таркибига кераклича расмларни танлаб бўлганингиздан сўнг уларнинг хусусиятларини ўзгартириб, мослаштириб олишингиз мумкин (5.2-расм).

Front Page дастури расмларни уларнинг жойлашиш тартиби бўйича веб-саҳифада кўрсатади. Лекин расмларнинг тартибини ўзгартирмоқчи бўлсангиз керакли расмни танлаб Move Up (юқорига кўтариш) ёки Move Down (пастга тушириш) тугмаларидан фойдаланишингиз мумкин.


Дарчанинг ўнг томонида расмни кузатиб туриш имконияти мавжуд. Ундан ташқари унинг ўлчамларини ҳам белгилашингиз мумкин. Main Aspect Ration (файл пропорциясини сақлаш) тугмасини босиш орқали расмни ўлчамларини тўғри мутаносибликда сақлаш мумкин.

Ҳар бир расмни шархлаш учун махсус ажратилган иккита дарчадан фойдаланилади. Уларнинг бири расм номи учун иккинчиси эса расмнинг шарҳи учун.



5.2-расм. График файлларнинг хусусиятларини ўзгатириш дарчаси.

Веб-саҳифада суратлар галереяси яратишнинг охириги шarti - бу унинг кўриниш услубини танлаш. Front Page дастурида бир неча тайёр суратлар галереяси шаблонлари мавжуд (5.3-расм). Улар орасидан ўзингизга маъқул келганини танлашингиз мумкин.




5.3-расм. Тайёр суратлар галереяси турлари.

Келтирилган шаблонлар орасидан маъқул келганини танланг ва ОК тугмасини босиб, суратлар галереясини яратинг. Натижани браузерда кўришингиз мумкин.

Суратлар галереяси таркибидаги расмларни тахрирлаш

Photo Gallery Properties дарчаси ичида Edit тугмасини босиш орқали расмларни тахрирлаш дарчасини ҳосил қилиш мумкин. Ушбу дарча ичида расмларнинг айрим хусусиятларини ўзгартириш имконияти мавжуд.



Дарча ичида расмнинг катталашган ҳолатдаги кўриниши акс этган. Суратлар галереяси таркибидаги бошқа расмни кўриш учун Previous (олдинги) ёки Next (кейинги) тугмаларидан фойдаланинг. Дарча ичида қуйидаги имкониятлар мавжуд:

- Change the Width and Height расм ўлчамларини ўзгартириш.
- Rotate or Crop the Picture расмни буриш имконияти ҳамда унинг ортқича қисмини олиб ташлаш (Crop тугмаси). Эсингизда бўлса, расмнинг керакли қисмини танлаб олиб, Crop тугмаси қайта босилса, расмнинг белгиланмаган қисми қирқиб олиб ташланади.

Веб-саҳифа таркибига Flash файл қўйиш


Macromedia Flash файл тури Интернетдаги аксарият веб-саҳифалар таркибида мультимедиани акс эттириш мақсадида кенг қўлланилмоқда [10].

Macromedia Flash дастури ёрдамида яратилган, ўзида анимация элементларини сақлай оладиган файлларни веб-саҳифа таркибида ишлатиб, унинг кўркемлигини ошириш мумкин. Front Page дастури бизга бундай имкониятни яратади.

Flash файлни веб-саҳифа таркибига қўшиш учун Insert | Picture | Flash тугмалари ёрадамида керакли Flash файлни танлаб олиш керак.

Flash файл хусусиятларини ўзгартириш

Flash файл хусусиятларини Flash Properties дарчаси орқали ўзгартириш мумкин. Ушбу дарчани очиш учун веб-саҳифа таркибидаги Flash файл устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг, Movie in Flash Format Properties тугмасини танланг.




Appearance бўлими, Layout ва Size имконият дарчалари таркибидаги тугмалар бизга график файллар хусусиятларини ўзгартириш дарсидан маълум. Келинг, Appearance дарчасининг бошқа имкониятлари билан яқиндан танишамиз:

- Choose the Quality of Playback Ушбу дарча Flash файлининг қандай сифат билан экранда акс этишини белгилайди. Low шартини танлаб, файлни кичикроқ ҳажмга эга бўлган ҳолатда кўришимиз мумкин, лекин унинг сифати пастроқ бўлади. High

- шарти файл сифатини аъло даражада кўрсатади, шу билан бирга файлнинг ҳажми каттароқ бўлиши табиий.
- **Scale** Айрим Flash файллари ўз атрофида чегара масофасига эга бўлади. Scale тугмаси шу чегарани ёқиб ўчириш учун хизмат қилади.
 - **Background Color** Кўпчилик Flash файллари ўз фонига эга бўлади. Ушбу тугма орқали файл фонини ўзгартириш мумкин.
 - **Alignment** Тугма экрандаги ростланиш хусусиятларини ўзгартиради.

Келинг, энди General дарчаси имкониятлари билан танишамиз:



- **Adjust the Source** Flash файлини ишлатиш жараёнида Front Page дастури ушбу файлни автоматик равишда веб-сайт таркибига сақламайди, шунинг учун Source URL дарчаси ичига файлга ном белгилаб, сақланиши лозим бўлган манзилни кўрсатиб юборинг.
- **Auto Play** Ушбу тугмани белгилаб, Flash файли саҳифа юклангандан сўнг автоматик равишда ўйнайдиган қилиш мумкин.

- » Loop Agar Flash файлигининг чексиз ўйнаб туришини таъминламоқчи бўлсангиз, ушбу тугмани белгилаб қўйинг. Agar тугма белгиланмаса, Flash файл бир марта ўйнаб тўхтаб қолади.
- » Show Menu Agar ушбу бўлим танланса, веб-саҳифани браузерда кўриш жараёнида Flash файл устида сичқончанинг ўнг тугмаси босилганда, Flash файл хусусиятларини акс эттирувчи дарча пайдо бўлади.

6-дарс. Веб-саҳифа хусусиятларини таҳрирлаш

Веб-саҳифа хусусиятларини белгилаш:

- » General бўлими орқали веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш;
- » Formatting бўлими орқали веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш;
- » Саҳифа чегараларидан масофа белгилаш;
- » Гипербоғлик учун Rollover услубини қўллаш.

Безак мавзулари билан ишлаш:


- » Веб-саҳифага безак мавзусини белгилаш;
- » Безак мавзуси билан ишлаш;
- » Безак мавзуси хусусиятларини ўзгартириш;

Веб-саҳифаларга тайёр элементларни қўйиш:

- » Шарх қўйиш;
- » Веб-саҳифада кун ва соатнинг акс эттирилиши;
- » Веб-саҳифалар орасида ҳаракатланиш эффектларини қўллаш.

Веб-саҳифа хусусиятларини белгилаш

Веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартирувчи дарча File | Properties тугмаларини босиш орқали ҳосил қилинади ва қуйидаги кўринишга эга:




General бўлими орқали Веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш

Page Properties дарчаси General бўлими орқали саҳифанинг сарлавҳасини, унинг шарҳини ўзгартириш мумкин. Шунингдек, саҳифа очилиши билан бирор товушнинг фаоллашишини белгилаб қўйиш ҳам мумкин. Бунинг учун Background sound дарчаси Browse тугмаси ёрдамида товуш файлини танлаш керак. Loop дарчаси ичида товушнинг қайта такрорланиш сони белгиланади. Forever тугмасини танлаб, товушни ҳар доим такрорланиб турадиган қилиб белгиланади.

Formatting бўлими орқали Веб-саҳифа хусусиятларини ўзгартириш

Саҳифа хусусиятларини ўзгартиришнинг Formatting бўлими орқали қуйидаги имкониятлардан фойдаланиш мумкин:



Саҳифа фони ва матн рангини ўзгартириш

Саҳифа фонига бирор ранг танлаш учун Background дарчасидан фойдаланинг. Шунингдек, матн рангини ўзгартириш учун Text дарчасидан фойдаланинг.

Гипербоғлиқ рангини белгилаш


Уч турдаги гипербоғлиқ учун ранг белгилаш мумкин [11]. Булар: Hyperlink (ташриф буюрилмаган гипербоғлиқ), Visited Hyperlink (ташриф буюрилган гипербоғлиқ), Active Hyperlink (ҳозирги пайтда белгиланиб турилган гипербоғлиқ). Саҳифага ташриф буюрган фойдаланувчилар саҳифа бўйлаб яхши ориентир олишлари учун иложи борича гипербоғлиқ турларига бир-биридан фаркли ранглар танлашга ҳаракат қилинг.

Саҳифа фонига расм белгилаш

Расм устига жойлаштирилган матн осон ўқилиши мақсадида саҳифа фонига соддароқ расм қўйишга одатланинг. Саҳифа фонига расм белгилаш учун Background picture тугмасини белгилаб, Browse тугмаси орқали керакли расмни изланг. Watermark услубини (саҳифа фонига белгиланган расм такрорланмай туради) ишлатишни хоҳласангиз ушбу тугмани белгилаб қўйинг.

Саҳифа чегараларидан масофа белгилаш

Саҳифанинг чап, ўнг, қуйи ва юқори қисмларидан масофа қолдириш мумкин. Бунинг учун Page Properties Advanced дарчаси ичидан исталган қисм учун масофа белгилашингиз мумкин.



Гипербоғлиқ учун Rollover услубини қўллаш


Rollover style тугмаси орқали гипербоғлиқ устига сичқончани олиб борилганда гипербоғлиқ услубини ўзгартириш имконияти мавжуд. Бунинг учун гипербоғлиқни белгиланг ва Page Properties Advanced дарчасини ҳосил қилинг. Enable Hyperlink Rollover тугмасини белгилаб, Rollover Style тугмасини босинг. Очилган дарча ичидан маъқул бўлган услубни танланг.

Безак мавзуси билан ишлаш


Безак мавзуси деб веб-саҳифага қўллаш мумкин бўлган хусусиятлар тўпламига айтилади. Ушбу хусусиятлар таркибига ранг схемаси, тугма услублари, матнга белгилаш мумкин бўлган бошқа услублар киради. Безак мавзуларидан веб-саҳифани янада кўркем қилишда фойдаланилади [12].

Веб-саҳифага безак мавзусини белгилаш

Веб-саҳифага безак мавзусини белгилаш учун Format | Themes тугмаларини танланг.



Натижада экраннинг топшириқлар панели кismiда безак мавзулари дарчаси акс этади (6.1-расм):




6.1-расм. Themes (Безак мавзулари) дарчаси.

Келинг, ушбу дарча имкониятлари билан яқинроқдан танишамиз:

- **Current Theme** Дарчанинг бу қисмида веб-саҳифага нисбатан қўлланилган безак мавзуси номи акс эттирилади.
- **Web Site Default Theme** Дарчанинг ушбу қисмида веб-саҳифага нисбатан танланган безак мавзуси кўриниши ва номи акс этади.
- **Recently Used Themes** Веб-саҳифага нисбатан қўлланилган барча безак мавзулари акс этадиган қисм.

- All Available Themes Дарчанинг бу қисмида барча мавжуд веб-саҳифа безаклари акс эттирилади.

Бирор безак мавзусини веб-саҳифага нисбатан қўллаш учун шу мавзунини танлаб, расмда кўрсатилган ҳолатдагидек очилган дарча ичидан керакли тугмани танлаш керак. Безак мавзусини веб-саҳифага қўллашнинг бир неча усуллари мавжуд.



Булар: Apply As Default Theme ушбу тугма танланганда, мавзу бутун веб-сайт саҳифаларига нисбатан белгиланади. Безак мавзусини танланган веб-саҳифаларгагина нисбатан қўллаш учун Apply to selected page(s) тугмасидан фойдаланинг.


Безак мавзуси хусусиятларини ўзгартириш

Безак мавзуси қуйидаги хусусиятларини ўзгартириш мумкин. Булар:

- Vivid Colors Бу бўлим ёрдамида ранглار ёрқинлигини ўзгартириш мумкин.
- Active Graphics Веб-саҳифа таркибида ишлатилган тугмаларни динамик тугмаларга айлантириш имконияти.
- Background Pictures Айрим безак мавзулари саҳифа фони учун ранг ва расмни биргаликда ишлатишлари мумкин. Аксарият безак мавзулари саҳифа фони учун расм ва рангнинг баравар ишлатилишини таъминлай олмайдилар. Саҳифа фони учун ҳам расм, ҳам рангни қабул қила оладиган безак мавзулари таркибида Background Pictures имкониятидан фойдаланилса, саҳифа фони учун ишлатилган расм хусусиятлари юқорироқ деб қабул қилина-

ди. Агар, Background Pictures имкониятидан фойдаланилмаса, саҳифа фони учун ишлатилган ранг хусусиятлари юқорироқ деб қабул қилинади.

Front Page дастури кўшгина тайёр безак мавзуларига эга. Лекин шунга қарамай, бирор безак мавзуси хусусиятларини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, бунинг ҳам иложи бор. Бунинг учун топириқлар панели безак мавзулари дарчаси ичида Create New Theme тугмасини босинг. Экранда танланган ёки веб-саҳифага белгиланган безак мавзусининг хусусиятлари дарчаси очилади. Унинг асосида ранг Colors, графика Graphics ва матн Text хусусиятларини ўзгартириш мумкин:




6.2-расм. *Customize Theme* (Безак мавзуси хусусиятлари) дарчаси.


Безак мавзуси ранг спектрини ўзгартириш

Безак мавзуси ранг схемасини ўзгартириш учун Colors тугмасини босинг. Ушбу дарча 3 бўлимдан иборат. Биринчиси бу Color Scheme (6.2-расм). Color Schemes бўлими орқали безак мавзулари ранг схемасини ўзгартириш мумкин. Ранг схемасини қандай кўринишга эга эканлигини

кўриш учун унинг устига бир марта босиш kifoya. Preview дарчасида ранг схемасининг безак мавзусига қўлланган ҳолатдаги кўриниши акс этади. Vivid Colors бўлими орқали янада ёркинроқ ранг схемасини қўллаш имконияти мавжуд.




6.3-расм. Color Schemes бўлими.



6.4. Color Wheel бўлими.

Color Wheel бўлими (6.4-расм) ранг схемасини доира шаклидаги ранглар палитрасидан танлаб олиш имкониятини яратади. Лекин бир нарсани эсда тутинг, ранг схемасидаги бир рангнинг ўзгариши барча рангларнинг ўзгариб кетишига олиб келади. Шунингдек, Brightness тугмаси орқали рангларнинг шаффофлигини белгилаш имконияти мавжуд.

Custom бўлими (6.5-расм) безак мавзуси исталган элементи рангини ўзгартириш имкониятини яратади. Бунинг учун аввал Item дарчаси ичида бирор элементни танлаб олинг, сўнгра color дарчаси ичидан унга рангини белгиланг.




6.5-расм. Безак мавзуси хусусиятлари Custom бўлими.

Безак мавзуси расмларини ўзгартириш

Безак мавзуси таркибидаги тугмаларга, гипербоғликларга, рўйхат белгиланиш турларига ва саҳифа фонига белгиланган расмларни ўзгартириш мумкин. Бунинг учун Customize Theme безак мавзуси хусусиятлари дарчаси ичида Graphics бўлимини танлаш керак (6.6-расм).

Сўнгра:

1. Item дарчаси ичидан керакли элементни танланг.
2. Picture дарчасида ушбу элементга белгиламоқчи бўлган расм манзилини кўрсатинг (1-босқич).




6.6-расм. Безак мавзуси Graphics бўлими.

3. Агар белгиланган элемент матндан иборат бўлса, Text бўлимига ўтинг.
4. Матн учун керакли Font (шрифт) танланг.
5. Сўнгра керакли услуб, ўлчам ва ростланиш хусусиятларини танлаб, ОК тугмасини босинг.

Безак мавзуси матнини ўзгартириш

Саҳифада фойдаланилган график элементларда қатнашмаган бошқа матн (сарлавҳа ва ҳ.к.) хусусиятларини ҳам ўзгартириш имконияти мавжуд. Бунинг учун Customize Theme безак мавзуси хусусиятлари дарчаси ичида Text бўлимини танланг



Item дарчиси ичидан керакли элементни ва унга мавжуд шрифтлар орасидан маъкул келганини танланг.

Безак мавзуси ўзгартирилган хусусиятларини сақлаб қолиш

Theme Properties дарчиси таркибидаги (6.2-расм) Save ва Save As тугмалари ёрдамида безак мавзулари ўзгартирилган хусусиятларини сақлаб қолиш мумкин. Save тугмаси босилса, ўзгартирилган хусусиятлар мавжуд безак мавзуси устидан ёзилиб қолади. Save As тугмасини босиб эса, бажарилган ўзгаришларни янги безак мавзусига сақлаб қўйиш мумкин.

Веб-саҳифаларга тайёр элементларни қўйиш

Front Page дастури ёрдамида веб-саҳифа таркибига кўпгина тайёр элементларни қўйиш имконияти мавжуд. Улардан айримларинигина кўриб ўтамыз. Булар: веб-саҳифа шарҳи, кун ва вақтнинг акс этирилиши ҳамда веб-саҳифалар орасида ҳаракатланиш эффектларини қўллаш.

Веб-саҳифага шарҳ қўшниш

Шарҳ – бу жуда қулай имконият. Веб-саҳифага шарҳ (изох) қўшиш учун Insert | Comment тугмаларини танланг. Очилган Comment дарчаси ичига керакли шарҳни ёзинг ва ОК тумасини танланг.




Матн расмининг паспал қисмига ростланган

Comment Куйидаги расм Clip Art таркибидан қўйилган. Ушбу жумла браузер дастурида акс эттирилмайдиги.

Бир нарсага аҳамият беринг, веб-саҳифа таркибига қўйилган шарҳ Preview режимида акс этмайди.

Веб-саҳифада кун ва соатнинг акс эттирилиши

Веб-сайт билан ишлаш жараёнида ҳар бир веб-саҳифанинг янгиланиш санаси ва вақтини ёзиб чиқиш қийинчилик тугдириши мумкин. Бу ерда ҳам Front Page дастури бизга ёрдамга келади. Дастур ёрдамида Insert | Date and Time тугмаларини танланг. Экранда куйидаги дарча акс этади:




- » Date Format Бу бўлим ичидан керакли кун форматини танланг.
- » Time Format Бу бўлим ичидан эса керакли вақт форматини танланг.

Сўнгра ОК тугмасини босинг ва натижани кузатинг. Экранда акс этаётган кун ва вақт маълумотларини Formatting асбоблар панели ёрдамида шрифтини, унинг кўриниш услубини бемалол ўзгартиришингиз мумкин.

Веб-саҳифалар орасида ҳаракатланиш эффектларини қўллаш

Microsoft Power Point дастурида ишлаган бўлсангиз, саҳифалар орасида ҳаракатланиш эффектларини қўшиш имконияти билан таниш бўлсангиз керак. Front Page дастурида ҳам худди шундай имкониятдан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун Format | Page Transition тугмаларини танланг. Экранда қуйидаги дарча акс этирилади:



Дарча ичида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- Event Эффект қуйиш лозим бўлган ҳолатни белгиланг.
- Duration (seconds) Эффектнинг давом этиш вақтини белгиланг.
- Transition Effect Бу бўлим ичида керакли эффект танланади.

7-дарс. Жадваллар билан ишлаш

Жадвал ҳақида умумий тушунча

Жадвал яратиш:

- “Стандартная” асбоблар панели ёрдамида жадвал яратиш;
- “Таблица” менюси ёрдамида жадвал яратиш;
- Жадвал чизиш;
- Жадвални бир неча қисмларга бўлиш;
- Жадвал таркибидаги матнни кўпайтириш;
- Жадвал қисмларини белгилаш.

Жадвал устунлари ва қаторлари билан ишлаш:

- Жадвалга устун ва қатор қўшиш;
- Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини ўзгартириш;
- Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини барабар қилиб белгилаш.

Ячейкалар билан ишлаш:

- Ячейкаларни қисмларга бўлиш ва уларни бирлаштириш;
- Жадвалга ячейка қўшиш;
- Жадвал ячейкалари ўлчамларини матнга нисбатан белгилаш.

Ячейка хусусиятларини белгилаш:

- Ячейка таркибини ростлаш;
- Ячейкага сарлавҳа белгилаш;
- Word Wrap имкониятидан фойдаланиш;
- Фон чегараси ранги ва фонини ўзгартириш;
- Жадвални автоматик форматлаш;
- Жадвалга сарлавҳа белгилаш;
- Матнни жадвалга айлантириш;
- Жадвални матнга айлантириш.

Жадвал ҳақида умумий тушунча

Front Page дастурида яратиладиган жадваллар бошқа Microsoft Office дастурларида яратилган жадваллар билан ўхшаш. Word дастурида жадвал яратиб кўрган бўлсангиз, Front Page дастурида бемалол жадвал ярата оласиз.


Жадвал яратишдан кўзланадиган мақсад – маълумотларни ячейкаларда тартиблаштириш [13]. Жадваллар билан ишлашдан кўркманг, Front Page дастури сизга бу ишни максимал осонлаштиришда яқиндан ёрдам беради.

Жабагай хотын

Келинг, жадвал яратишнинг бир неча усулларини кўриб чиқамиз. Биринчи усул бу Standard (Стандарт) асбоблар панели ёрдамида, иккинчиси - Table (Таблица) менюси орқали.

«Standard» асбоблар панели ёрдамида жадвал яратини

Жадвални бу усулда яратиш учун ушбу асбоблар панели Insert Table тугмасидан фойдаланамиз. Унинг устида сичқончанинг чап тугмасини босиб, курсорни ҳаракатлантириш натижасида кераклича устун ва қаторлар сонини ҳосил қиламиз.



Сичконча тутмасини қўйиб юборишингиз билан дастур тайёр жадвални яратиб беради. Жадвал яратиб бўлингандан сўнг курсор жадвал ячейкаси ичида акс этиб туради. Шундан сўнг «Standard» асбоблар панелида Table бўлими фаоллашади:




Table менюси ёрдамида жадвал яратиш

Бундай усулда жадвал яратиш учун Table|Insert|Table тугмаларини босиш керак. Ушбу амаллар бажарилгандан сўнг экранда куйидаги дарча акс эттирилади:

Insert Table

Layout Tools

☐ Enable layout tools

☐ Disable layout tools

☒ Automatically enable layout tools based on table contents

Size

Rows: 2 Columns: 2

Layout

Alignment: Default ☒ Specify width

Foot: Default 100 ☐ In pixels ☒ In percent

Cell spacing: 1 ☐ Specify height

Cell spacing: 2 ☐ In pixels ☒ In percent

Borders

Size: 1 Light border: ☐ Automatic

Color: Dark border: ☐ Automatic

☐ Collapse table border

Background

Color: ☐ Automatic

☐ Use background picture

Set

☐ Set as default for new tables

Style... OK Cancel

Келинг, Insert Table имкониятлари билан танишамиз:

- Enable layout tool for this table Агар яратилаётган жадвални разметка шаклида акс эттиришни истасангиз ушбу тугмани танланг.
- Automatically enable layout tool based on table contents Ушбу тугма автоматик равишда разметка асбобларини экранда ҳосил қилади.
- Specify the Number of Rows Бу дарчада яратилаётган жадвал қаторларининг сони белгиланади.

- Specify the Number of Columns Яратилаётган жадвал устунлари сони белгиланади.
- Set the Table Alignment Ушбу тугма жадвални веб-саҳифа таркибига нисбатан ростланишини ўрнатади.
- Set the Table Float Ушбу имконият ёрдамида жадвал жойлашган қатордан матн киритиш имкониятини белгилаш мумкин. Агар бу дарча Default қийматига эга бўлса, ёзилган матн жадвалнинг юқори ва қуйи қисмларидан давом эттирилади. Агар Right ёки Left, қийматлари танланган бўлса, мос равишда матн жадвалнинг ўнг ёки чап томонида акс эттирилади.
- Set the cell padding Ушбу тугма ёрдамида ячейка ичидаги матн ва ячейка чегаралари орасидаги бўш жой ўрнатилади.
- Set the cell spacing Ушбу тугма ёрдамида жадвал ячейкалари орасидаги масофа белгиланади.
- Set the width of the table Жадвал эни қийматини белгилаш дарчаси. Жадвал ўлчамларини пикселларда ва фоиз ҳисобида белгилаш мумкин.
- Set the height of the table Жадвал бўйининг қийматларини белгилаш имконияти.
- Set the border size Жадвал чегараси қалинлигини ўрнатиш позицияси.
- Set the border color Жадвал чегараси рангини белгилаш позицияси. Ушбу ранг веб-саҳифангиз дизайн мавзуси ишлатилмаётган ҳолатдагина акс эттирилиши мумкин.
- Collapse table border Жадвал чегарасини ўрнатишнинг бошқачароқ шакли. Бу тугма танланмаган ҳолатда жадвалнинг ҳар бир ячейкасига нисбатан чегара чизиклари белгиланар эди. Ушбу ҳолатда эса жадвал учун ягона чегара чизикларини ўрнатиш амалга ошади (7.1-расм).

- **Set the background color** Жадвал фонига бирор рангни ҳам белгилаш мумкин. Шунингдек, жадвал фонига расмни ҳам белгилаш мумкин. Бунинг учун Use Background Picture тугмасидан фойдаланинг.
- **Set as default for new tables** Агар яратилган жадвал хусусиятларини автоматик равишда барча янги яратиладиган жадвалларга қўлланишини хоҳласангиз, Set As Default For New Tables тугмасини танлаб қўйинг.

Жадвалга нисбатан Collapse Table Border хусусияти қўлланилмаган

Жадвалга нисбатан Collapse Table Border хусусияти қўлланилган

7.1-расм. Чегарани акс эттиришнинг Collapse Table Border усули.

Барча хусусиятлар белгилангандан сўнг жадвал яратилиши учун ОК тугмасини босинг. Исталган пайтда жадвал хусусиятларини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун жадвални белгилаб, сичқончанинг ўнг тугмасини босганда ҳосил бўлан менюдан Table Properties тугмасини босиш кифоя.


Жадвал чизиш

Microsoft Office дастурларида бўлгани каби, Front Page дастурида ҳам жадвални чизиш имконияти мавжуд. Аввал жадвал чизилади, сўнгра унинг катор ва устунлари чизиб чиқилади. Жадвал чизиш учун Table | Draw Table

тугмаларини босиб жадвал чизиш асбоблар панели акс эттирилади. Жадвал чизиш тугмаси танлангандан сўнг курсор стрелкаси ўз кўринишини қалам шаклига ўзгартиради.

Келинг, бирга жадвал чизиш кўрамиз. Бунинг учун:

1. Сичқоначанинг чап тугмасини босиб ушлаб, иш дарчасида тўртбурчак чизинг. Сичқонча тугмасини қўйиб юборишингиз билан Front Page жадвал яратади. Ҳозирча жадвалимиз фақат бир устун ва қатордан иборат.
2. Энди жадвал устида қаламни горизонтал ва вертикал йўналишларда юргазиб, кераклича устун ва қатор яратинг. Сичқонча тугмасини ҳар гал қўйиб юборганингиздан сўнг чизилган штрих чизиқлари ўз кўринишини жадвал чегарасига ўзгартиради.




3. Қатор ва устун ўлчамларини ўзгартиришимиз мумкин. Бунинг учун курсорни қатор устига шундай қўйинг-ки, натижада курсор стрелкаси ↑ кўринишга ўзгарсин. Сўнгра сичқонча чап тугмасини босган ҳолда курсорни юқорига ёки пастга ҳаракатлантириб, қатор бўйи ўлчамини ўзгартиринг.

Агар жадвалнинг бирор бир ячейкаси чегара чизиғини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, асбоблар панелидан Eraser тугмасини танланг ва кераксиз чегара чизиғини белгиланг. Белгиланган чегара чизиғи ўчиб кетади.

Жадвални бир неча қисмларга бўлиш

Фараз қилинг, бир яхлит жадвални бир неча бўлимга бўлишингиз керак. Front Page дастури сизга шундай имкониятни яратади. Бунинг учун

Table | Split Table тугмаларидан фойдаланиш керак. Тугма босилиши билан жадвал икки қисмга бўлинади. Бунда курсор турган жойдан юқорида турган қисм жадвалнинг биринчи қисмига (7.2-расм), курсордан пастдаги бўлак иккинчи қисмга айланади.



7.2-расм. Жадвални бир неча қисмларга бўлиш.

Жадвал ячейкаларига матн қўйиш

Оддий веб-саҳифаларда бўлгани каби, жадвалларга ҳам маълумот киритиш мумкин. Жадвал ячейкаларига оддий матн, расм ва ҳаттоки бутун жадвални ҳам киритиб қўйиш мумкин.

Жадвал ячейкаларини осонгина мавжуд маълумот билан тўлдириш мумкин. Фараз қилинг, жадвалнинг биринчи устуни маълумот билан таъминланган. Сиз шу жадвалнинг барча устунларини худди шундай маълумот билан тўлдириб чиқмоқчисиз. Барчасини қўлда киритиб чиқиш керакми ёки бундан ҳам тез ва осон усули борми? Албатта бор, Front Page дастури сизга шундай имкониятни яратади. Бунинг учун:

1. Жадвал устун ячейкаларини маълумот билан тўлдириш.
2. Маълумот ақс этган ячейкаларни ва шу маълумот билан таъминланиши зарур бўлган ячейкаларни ҳам белгиланг.
3. Сўнгра, Table | Fill | Right ёки асбоблар панелидан Fill Right тугмаларини танланг. Аҳамият беринг, барча белгиланган ячейкалар бир хил маълумот билан тўлдирилди.

Fill Down тугмаси эса худди шу амални пастдаги устун ячейкаларига нисбатан бажаради.

Жадвал қисмларини белгилаш

Front Page дастурида жадвал маълумотларини бир неча усуллар орқали белгилаш мумкин. Булар:

- Бир ячейка маълумотларини белгилаш учун Table | Select | Cell тугмаларини танланг. Белгиланган ячейка қора рангга ўтади.
- Белгиланган ячейка ёнидаги ячейкаларни белгилаш учун курсорни босиб ушлаб туриб ячейкалар устига суриш керак. Барча белгиланган ячейкалар ранги қора рангга ўзгаради.
- Бутун устунни белгилаш учун шу устун устига курсор стрелкасини олиб келиб, унинг кўринишини қуйидагига ↓ ўзгартиринг. Энди сичқонча тугмасини босинг. Эътибор беринг бутун устун белгиланди. Худди шу амални бажаришнинг яна бир усули мавжуд. Бунинг учун белгиланиши лозим бўлган устун бирор ячейкаси ичига курсорни қўйиб, бош меню орқали Table | Select | Column тугмаларини босинг.
- Бутун қаторни белгилаш учун шу қатор энг чап қисмига курсор стрелкасини олиб келиб, унинг кўринишини қуйидагига → ўзгартиринг ва сичқонча тугмасини босинг. Кўриб турганингиздек, бутун қатор белгиланди. Худди шу амални бажаришнинг яна бир усули - шу қатор бирор ячейкаси ичига курсорни қўйиб, бош меню орқали Table | Select | Row тугмасини тавлаш керак.
- Бутун жадвални белгилаш учун жадвал бирор ячейкаси ичига курсорни қўйиб, Table | Select | Table тугмасини босиш лозим.


Жадвал қаторлари ва устунлари билан ишлаш

Front Page дастури жадвал қаторлари ва устунлари сонини чекламайди. Фойдаланувчилар жадвал таркибида исталганча қатор ва устун яратишлари мумкин.

Жадвалга устун ва қатор қўшиш

Агар жадвал яратиш пайтида камроқ устун ва қатор яратиб қўйган бўлсангиз, ҳеч ҳам ташвишланманг. Кейинроқ жадвалга исталганча қатор ва устун қўшиб қўйишингиз мумкин. Бунинг учун:

- Мавжуд қатор юқорисидан янги қатор яратиш учун асбоблар панелидан Insert Row тугмасини танланг.
- Мавжуд устун чап томонидан янги устун қўшиш учун асбоблар панелидан Insert Column тугмасини танланг.
- Шунингдек, Table | Insert | Rows or Columns тугмасини танлаб, қуйидаги дарчани акс эттиринг:



Очилган дарча ичидан керакли бўлимларни танланг ва OK тугмасини босинг. Энди натижани кузатинг.

Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини ўзгартириш

Front Page дастурида осонлик билан жадвал устун ва қаторлари ўлчамларини ўзгартириш мумкин. Жадвал устуни ўлчамларини ўзгартириш учун курсорни устун чегараси устига олиб келинг ва қуйидаги $\leftrightarrow$ курсор турини ҳосил қилинг. Шундан сўнг сичқонча тугмасини босиб ушлаб туриб устун ўлчамини ўзгартиринг.

Махсулот тури	Этиш вақти	Этиш жойи
Процессор		
Система блоки		
Қаттиқ диск		
Клавиатура		

Қатор ўлчамини ҳам худди шу усулда ўзгартириш мумкин.

Жадвал қатор ва устунлари ўлчамларини барабар қилиб белгилаш


Жадвал барча устун ёки қаторларини белгилаб уларнинг ўлчамларини бир хил равишда барабар қилиб ўзгартириш мумкин. Бунинг учун **Distribute Columns Evenly** (жадвал устунлари ўлчамларини бир хил равишда белгилаш), **Distribute Rows Evenly** (жадвал қатор ўлчамларини бир хил равишда белгилаш) тугмаларидан фойдаланиш мумкин.

Ячейкалар билан ишлаш

Жадвал ячейкалари хусусиятларини хилма-хил равишда ўзгартириш мумкин. Ячейкаларни бирлаштириш, уларни иккига ажратиш ва ҳ.к..

Ячейкаларни қисмларга бўлиш ва уларни бирлаштириш

Жадвал ячейкаларини сиз хоҳлаганча жойлашмаганини сезсангиз, бемалол уларни бирлаштиришингиз ёки икки қисмга ажратишингиз мумкин. Жадвал бирор ячейкасини икки қисмга бўлиш учун **Table | Split Cells** тугмасидан фойдаланинг. Дастур қуйидаги дарчани акс эттиради:



Ячейкани қандай ва неча қисмга бўлишни танланг: устунга ёки қаторга ажратиш. Одатда, ячейкани 2 устунга бўлиш буйруғи танланган бўлади. Number of Columns дарчаси ичида ячейкани неча устунга бўлиш ўрнатилади.

Шунингдек, бир неча ячейкаларни биттага бирлаштириш мумкин. Бунинг учун бир неча ячейкани белгиланг ва Table | Merge Cells тугмасини танланг. Мисол тариқасида қуйидаги келтирилган ҳолатга қарашингиз мумкин:



Жадвалга ячейка қўшиш

Жадвал таркибига исталганча ячейка қўшиш мумкин. Бу амал Table | Insert | Cell тугмалари ёрдамида бажарилади. Янги ячейка мавжуд ячейканинг чап томонидан қўшилади.

Жадвал ячейкаларни ўлчамларини матнга нисбатан белгилаш

Жадвал билан ишлаш жараёнида аҳамият берган бўлсангиз, айрим ячейка ўлчами унга жойлаштирилган матнга нисбатан жуда катта. Бунинг оқибатида жадвал экранда жуда катта жойни олиши мумкин. Қиймат ва ячейка жойлашиши мутаносиблигини ўрнатиш учун жадвални белгиллаб Table | AutoFit To Contents тугмасини босинг. Мисол тариқасида 7.3-расмга эътибор беринг. Расмда жадвалнинг икки хил ҳолати келтирилган

Жадвалга нисбатан AutoFit to Contents хусусияти қўлланилмаган

Алишер	Жавлон	Санжар
Маммудов	Содиқов	Рўзимов


Жадвалга нисбатан AutoFit to Contents хусусияти қўлланилган

Алишер	Жавлон	Санжар
Маммудов	Содиқов	Рўзимов

7.3-расм. AutoFit to Contents амали қўлланишидан аввалги ва кейинги ҳолат.

Ячейка хусусиятларини белгилаш

Ячейка кўриниш хусусиятларини унинг хусусиятларини ўзгартириш дарчасидан белгилаш мумкин. Ячейка маълумотларини ростлаш, унинг фони, чегараси рангини ва ўлчамини ўзгартириш мумкин. Ячейка хусусиятлари дарчасини акс эттириш учун Table | Table Properties | Cell тугмасидан фойдаланишингиз лозим (7.4-расм).



7.4-расм. Ячейка хусусиятлари дарчаси.

Ячейка таркибини ростлаш

Ячейка таркибидаги маълумотга қараб, унинг таркибини ростлаш мумкин. Масалан, агар ячейкага расм қўйган бўлсангиз, уни ячейка марказига нисбатан ростлаган маъқул. Агар ячейка матндан иборат бўлса, уни ячейка чап томонига нисбатан ростлаган маъқул. Ячейка таркибини Table асбоблар панели Horizontal Alignment (горизонтал ростлаш) ва Vertical Alignment (вертикал ростлаш) тугмалари орқали амалга ошириш мумкин. Вертикал ростлаш Align Top (юқорига ростлаш), Center Vertically (марказга ростлаш), Align Bottom (пастга ростлаш) тугмалари орқали амалга оширилади.

Ячейкага сарлавҳа белгилан

Аксарият жадваллар ўз сарлавҳасига эга бўлади. Айрим жадваллар шунингдек, сарлавҳага эга бўлган қатор ёки устунлардан ҳам иборат бўлиши мумкин. Бирор ячейканинг матнли қиймати сарлавҳа сифатида белгилан учун шу ячейка ичига курсорни қўйиб, ячейка хусусиятлари дарчаси ичидан Header Cell тугмасини танланг. Ушбу амал ячейка таркибидаги матнни қалин қилиб, уни ячейка марказига ростлайди. Агар ячейкага нисбатан асбоблар панелидан марказдан бошқа томонга ростлаш буйруғи ишлатилган бўлса, Header Cell амали ячейка таркибини марказга нисбатан ростлай олмайди.

Word Wrap имкониятидан фойдаланиш


Бирор ячейка қиймати ячейка охирига етганда автоматик равишда пастки қатордан ёзилишни бошлайди. No Wrap имкониятидан фойдаланиб, матнга ячейка қатори охирида янги қаторга ўтишни таъқиқлаб қўйишимиз мумкин. Бунинг учун ячейка хусусиятлари дарчасини ҳосил қилиб, No Wrap тугмасини босиш керак.

Ячейка чегараси ранги ва фонини ўзгартириш

Ячейка чегараси рангини Cell Properties ячейка хусусиятлари дарчаси ичидан белгилаш мумкин. Бу ерда ячейка чегараси учун белгиланган ранг, жадвал чегаралари учун белгиланган рангдан устунроқ туради. Шунингдек, ячейка хусусиятлари дарчасида ячейка фони учун ранг ҳамда расмни белгилаш мумкин. Бу ҳолатда ҳам ячейка фони белгиланган ранг жадвал фони учун белгиланган рангдан устунроқ туради.

Жадвални автоматик форматлаш


Жадвални ҳақиқатда кўрам акс эттириш учун кўп вақт ва машаққат талаб этилиши мумкин. Лекин Front Page дастурида жадвалга нисбатан тайёр жадвал шаблонларини қўллаш имконияти мавжуд. Бунинг учун жадвални белгилаб Table | Table AutoFormat тугмасини танлаш керак. Очилган жадвал шаблонлари дарчаси ичидан маъқул келганини танлаб, жадвалнинг қандай кўриниш касб этишини Preview дарчасидан кўриш мумкин. Энг маъқул бўлган шаблонни танланг ва уни жадвалга нисбатан қўллаш учун OK тугмасини босинг.



Жадвалга сарлавҳа белгилаш

Add a Table Caption тугмаси орқали жадвалга сарлавҳа белгилаш мумкин. Бунинг учун жадвал бирор ячейкаси ичига курсорни жойлаштириб, Table | Insert | Caption тугмаларини танланг. Аҳамият беринг, жадвал сарлавҳаси ўрнида курсор ўчиб ёниб турибди. Шу жойда жадвалга сарлавҳа киритинг. Жадвал сарлавҳаси хусусиятларини бемалол Formatting асбоблар панели ёрдамида ўзгартиришингиз мумкин.

Жадвал сарлавҳаси ростланиш хусусиятларини Caption Properties дарчасидан ўзгартириш мумкин. Дарчани Table | Table Properties | Caption тугмаларини босиб экранда пайдо қилиш лозим. Дарча куйидаги кўринишга эга:




Бу ерда: Top of table (сарлавҳани жадвал юқорисига нисбатан ростлайди), Bottom of table (сарлавҳани жадвал пастки қисмига нисбатан ростлайди).

Матнни жадвалга айлантириш

Front Page дастурида фақат матнни жадвал кўринишига айлантириш имконияти мавжуд. Бу жуда ҳам қулай имконият.

Матнни жадвалга айлантириш учун матнни белгилаб олинг ва Table | Convert | Text To Table тугмасини танланг. Ушбу амал экранда куйидаги дарчани акс эттиради:



Матнни жадвалга айлантириш усулини танланг. Келинг, бу усулларнинг айримлари билан танишамиз:

- Paragraphs Ушбу усул ҳар бир сатр бошини янги жадвал қаторига ўзгартиради.
- Tabs, Commas, Or Other Агар матн “табуляция”, “вергул” ёки бошқа белгилар билан ажратилган бўлса, шу белги турларидан бирини танланг. Матн бошқа белгилар билан ажратилган бўлса, Other бўлими ичида бошқа белгиларни киритиш мумкин. Белги турган жойда жадвал қаторга айланади.
- None (Text In Single Cell) Ушбу усул билан матн жадвалга айлантирилганда барча матн бир устун ичига жойлаштирилади.

7.5-расмда “вергул” белгиси орқали бир-биридан ажратилган матн жадвал кўринишига келтирилган.

Оддий матн

Alisher Makhmudov,Tashkent,Uzbekistan,700042
 Mike Tyson,Tashkent,Uzbekistan,700043
 Jean Claude Van Damme,Tashkent,Uzbekistan,700044
 Celine Dion,Tashkent,Uzbekistan,700045
 Madonna,Tashkent,Uzbekistan,700046

Жадвал кўринишига келтирилган матн

Alisher Makhmudov	Tashkent	Uzbekistan	700042
Mike Tyson	Tashkent	Uzbekistan	700043
Jean Claude Van Damme	Tashkent	Uzbekistan	700044
Celine Dion	Tashkent	Uzbekistan	700045
Madonna	Tashkent	Uzbekistan	700046

7.5-расм. Жадвал шаклига ўзгартirilган матн.

Жадвални матнга айлантириш

Агар бизга керакли маълумот жадвал шаклида келтирилган бўлса, уни матн шаклига ўзгартириш мумкин. Бунинг учун курсорни жадвал бирор ячейкаси ичига жойлаштириб **Table|Convert|Table to Text** тугмасини танланг. Бунда ҳар бир жадвал ячейкаси маълумоти матн қаторига айлантирилади.

8-дарс. Гипербоғликлар яратиш

- Гипербоғлик тушунчаси;
- Гипербоғлик нима;

Веб-сайт ичидаги манзилга йўналтирилган гипербоғликларни яратиш:

- Веб-сайт мавжуд веб-саҳифаларига гипербоғлик белгилаш;
- Янги веб-саҳифаларга гипербоғлик белгилаш;
- Файлларга гипербоғлик белгилаш;
- Ташқи веб-саҳифаларга гипербоғлик белгилаш;
- Гипербоғлик хусусиятларини ўрнатиш;

Bookmark ёрдамида гипербоғлик яратиш:

- Bookmark нима?
- Bookmark яратиш;
- Bookmark ни таҳрирлаш ва ўчириш;
- Bookmark га гипербоғлик белгилаш;
- E-mail гипербоғликлари;
- Гипербоғлик хусусиятларини ўзгартириш ва ўчириш;
- "Image Maps" билан ишлаш.

Гипербоғлик тушунчаси

Гипербоғликлар Интернет тармоғида ўзаро веб-саҳифалар орасида ҳаракатланишни амалга ошириш учун керак энг қулай асбоблардан биридир [14].

Гипербоғлик нима?

Гипербоғликни уч турга ажратиш мумкин:

- Internal Hyperlink Ички гипербоғлик. Мавжуд веб-сайт ичидаги манзилга ўрнатилган гипербоғлик.
- External Hyperlink Ташқи гипербоғлик. Ушбу гипербоғлик устига босилганда, ташқи веб-сайт манзилига мурожаат қилинади.
- Bookmarks Мавжуд веб-саҳифа ичидаги белгиланган манзилга мурожаат қилувчи гипербоғлик тури.

Гипербоғлик икки элементдан ташкил топади. Биринчиси бу гипербоғликнинг ўзи, иккинчиси — гипербоғлик устига босилганда

мурожаат қилинадиган манзил. Гипербоғликларни ҳам ташқи, ҳам ички манзилларга ўрнатса бўлади. Гипербоғлик нафақат матн, балки график файллар, аудио ва видео файлларга ҳам ўрнатилиши мумкин.

Гипербоғлик бу матн ёки график файл. Бир график файлнинг ўзига бир нечта гипербоғлик белгилаш мумкин. Бунинг учун “Image maps” лардан фойдаланиш керак (улар ҳақида кейинроқ тўхталамиз).

Гипербоғлик белгиланган матн ўз кўринишини расмдаги матн каби ўзгартиради, яъни гипербоғлик ўрнатилган матн устига курсорни олиб келинганда, стрелка курсори ўз кўринишини қўл шаклига ўзгартиради:


Alisher Makhmudov

Веб-сайт ичидаги веб-саҳифага йўналтирилган гипербоғлик яратиш

Веб-сайт яратишда кўпинча веб-сайт ичидаги веб-саҳифага йўналтирилган гипербоғликларни яратишда матндан фойдаланамиз. Келинг, мисол тариқасида шундай гипербоғлик яратиб кўрамиз.

Бундай турдаги гипербоғлик яратиш учун:

1. Page View режимида бирор манзил учун гипербоғлик сифатида белгиланиши лозим бўлган матнни белгиланг. Бир нарсани эсингизда тuting, гипербоғлик матнни белгиланаётган манзил маъносига мос келиши керак. Мисол учун *Асосий* сўзига белгиланган гипербоғлик асосий веб-саҳифани очиши керак.
2. Белгиланган матн устида сичқонча тугмасини босинг ва очилган дарча ичида Hyperlink тугмасини босинг. Худди шу амални бажаришнинг альтернатив варианты Insert | Hyperlink тугмаларини танлаш. Дастур иккала усулда ҳам қуйидаги Edit Hyperlink дарчасини тақдим этади (8.1-расм).



8.1-расм. Edit Hyperlink дарчаси.


3. Гипербоғликни қуйидаги усулда яратинг:

- Мавжуд веб-сайт ичидаги бирор файлни белгилаш учун Existing File or Web Page тугмасини босинг.
- Керакли файлни топиш учун Browse For File  тугмасидан фойдаланишингиз мумкин.
- Address дарчасига гипербоғлик белгиланиши керак бўлган файлнинг аниқ манзилини ёзишингиз керак.
- Browsed Pages тугмасини босиб, яқинда фойдаланилган веб-саҳифалар рўйхатини очишингиз мумкин.
- Recent Files тугмасини босиб, яқинда очилган файллар рўйхатини ҳосил қилишингиз мумкин. Рўйхат ичидан керакли файлни белгилашингиз мумкин.
- Агар сиз гипербоғлик белгиланаётган матнни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ScreenTip (сичқонча курсори ушбу матн устига олиб келинганда, курсор кўл шаклидаги стрелка турига ўзгаради) ушбу дарчасида янги матн киритишингиз мумкин.

■ ОК тугмасини босинг ва натижани кузатинг.

Гипербоғлик белгиланган матни оsonликча таниб оласиз, чунки ушбу матн кўк рангда ва тагига чизилган ҳолатда акс этади. Одатда, дастур томонидан гипербоғликлар кўк рангда белгиланади, лекин ушбу рангни дастур хусусиятларидан ўзгача рангда акс эттиришни белгилаб қўйиш мумкин.

Шунингдек, гипербоғликни Front Page дастури навигация қисмидан ҳам белгилаш мумкин, аниқроғи эса Folder List панели орқали. Иш дарчасида очиқ турган веб-саҳифага Folder List рўйхатидаги бирор бир веб-саҳифа гипербоғликлигини яратиш учун шу файлни устида сичконча тугмасини босиб ушлаб туриб иш дарчасига тортиб ўтказиш керак. Қуйида келтирилган расмдагидек:



Тортиб ўтказилган файл номи гипербоғлик матни сифатида асосий иш дарчасида ҳосил қилинади.

Веб-сайт ичидаги янги веб-саҳифаларга гипербоғлик белгилаш

Front Page дастурида ҳали яратилмаган янги веб-саҳифаларга ҳам гипербоғлик яратиш мумкин. Бунда дастур автоматик равишда янги веб-саҳифа яратиб, унга гипербоғлик ҳам белгилаб қўяди. Келинг, шундай усул билан гипербоғлик яратиб кўрамиз, бунинг учун:


1. Front Page Design режимида гипербоғлик ўрнатилиши керак бўлган матни белгиланг.

2. Белгиланган матн устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб Hyperlink тугмасини танланг. Натижада Edit Hyperlink дарчаси очилади. Эсингизда бўлса, ушбу дарчани Insert | Hyperlink тугмаларини босиш орқали ҳам ҳосил қилиш мумкин.
3. Create New Document. Ушбу тугмадан фойдаланиб, янги веб-саҳифа яратиш ва унга гипербо белгилаш мумкин. Ушбу тугма танланганда, Front Page дастури бошқачароқ Insert Hyperlink дарчасини акс эттиради.
4. Name Of New Document дарчасида янги веб-саҳифа номини киритинг.
5. When to Edit дарчасида қуйидаги имкониятлардан бирини танланг:
 - Edit the new document later (янги веб-саҳифани кейинроқ таҳрирлаш). Бу имконият танланганда янги веб-саҳифа яратилади.
 - Edit the new document now (янги веб-саҳифани ҳозирроқ таҳрирлаш). Ушбу имконият танланса, дастур янги яратилган веб-саҳифага гипербоғлик белгилайди ва уни дарҳол пайдо қилади. Сиз янги яратган ва гипербоғлик белгиланган веб-саҳифангиз билан ҳозирроқ ишлаш имкониятига эга бўласиз.
6. OK тугмасини босинг ва янги яратилган веб-саҳифага гипербоғлик белгиланг.

Файлларга гипербоғлик белгилаш


Гипербоғликни исталган файлларга белгилаш мумкин. Гипербоғликни Word, Excel файлларига, турли график файлларга ҳамда турли дастур файлларига белгилаш мумкин. Бу жуда осон, бунинг учун Insert Hyperlink дарчасида Link to File тугмасини танлаш керак холос (8.2-расм).

8.2-расмда кўрсатилганидек, гипербоғликни турли кенгайтмали файлларга нисбатан белгилаш мумкин.



8.2-расм. Link to File дарчаси.

Front Page дастурида бирор-бир Office файлларидан бирига ёки бошқа бир файлга гипербоғлиқ белгилаган бўлсангиз, гипербоғлиқ белгиланган матн ёки тугма устига босилганда экранда қуйидаги дарча ҳосил қилинади:



Агар Open тугмаси белгиланса, ушбу файл очилади, агарда сиз Save тугмасини белгиласангиз, файлни сақлаш дарчаси очилади. Cancel тугмаси босилса, File Download дарчаси ёпилади. Агар компьютерга файл тури номаълум бўлса, операцион тизим ушбу файлни қайси дастурда очиш кераклигини кўрсатишингизни сўрайди. Бунда дастур танлаш дарчаси очилади ва керакли дастурни танлаш имконияти тақдим этилади.

Ташқи веб-саҳифаларга гипербоғлик белгилаш

Ташқи веб-саҳифаларга гипербоғлик белгилаш жуда осон ва қулай. Лекин бунда айрим ҳолатларга аҳамиятли бўлиш талаб этилади. Сиз гипербоғлик белгиланган веб-сайт манзили ўзгариб қолган бўлиши мумкин ва ҳ.к. Ташқи веб-сайтларга гипербоғлик белгилаш учун:

1. Бирор маттни белгиланг ва Insert Hyperlink тугмасини босинг, очилган дарча ичидан Browse The Web тугмасини танланг. **Натижада Browser (Броузер) дастури очилади.**
2. Броузер дастури орқали керакли веб-саҳифани топинг. Веб-саҳифани очиб олганингиздан сўнг Front Page дастурига қайтинг.
3. Кўриб турганингиздек, Hyperlink дарчасида топилган веб-саҳифа манзили ёзилиб қолди. OK тугмасини босинг ва шу манзилга гипербоғликни белгиланг.

Гипербоғлик хусусиятларини ўрнатиш

Front Page дастурида гипербоғликлар кўк рангда ва тагига чизилган шаклда акс этади. Лекин бу уларнинг хусусиятларини ўзгартириш мумкин эмас деган маънони бермайди. Гипербоғлик шрифтини, унинг рангини ва бошқа хусусиятларини бемалол ўзгартириш мумкин.

Bookmark ёрдамида гипербоғлик яратиш

Стандарт гипербоғликлар веб-саҳифалар орасида ҳаракатланишга хизмат қилади. Шундай экан, табиий савол туғилади. Веб-саҳифа ичида ҳам

ҳаракатланиш мумкинми? Ҳа, бунинг иложи бор. Бунинг учун Bookmark деб аталувчи имкониятдан фойдаланилади. Bookmark ёрдамида веб-саҳифанинг турли қисмлари орасида ҳаракатланиш мумкин.


Bookmark нима?

Гипербоғлиқларда бўлгани каби Bookmark ҳам икки шартнинг бажарилишини талаб этади. Булар: гипербоғлиқнинг мавжудлиги ва гипербоғлиқ йўналтирилган манзил. Bookmark – бу йўналтирилган манзил. У орқали веб-саҳифа таркибидаги бирор жойни белгилаш мумкин [15]. Bookmark катта ҳажмга эга бўлган веб-саҳифалар яратиш жараёнида жуда қўл келади.

Bookmark яратиш

Гипербоғлиқни Bookmark га ўрнатиш учун биринчи уни яратиб олиш керак. Бунинг учун:

1. Front Page дастури Page View режимида матн ёки расмни белгиланг.
2. Insert | Bookmark тугмаларини босинг. Экранда қуйидаги Bookmark дарчаси очилади:



3. Bookmark учун Bookmark name дарчасида ном беринг. Номни иложи борича қисқароқ ва тушунарли қилиб қўйинг.

4. ОК тугмасини босинг ва Bookmark яратинг.

Яратилган Bookmark фақатгина Design View режимида штрих пунктир чизик билан белгиланади. Аҳамият беринг, у фақат Design View режимида акс эттирилади.

Bookmark ни таҳрирлаш ва ўчириш

Яратилган Bookmark номини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, уни белгилаб, устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва Bookmark Properties дарчасини танланг. Энди очилган Bookmark name дарчаси ичидаги Bookmark номини ўзгартиринг ва ОК тугмасини босинг. Front Page дастури Bookmark номини ҳамда унга мурожаат қилувчи гипербоғликларни автоматик равишда тўғирлаб қўяди.


Bookmark ни ўчириш учун уни белгиланг ва Bookmark Properties дарчаси ичида Bookmark ни белгилаб (агар улар бир нечта бўлса), Clear тугмасини босинг. Лекин эсингизда бўлсин, ушбу Bookmark га белгиланган гипербоғликлар ўчиб кетмайди. Улар ҳали ҳам веб-саҳифа таркибида шу Bookmark га боғланган ҳолда туради. Гипербоғликларни қўлда ўчириб чиқишга тўғри келади.

Bookmark га гипербоғлик белгилаш

Bookmark яратиб бўлганингиздан сўнг унга гипербоғлик белгилашингиз мумкин. Аксарият ҳолларда гипербоғлик ва Bookmark бир веб-саҳифаларда жойлашган бўлади. Лекин бошқа веб-саҳифада жойлашган Bookmark га ҳам гипербоғлик белгилаш мумкин. Bookmark га гипербоғлик белгилаш учун:

1. Design View режимида бирор матнни белгиланг.
2. Матн устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва Hyperlink тугмасини танланг. Худди шу амални Insert менюси ичида ҳам бажаришингиз мумкин. Шундан сўнг қаршингизда Insert Hyperlink дарчаси очилади.

3. Гипербоғлиқни Bookmark га белгилаш учун Place in This Document тугмасини босинг. Натижада Bookmark танлаш дарчаси очилади:




4. Керакли Bookmark ни танланг ва ОК тугмасини босинг. Ушбу амал орқали танланган Bookmarkга гипербоғлиқ белгиланади.

Бир веб-саҳифадан туриб, бошқа веб-саҳифада жойлашган Bookmark га гипербоғлиқ белгилаш учун куйида келтирилган амалларни бажаринг:

1. Гипербоғлиқ белгиланиши талаб этилган матни белгиланг.
2. Insert Hyperlink дарчасини ҳосил қилинг. Энди расмда келтирилган кетма-кетликда амалларни бажаринг.


Эсингизда бўлсин, амалларнинг кетма-кетлиги сақланиши шарт. Шундан сўнг ОК тугмасини босинг ва натижани текширинг.



Е-mail гипербоғлиги

Интернет тармоғида ишлаш жараёнида е-mail гипербоғликларга дуч келган бўлсангиз керак. Шундай гипербоғлик устига сичқонча тугмасы босилганда, компьютерда ўрнатилган электрон хатларни жўнатиш дастури очилади ва манзил дарчасида хат олувчининг манзили тайёр ёзиб қўйилган бўлади. Бундай турдаги гипербоғликлар, одатда, веб-саҳифалар таркибидаги «Напишите мне» ва ҳ.к. сўзларга бириктирилган бўлади (8.3-расм).


Бу турдаги гипербоғликларни ўз веб-саҳифаларингизда бемалол ишлатишингиз мумкин.



8.3-расм. E-mail гипербоғлиги мисол.

Бундай турдаги гипербоғлиқни яратиш учун:

1. Design View режимида бирор бир матни белгиланг.
2. Сўнгра Insert Hyperlink дарчасини ҳосил қилинг.
3. Очилган дарча ичида E-mail Address тугмасини босинг. Натижада қуйидаги ҳолат акс эттирилади:



4. E-mail address позициясида электрон манзилни киритинг. Front Page дастури автоматик равишда ёзилган электрон манзил олдида `mailto:` сўзини қўшиб қўяди.

5. Хохласангиз Subject дарчасига бирор мавзуни ёзиб қўйишингиз мумкин.

6. ОК тугмасини босинг ва Hyperlink дарчасини ёпинг.

Фойдаланувчи веб-саҳифадаги e-mail гипербоғлиқни босганда, электрон хатлар жўнатиш учун мўлжалланган дастур ишга тушади ва хатни жўнатиш бошланади. Сизнинг манзилингиз ва хат мавзуси олдиндан ёзилиб қўйилган бўлади.

Гипербоғлиқ хусусиятларини ўзгартириш ва ўчириш

Веб-сайт билан ишлаш жараёнида гипербоғлиқ хусусиятларини ўзгартиришингиз ёки гипербоғлиқни умуман ўчириб ташлашингиз мумкин. Бунинг учун гипербоғлиқни белгилаб, Edit Hyperlink дарчасини очинг. Очилган дарча ичида қуйидаги имкониятлардан фойдаланишингиз мумкин:

- **Modify the Hyperlink Destination** Гипербоғлиқ белгиланган манзилни ўзгартиришингиз мумкин. Эсингизда бўлса, гипербоғлиқни ички ва ташқи веб-саҳифаларга белгилаш мумкин.
- **Delete the Hyperlink** Гипербоғлиқни ўчириш учун **Remove Link** тугмасини танлаб, ОК тугмасини босинг.
- **Modify the Bookmark Destination** Гипербоғлиқ йўналган **Bookmark** ни ўзгартириш учун **Place in this document** тугмасини очиб, керакли **Bookmark** танланади.

Image Maps билан ишлаш

Хурматли ўқувчи, шу пайтга қадар сиз билан гипербоғлиқ яратишни кўриб чиқдик. Лекин аҳамият берган бўлсангиз, шу пайтга қадар бир график расмга фақат битта гипербоғлиқ белгилаш мумкин эди, лекин **Front Page** дастури ёрдамида бир график расмга бир неча гипербоғлиқ ўрнатиш имконияти ҳам мавжуд. Қандай қилиб дейсизми? Жуда осон. Ҳар бир гипербоғлиқ расмнинг алоҳида қисмларига белгиланади. Шу имконият **Image Maps** деб аталади. Келинг, шу тушунча билан яқиндан танишамиз.

Image Map нима?

Image Map — бу бир неча кўринмас чегара қисмлари билан ажратилган график расм. Расм қисмларга ички томонидан ажратилади, фойдаланувчига расм чегаралари ташқаридан кўринмайди. Бирор расм учун Image Map бириктириш учун расм камида икки қисмга бўлинган бўлиши керак [16].

Image Maps маъно жиҳатидан бир неча қисмларга ажратилган расмларга гипербоғлиқ белгилашда кўл келади. Ҳар бир бўлак учун алоҳида гипербоғлиқ белгилаш мумкин. Масалан, веб-саҳифада харита акс этган график расмни ишлатган бўлсангиз, ҳар бир регион устига босилганда шу регионга боғлиқ батафсил маълумотларга эга веб-саҳифани акс эттириш мумкин. Бу билан анча вақт ва меҳнатни тежаш имконияти яратилади.

Image Maps яратиш

Image Map яратишда биринчи кадам - бу веб-саҳифага график расмни қўйиш. Веб-саҳифага расм қўйиш бизга маълум, бунга ортиқча тўхталиб ўтирмаймиз.


Веб-саҳифага график расмни қўйганимиздан сўнг уни устида сичқонча тугмасини бир марта босиш орқали танлаб олиш керак. Шундан сўнг Front Page дастури график расмлар билан ишлаш учун мўлжалланган Pictures асбоблар панели тугмаларини фаоллаштиради (8.4-расм). Агар дастур Pictures асбоблар панелини тақдим этмаган бўлса, уни индивидуал равишда ёқиш мумкин. Бунинг учун View | Toolbars | Pictures тугмасини босиш kifоя. Ушбу асбоблар панели имкониятларидан фойдаланиб, расм устида чегара қисмларини ҳосил қиламиз.

GIF файллари устида чегара қисмларини ҳосил қилиш

Агар сиз график расмга тўртбурчак шаклида чегара чизигини белгиламоқчи бўлсангиз, буни Pictures асбоблар панели матн киритиш асбоби орқали амалга ошириш мумкин. Лекин бу усул фақат GIF файлларида ишлайди. Агар худди шу амални JPG файлларида синаб кўрсангиз, Front Page

дастури автоматик равишда файлингизни GIF файл турига ўзгартиришини билдиради. Бундай қилиш эса, расм сифатининг пасайишига олиб келади. Файллар устида тўртбурчак шаклидаги чегара чизигини белгилаш учун куйидаги амалларни бажариш керак:

1. Pictures асбоблар панелида матн киритиш асбобини тавланг. Экранда тўртбурчак акс эттирилади.



8.4-расм. Pictures асбоблар панели.

2. Ҳосил бўлган тўртбурчак ичига керакли матнни киритинг.



3. Тўртбурчак шаклидаги чегара қисмини белгилаш учун бир марта унинг ташқарисига босиб, сўнгра қайта тўртбурчакнинг устига босиш керак. Чегара қисми белгилангандан сўнг унинг чегара масштаб чизикларини кўриш мумкин.

4. Чегара қисмини белгилаб уни керакли жойга суриш мумкин. Уни катталаштириш ёки кичиклаштириш учун эса, масштаб чизикларидан фойдаланинг. Матнни ўзгартириш учун чегара қисми матнини белгиланг ва уни ўзгартиринг.


Чегара қисмини тайёрлаб олгач, энди унга гипербоғлиқ белгилашимиз мумкин. Бунинг учун чегара қисмини белгилаб, сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва Hyperlink тугмасини танланг. Худди шу амални Insert | Hyperlink тугмаларини танлаш орқали ҳам бажариш мумкин. Очилган дарча ичида чегара қисми учун гипербоғлиқ белгиланг.

Pictures асбоблар панели ёрдамида чегара чизикларини яратиш

Асбоблар панели ёрдамида чегара қисмларини фақат матн киритиш тугмасидан эмас, балки бошқа тугмалар орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Келинг улар билан танишамиз. Ҳозир кўриб ўтадиган тугмаларнинг қулайлиги шундаки, улар ёрдамида, биринчидан, бемалол JPG ва GIF туридаги расмларга ҳам чегара қисмларини белгилаш мумкин (албатта, ҳеч қандай расм сифатининг пасайишига йўл қўйилмаган ҳолда), иккинчидан, чегара чизикларини яратиб бўлгандан сўнг Front Page дастури автоматик равишда Hyperlink дарчасини тақдим этади. Бу жуда қулай, лекин чегара чизигини яратишдан олдин гипербоғлиқ белгиланадиган манзилни тайёрлаб олиш лозим. Агар Hyperlink дарчасида Cancel тугмасини боссангиз, гипербоғлиқ белгилаш дарчаси чегара чизиги билан бирга ғойиб бўлади.


Pictures асбоблар панели ёрдамида чегара чизикларини ҳосил қилиш учун қуйидаги асбоблардан мос келадиганини танланг: 

Керакли асбобни танлаб, чегара қисмини чизинг, шундан сўнг Hyperlink дарчаси акс этади (8.5-расм). Гипербоғлиқ белгилаб бўлганингиздан сўнг OK тугмасини босинг ва яратилган Image Map ни текширинг. Яратилган Image Map ни бошқа жойга кўчириш мумкин, шунингдек унинг гипербоғлиқлигини ҳам ўзгартириш мумкин. Бунинг учун чегара қисмини белгилаб, сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз ва Edit Hyperlink тугмасини танлаймиз. Очилган дарча ичидан гипербоғлиқни ўзгартирамиз.



8.5-расм. Image Map яратилиш.

Pictures асбоблар панелида Image Map ларга тааллуқли яна бир тугма бор. Унинг номи Highlight Hotspots. Унинг ёрдамида фақат расм устидаги чегара чизиқларини ўзинигина кўриш мумкин.



9-дарс. Фреймлар ёрламида веб-саҳифа яратиш

Фрейм нима?

- Фрейм дизайнидан фойдаланиш;

Фрейм саҳифасини яратиш:

- Саҳифа учун фрейм шаблонини танлаш;
- Фреймларни сақлаш;
- Фрейм таркибидаги саҳифаларни таҳрирлаш;

Фреймларни таҳрирлаш:

- Фрейм ўлчамларини ўзгартириш;
- Фреймларни ўчириш;
- Фрейм саҳифаси номини ўзгартириш;
- Фрейм хусусиятларини ўзгартириш;

Target Frames тушунчаси:

- Target Frame белгиланиши;
- Common Targets турлари;
- Hyperlink дарчаси орқали гипербогликларга Target Frame белгилаш;
- No Frames имкониятидан фойдаланиш.

Фрейм нима?


Фреймлар ёрдамида экранда бир неча веб-саҳифани бараварига юклаш имконияти мавжуд [17]. Мисол учун веб-саҳифанинг бир қисмида навигацион тугмалар жойлаштирилса, бошқа қисмида шу тугмаларга белгиланган веб-саҳифалар акс эттирилади (9.1-расм).

Фойдаланувчи шу тугмалардан бирини босиши билан, саҳифа иккинчи қисмида танланган веб-саҳифа акс эттирилади. Бунинг қулайлиги шундаки, фойдаланувчи ҳозирги пайтда қайси саҳифа билан ишлаётганини кўриб, аниқ билиб туради. Фрейм саҳифалари қуйидаги бўлимлардан ташкил топади:

- Frames Page Фрейм саҳифаси деб ўз таркибида бошқа саҳифадан ташкил топган саҳифага айтилади. Ҳар бир ишлатилган саҳифа асосий фрейм саҳифаси таркибига киради. Фрейм саҳифалари фойдаланувчиларга кўринмайди, улар «Frameset» HTML тегларидан иборат бўлади. Фреймлардан фойдаланиш учун аввало уларни яратиб олиш керак.

Ушбу ойнадаги гипербоғлар асосий
фреймда акс эттирилади

Ушбу ойнадаги гипербоғлар
чап фреймда акс эттирилади



Ушбу ойнадаги гипербоғлар шу
ойманинг ўзида очилади

9.1-расм. Фреймлар ёрдамида яратилган веб-саҳифанинг кўриниши.

- Frameset Фреймсетлар деб асосий фрейм саҳифасида акс этадиган фреймлар сонига айтилади. Саҳифа HTML коди таркибида “Frameset” теги мавжуд. Шу тег саҳифада белгиланган фреймлар сони, уларнинг акс эттирилиш тартиби маълумотларини жамлайди. Фрейм саҳифаси яратиш жараёнида “Frameset” теги автоматик равишда Front Page дастури томонидан яратилади.
- One or More Embedded Pages Ҳар бир фрейм саҳифага бириктириш учун тайёр веб-саҳифа керак бўлади. Агар фреймларингиз сони

иккита бўлса, унда бириктириш учун иккита веб-саҳифа керак бўлади. Бириктириладиган саҳифалар бу оддий веб-саҳифалардир.

Фрейм дизайнидан фойдаланиш

Фреймлар ёрдамида веб-саҳифа яратиш – бу катта масъулият талаб этадиган жараён. Фрейм дизайнини яратишда веб-саҳифанинг соддалиги ва фойдаланувчи учун қулайлиги асосий меъзон бўлиши керак.

Фрейм яратишда маълумот икки турга бўлинади. Булар: статик ва динамик маълумотлар. Статик маълумот – фрейм ичида ҳар доим бир жойда турадиган, ўзгармайдиган маълумот. Динамик маълумот – ўзгариб турадиган маълумот. Масалан, фойдаланувчи фрейм навигацион тугмалар орасидан биронтасини босганда, бошқа фреймда шу тугмага бириктирилган веб-саҳифа очилади. Очилган фрейм дарчаси ва маълумот тури динамик маълумотга киради. Фреймлар ёрдамида веб-саҳифа яратиш жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- Илоҳи борица статик маълумот акс эттириладиган дарча ўлчамини кичиклаштириш керак. Одатда, бу дарчада умумий маълумотлар ва навигацион тугмалар жойлашади. Веб-саҳифалар динамик дарчасида асосий маълумотлар акс эттирилиши сабабли, динамик дарча учун илоҳи борица кўпроқ жой ажратиш керак.
- Жуда ҳам кўп фрейм яратманг. Илоҳи борица фреймлар сони тўрттадан ошмасин. Фреймлар сонининг тўрттадан кўпайиб кетиши маълумот алмашинувини мураккаблаштиради.
- Фрейм дизайни веб-саҳифанинг дизайни, функционал имкониятлари ва қулайлигини ошириш мақсадида ишлатилиши керак.

Фрейм саҳифасини яратиш


Фрейм саҳифаларини яратишдан олдин ўзингиз учун бир нарсани аниқлаб олинг. Фреймга қайси веб-саҳифаларни бириктирасиз. Янги саҳифаларними ёки мавжудлариними? Агар фреймга бириктириладиган

саҳифа сифатида мавжуд веб-саҳифалардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг мавжудлигини ва ишлатишга тайёрлигини текшириб кўринг.

Саҳифа учун фрейм шаблонини танлаш

Фрейм асосида саҳифа яратиш учун:


1. File | New тугмасини босинг ва саҳифа шаблонлари дарчасини ҳосил қилинг:



2. Келтирилган шаблонлардан бирини танланг ва унинг қандай кўриниш касб этишини Preview тугмасини босиб аниқланг. Керакли шаблонни танланг ва ОК тугмасини босинг. Шундан сўнг экранда 9.2-расмдагидек ҳолат акс эттирилади. Аҳамият берган бўлсангиз, дастур саҳифани иккита фреймга бўлиб ажратди. Демак, чап фрейм тугмалар ва навигация панели сифатида, ўнг томондаги фрейм асосий маълумотни акс эттириш учун хизмат қилади.
3. Яратилган фреймлар учун мавжуд веб-саҳифаларни белгилаш Set Initial Page тугмаси орқали, фреймларга янги веб-саҳифаларни

бириктириш эса New Page тугмаларини танлаш орқали амалга оширилади.

4. Чап томондаги фреймга мавжуд веб-саҳифани белгилаш учун Set Initial Page тугмасини босамиз, натижада Insert Hyperlink дарчаси акс этирилади. Ушбу дарча ичида керакли веб-саҳифа танланади ва ОК тугмаси босилади..




9.2-расм. Фрейм саҳифаси учун танланган шаблон кўриниши.

Асосий фрейм учун ҳам худди шундай усул билан веб-саҳифа белгилаш мумкин. Ёки бўлмаса New Page тугмасини босиб, асосий фрейм учун янги веб-саҳифани яратинг.

Фрейзларни сақлаш

Фреймлар учун веб-саҳифа белгиланганидан сўнг фреймларни сақлаб қўйиш керак, бунинг учун:

1. File | Save тугмасини босиш лозим. Front Page дастури Save As дарчасини акс эттиради. Аҳамият беринг, ушбу дарча ўнг томонида қайси фрейм сақланаётганини кўриш мумкин.



2. Ҳар бир сақланаётган фрейм унғ томондаги дарчада акс этади.
Фрейм учун бирор ном беринг ва Save тутмасини босинг.

Фреймларни тахрирлаш

Фрейм яратиб бўлганингиздан сўнг ҳар бир фреймнинг ўлчамларини бемалол ўзгартириш мумкин.

Фрейм ўлчамларини ўзгартириш

Фрейм ўлчамини ўзгартириш учун фрейм чегарасини сичқончанинг чап тугмаси билан босиб ушлаб туриб, керакли масофага суриш керак. Сичқонча тугмаси қўйиб юборилгандан сўнг фрейм ўлчами ўзгаради.

Фреймни ўчириш


Фреймни ўчириш учун уни белгилаб Frames | Delete Frames тугмасини босиш керак. Хавотир олманг, фреймга бириктирилган саҳифа фрейм ўчирилганда, фрейм билан биргаликда ўчиб кетмайди.

Фрейм номини ўзгартириш

Веб-сайт билан ишлаш жараёнида фрейм номини ўзгартириш талаб этилиши мумкин. Фрейм номини бемалол веб-саҳифа номини ўзгартиргандек ўзгартириш мумкин. Бунини амалга оширишнинг бир усули бу - Folder List панелидан Rename тугмасини танлаш.


Фрейм хусусиятларини ўзгартириш

Фрейм хусусиятларини ўзгартириш учун фреймни белгилаб, унинг устида сичқончанинг ўнг тугмасини босганда пайдо бўлган менюда Frame Properties тугмасини танлаш лозим. Натижада экранда куйидаги фрейм хусусиятлари дарчаси акс эттирилади:



Ушбу дарча орқали фрейм куйидаги хусусиятларини ўзгартириш мумкин:

- **Name** Бу дарча ичида фрейм номи акс этирилади. Эсингизда бўлсин, фрейм номи - саҳифа номи эмас.
- **Initial Page** Бу дарча ичида фреймга бириктирилган саҳифа номи акс этирилади. Browse тугмасини босиб, фрейм учун керакли веб-саҳифани белгилаш мумкин.
- **Frame Size** Ушбу дарча ичида фрейм ўлчамлари белгиланади. Фрейм кенглиги ва бўйини пикселларда ва фоиз ҳисобида ўзгартириш мумкин.
- **Margins** Фрейм чегараси ва матн орасидаги масофа белгиланадиган дарча. Масофа пикселларда белгиланади.
- **Resizable in Browser** Агар ушбу тугмани белгилаб қўйилса, веб-саҳифани броузерда кўриш жараёнида фреймларнинг ўлчамларини ўзгартириш мумкин бўлиб қолади. Лекин бу дегани фрейм ўлчамлари ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолади дегани эмас. Веб-саҳифа броузерда қайта очилганда, у ўз асл ҳолатида очилади.
- **Show Scrollbars** Ушбу меню ичидан керакли тугмани танланг. У экранда скролбарни акс этириш имкониятларини танлаш учун хизмат қилади. Скролбар веб-саҳифа маълумотларини экран бўйлаб юкори-пастга ва ён томонларга ҳаракатлантириш учун керак (маълумот экран дарчасига сиғмаган ҳолларда). Одатда, ушбу меню ичида If Needed тугмаси танланган бўлади. Ушбу тугма скролбарни, фақат, веб-саҳифа экранга сиғмай қолган ҳолатда акс этиради.
- **Frames Page** Ушбу тугмани босиб, фрейм хусусиятлари дарчасини веб-саҳифа хусусиятлари дарчаси ичидан очишингиз мумкин.




Очилган дарча ичида фреймлар чегаралари орасидаги масофани белгилаш мумкин ҳамда фрейм чегараларини кўринадиган ва кўринмайдиган қилиш мумкин.

Target Frames тушунчаси

Фреймлар билан ишлаш жараёнида гипербоғлиқ белгиланган саҳифалар қайси фреймда очилишини белгилаб олиш керак. Келинг, бу саволни қуйида келтирилган мисолда кўриб ўтамыз:

Ушбу ойнадаги гипербоғлар асосий фреймда акс эттирилади

Ушбу ойнадаги гипербоғлар чап фреймда акс эттирилади




Ушбу ойнадаги гипербоғлар шу ойнанинг ўзида очилади

Расмда акс эттирилган мисолни кўриб ўтамиз. Аҳамият беринг, ушбу саҳифада учта фреймдан фойдаланилган. Чап томондаги фрейм номи left frame, саҳифа юқори қисмидаги фрейм номи top frame ва асосий фрейм номи main frame деб аталади. Top frame қисмидаги тугмалар босилганда маълумот чап томондаги фреймда (left frame да) акс эттирилади. Чап томондаги фрейм бизнинг мисолимизда навигация панели ҳисобланади. Чап томондаги left frame тугмаларидан бири босилганда, тугмага бириктирилган саҳифа асосий дарчага (main frame га) чиқарилади. Main frame дарчасида акс эттирилган тугмалардан бири босилганда, тугмага бириктирилган веб-саҳифа ушбу дарча ичида мавжуд саҳифа устидан очилади.


Келинг, айтиб ўтилган маълумотни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини кўриб ўтамиз.

Target Frame белгиланиши

Гипербоғлиқ устига босилгандан сўнг маълумот акс эттирилиши талаб этиладиган фрейм номи target frame деб аталади [18]. Target frame икки хил усул билан ўрнатилади. Барча гипербоғлиқлар учун ягона target frame белгилаш мумкин. Бунинг учун Page Properties дарчасини ҳосил қилинг:



Қизил тўртбурчак билан белгиланган позицияда target frame ўрнатилади. Target frame номини бирданига ўзгартириш мумкин эмас. Агар ўрнатиш target frame номини ўзгартирмоқчи бўлсангиз, кўк ранг билан белгиланган қалам шаклидаги тугмани босинг. Натижада, қуйидаги дарча акс эттирилади:



Ушбу очилган дарча ичида маълумот акс эттирилиши талаб этиладиган фрейм номини киритиш лозим. Бунинг учун керакли фреймни расмдан танлаш мумкин. Иккинчи усул, фрейм номини Common target дарчаси ичидан танлаш керак. Керакли фрейм номи танлангандан сўнг target settings дарчасида танланган фрейм номи акс этади. Шундан сўнг ОК тугмасини босиб, ўзгаришни қабул қиламиз.

Common targets дарчасида акс эттирилган фреймлар номи нимани англатади деб сўрашингиз мумкин. Келинг, уларни батафсил кўриб чиқамиз:


Common Targets турлари

Ушбу дарча ичида келтириладиган фрейм номлари барча браузерларда бирдек талқин қилинади. Келинг, улар билан яқинроқ танишамиз:

- **Same Frame** Ушбу фрейм танланса, саҳифа ўз жойлашган фреймида очилади;
- **Whole Page** Фрейм ёпилади ва саҳифа браузер янги дарчасида бутун ўлчами бўйича акс эттирилади;
- **New Window** Саҳифа браузер янги дарчасида акс эттирилади;
- **Parent Frame** Очилаётган саҳифа бир поғона юқорида алоҳида браузер дарчасида очилади.

Hyperlink дарчаси орқали гипербоғликларга Target Frame белгилаш

Гипербоғлик яратиш жараёнида target frame белгилаш мумкин. Бунинг учун расмда кўрсатилганидек, гипербоғлик белгилаш дарчасида target frames тугмаси босилганда пайдо бўладиган target frame дарчаси ичида керакли фреймни танлаш лозим:




No Frames имкониятидан фойдаланиш

Ҳеч кимга сир эмаски, компьютер технологиялари жуда тез суъратлар билан ривожланмоқда. Лекин шунга қарамай, фойдаланувчилар орасида ҳали ҳам фреймларни ақс эттира олмайдиган браузер дастури соҳиблари учраб туради. Front Page дастури ушбу муаммони олдини олиш мақсадида бир қулайликни яратди. Дастур қуйи қисмига аҳамият беринг. Эътиборингизни қуйидаги ☒ Design ☐ Split ☒ No Frames ☐ Code ☐ Preview дарча тортиши табиий.

Қизил тўртбурчак билан белгиланган NO Frames тугмасини босинг ва экранда: «This page uses frames, but your browser doesn't support them» деган ёзувни ҳосил қилинг. Экранда ақс этаётган матн янги веб-саҳифа эмас, балки

мавжуд веб-саҳифангиз бир қисми бўлиб, фреймларни акс эттира олмайдиган броузерлар учун мўлжалланган.



Front Page дастури куйидаги «This page uses frames, but your browser doesn't support them» матнини одатдаги матн сифатида акс эттиради. Ушбу матн фреймларни акс эттира олмайдиган броузерларда акс эттирилади. Экранга чиқадиган хабар матнини қиритишингиз, бундан ташқари веб-саҳифангизнинг фрейм технологияларини ишлатмаган ҳолдаги вариантини ҳам яратишингиз мумкин.

10-дарс. Shared Borders яратиш ва гипербоғлиқ панелини ҳосил қилиш.

- » Shared Borders тушунчаси;
- » Shared Borders нима?
- » Веб-саҳифага Shared Borders қўшиш;
- » Shared Borders фонига ранг ва график расм қўшиш;
- » Shared Borders таркибини ўзгартириш;
- » Навигацион тугмалардан фойдаланиш;

Навигация режимида ишлаш:

- » Веб-сайт таркибини куриш;
- » Навигация режимида мавжуд саҳифаларни сайт таркибига қўшиш;
- » Навигация режимида янги веб-саҳифа яратиш;
- » Навигация режимида саҳифаларни ўчириш;
- » Навигация режими хусусиятларини ўзгартириш;
- » Навигация режимида саҳифалар номини ўзгартириш;

Гипербоғлиқ панели имкониятлари:

- » Гипербоғлиқ панели билан ишлаш;
- » Гипербоғлиқ панелини индивидуал гипербоғлиқлар билан яратиш;
- » Навигация режимида индивидуал гипербоғлиқ панели билан ишлаш.

Shared Borders тушунчаси

Веб-саҳифа яратиш жараёнида унинг кўркемлигига ҳамда маълумотларнинг тартибланишига асосий эътиборни қаратиш керак. Аввалги дарсларимизда веб-саҳифанинг кўркемлигини ошириш мақсадида безак мавзуларини қўллашни кўриб ўтгандик. Келинг, энди Shared Borders ҳақида тушунчага эга бўламиз.


Shared Borders нима?

Shared Borders – веб-саҳифа таркибида алоҳида ажратилган жой. Shared Borders имкониятларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик мумкин, лекин ҳар бир веб-саҳифада турлича акс эттирилишини таъминлаш мумкин эмас. Shared Borders саҳифанинг юқори, ласт, чап томон ҳамда ўнг томонида акс эттирилиши мумкин [19].

Shared Borders гипербоғлиқ панели билан бирга ишлатилганда, фойдаланувчилар учун анча қулайликлар яратади.


Веб-саҳифага Shared Borders қўшиш

Веб-саҳифа таркибига Shared Borders қўшиш учун Format | Shared Borders тугмаларини танлаш керак. Натижада қуйидаги дарча пайдо бўлади:



Агар Format дарчасида Shared Borders тугмаси акс этирилмаётган бўлса, унда Tools | Page Options дарчасидан Authoring Tab бўлимига ўтиб, Shared Borders тугмасини танлаб қўйинг (10.1-расм).


Shared Borders ни саҳифа юқори қисмига қўйиш учун Top, қуйи қисмига қўйиш учун Bottom, чап қисмига қўйиш учун Left ва ўнг қисмига қўйиш учун Right тугмаларини танланг. Шунингдек, Shared Borders фақат бир саҳифага нисбатан ёки веб-сайтдаги барча саҳифаларга нисбатан қўлланилиши мумкин.



10.1-расм. Authoring панелидан Shared Borders тугмасини фаоллаштириш.

Shared Borders фонига ранг ва график расм қўйиш

Front Page дастурида Shared Borders фонига ранг ва график расм қўйиш имконияти мавжуд. Бунинг учун саҳифа Shared Borders қисмида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Border Properties тугмаси танланади. Амал қуйидаги дарчани акс эттиради:



Агар саҳифада бир неча Shared Borders ишлатилган бўлса, Border Properties дарчаси ичидан қайси бири учун ранг ёки график расм белгиланиши керак бўлса, шунисини танлаш лозим.

Фонга расм қўйиш учун Picture тугмасини босиб, Browse тугмаси орқали керакли расмни белгиланг.


Эсингизда бўлсин, Shared Borders фонига қўйиладиган расм фақатгина веб-сайт таркибида бўлиши керак.

Shared Borders таркибини ўзгартириш

Shared Borders таркибига исталган матн, расм, гипербоғлиқ ва ҳ.к.лар қўйиш мумкин. Shared Borders таркибидаги элементларни форматлаш ва уларнинг хусусиятларини ўзгартириш ҳар доимгидек амалга оширилади. Shared Borders таркибидаги барча маълумотлар Shared Borders қўлланилган барча веб-саҳифаларда бирдек акс эттирилади.

Навигация тугмалардан фойдаланиш

Навигация тугмалари Веб-сайт бўйлаб белгиланган гипербоғлиқлар ёрдамида ҳаракатланиш имконини беради. Саҳифага белгиланган безак мавзуси хусусиятларига кўра, навигация тугмалари оддий матн ёки тугмалар сифатида акс эттирилиши мумкин.




Навигация режимида ишлаш

Мукамал қурилган гипербоғлиқ панелини яратиш учун веб-сайт таркибини пухта қилиб яратиб олиш керак. Веб-сайт таркиби диаграмма

кўринишига ўхшаш бўлади. Энг юқорида бош саҳифа, юқоридан пастга қараб веб-саҳифалар ўз маъно ва таркибига кўра тартиблашиб кетаверади. Веб-сайт таркибини мукаммал қилиб яратиб олганингиздан сўнг Front Page дастурига гипербоғлиқ панелини қуришни топшириш мумкин.


Веб-сайт таркибини қуриш

Веб-сайт таркиби навигация режимида қурилади.




Веб-сайт таркибини қуришни бошлаш учун қуйидаги амалларни бажариш лозим:

1. Навигация режимида веб-сайт таркибини қуриш учун каталоглар рўйхати таркибидан веб-саҳифани белгилаб, сичқонча тугмасини қўйиб юбормаган ҳолда навигация дарчасига тортиб олиб келиш керак. Қўшилаётган саҳифанинг бошқаларига яқинлашиши билан саҳифалар орасида қўшиш чизиғи пайдо бўлади.



2. Каталоглар рўйхати ичидан керакли веб-саҳифаларни навигация дарчасига тортиб веб-сайт таркибини яратишни давом эттиринг. Веб-сайт таркибининг охирига етган шакли 10.2-расмда келтирилган.



10.2-расм. Навигация режимида яратилган веб-сайт таркиби.

Навигация режимида мавжуд саҳифаларни сайт таркибига қўйиш

Мавжуд веб-саҳифани веб-сайт таркибига навигация режимида қўйишнинг яна бир усули, навигация дарчасида асосий веб-саҳифа устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Add Existing Page тугмасини танланг. Ушбу амал гипербоғлик яратиш дарчасини акс эттиради. Дарча ичидан керакли веб-саҳифани танлаб, ОК тугмасини босинг.


Навигация режимида янги веб-саҳифа яратиш

Навигация режимида янги веб-саҳифа яратиш мумкин. Бунинг учун асосий веб-саҳифа устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, New Page тугмасини танлаш керак. Шундан сўнг Front Page дастури янги веб-саҳифа яратади ва уни асосий веб-саҳифа билан боғлайди. Янги яратилган саҳифа

ҳали файл сифатида сақланмаганлиги сабабли, каталоглар рўйхати дарчасида акс эттирилмайди. Ушбу саҳифани файл сифатида сақланишини таъминлаш учун ушбу саҳифани навигация режимида очиб, унинг таркибига ўзгартириш киритиб, сақлаб қўйиш лозим.

Навигация режимида веб-саҳифаларни ўчириш

Навигация режимида саҳифаларни ўчириш мумкин. Бунинг учун ўчириш талаб этилган саҳифани белгилаб, сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Delete тугмасини танлаш керак. Ушбу амал экранда қуйидаги дарчани акс эттиради:



Бу ерда иккита тугма мавжуд. Биринчи тугма танланганда, саҳифа фақат навигация режими ичидан ўчирилади. Иккинчи тугма танланганда эса, саҳифани навигация режимидан ҳам, веб-сайт таркибидан ҳам ўчириб ташлайди. Керакли амални танлаб, ОК тугмасини босинг ва натижани кузатинг.

Навигация режими хусусиятларини ўзгартириш

Фойдаланувчилар навигация режими кўриниш хусусиятларини ўзгартиришлари мумкин. Қуйида ўзгартириш мумкин бўлган айрим хусусиятлар келтирилган:

- **Zoom In and Out** Ушбу тугмани танлаб, кўриниш масштабини ўзгартириш мумкин. Масштабни ўзгартириш учун навигация режими юқори ўнг қисмида жойлашган Zoom дарчаси ичидан керакли катталикни танланг.



- **Expand and Collapse Subtrees** Ушбу тугмани танлаб, бир-бири билан боғланган саҳифалар кўринишини ёқиш ва ўчириш мумкин.



- **Switch Between Portrait and Landscape** Навигация режимида веб-сайт таркибини чапдан ўнгга қараб ҳамда юқоридан пастга қараб акс эттириш мумкин. Бунинг учун қуйидаги белгиланган тугмани босиб, сайт таркибини айтиб ўтилган кўринишларда акс эттириш мумкин.



Навигация режимида саҳифалар номини ўзгартириш

Front Page дастури навигация режимида акс эттириладиган барча саҳифалар ўз номи бўйича акс эттирилади. Саҳифаларнинг ушбу номлари уларнинг асл номлари эмас, балки уларнинг сарлавҳаси номидир. Навигация режимида саҳифалар номи ўзгартирилганда, саҳифанинг ўз номи эмас, балки уларнинг сарлавҳаси номи ўзгаради. Хавотир олманг, саҳифа сарлавҳаси номи ўзгарса ҳам, саҳифага белгиланган гипербоғлиқлар ўзгармай сақланиб қолади. Саҳифа сарлавҳаси номини ўзгартиришнинг икки хил усули мавжуд. Биринчиси, саҳифани белгилаб икки сония кутиб, яна бир марта саҳифа устида сичқонча тугмасини босиш ва саҳифа сарлавҳаси номини ўзгартириш. Иккинчи усул, саҳифа устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Rename тугмасини босиш ва янги ном киритиш.

Гипербоғлиқ панели имкониятлари (Link Bar)

Link Bars яратиш ва улардан фойдаланиш жуда қулай. Улар ёрдамида веб-сайт бўйлаб ҳаракатланиш қулайлиги ошади. Link Bars икки турга бўлинади. Биринчиси, веб-сайт таркибига қараб автоматик равишда ўзгартириладиган Link Bars. Ушбу турдаги Link Bars бир марта яратилади ва кейинчалик Front Page дастури веб-сайтимиз таркибининг ўзгаришига қараб уни автоматик равишда сошлаб туради.

Иккинчи турдаги Link Bars яна Custom Link Bar деб ҳам аталади. Ушбу турдаги Link Bars индивидуал равишда фойдаланувчи томонидан яратилади ва кейинчалик иш жараёнида ўзгартириб турилади.


Гипербоғлиқ панели билан ишлаш

Front Page дастурида гипербоғлиқ панелини яратиш жуда осон. Веб-сайт таркибига қараб автоматик равишда ўзгартирилиб бориладиган гипербоғлиқ панели ёрдамида Front Page дастури гипербоғлиқларни назорат қилиб боради. Фойдаланувчи бир марта гипербоғлиқ панелини яратади. Қолган ишни Front Page дастурининг ўзи амалга оширади.


Гипербоғлиқ панелини веб-сайт таркибига қўйиш

Эсингизда бўлса, веб-саҳифа таркибига Shared Borders қўйишни кўриб ўтган эдик. Гипербоғлиқ панелини Shared Borders таркибига қўйиб, уни барча саҳифаларда акс эттириш имконияти мавжуд. Веб-саҳифа таркибига гипербоғлиқ панелини қўйишнинг бир неча усули мавжуд. Бунинг учун:

1. Гипербоғлиқ панели қўйиш талаб этилган жойга курсорни қўйинг.
2. Сўнгра Insert | Navigation тугмаларини танланг.



3. Insert Web Component дарчаси Link Bars бўлими ичидан Bar based on navigation structure (веб-сайт таркибига қараб ўзгарадиган гипербоғлиқ панели) тугмасини танланг.
4. Сўнгра Next тугмасини босинг. Натижада гипербоғлиқ панели услуби ва кўриниш хусусиятларини танлаш дарчаси акс эттирилади.



Керакли услубни танланг ва ОК тугмасини босинг.


Гипербоғлиқ панели хусусиятларини ўзгартириш

Front Page дастурида яратилган гипербоғлиқ панели хусусиятларини кейинчалик ҳам ўзгартиришингиз мумкин. Агар гипербоғлиқ панелини яратиш жараёнида барча керакли хусусиятларни белгилай олмаган бўлсангиз, ҳеч ҳам хавотир олманг. Гипербоғлиқ панели хусусиятларини Design View режимида белгилаб, сичқончанинг ўнг тугмасини босинг, очилган дарча ичидан Link Bar Properties тугмасини танлаб, керакли ўзгартиришларни киритинг. Гипербоғлиқ панелини исталган жойга кўчириб

ўтказиш, шунингдек, ҳар бир саҳифага индивидуал равишда қўйиш мумкин ва ҳ.к..

Индивидуал гипербоғлиқ панели билан ишлаш


Индивидуал гипербоғлиқ панели билан ишлаш айрим ҳолларда қулай бўлиши мумкин. Шундай турдаги гипербоғлиқ панелини яратиб олиб, уни бир неча саҳифада ишлатиш мумкин. Бундай турдаги гипербоғлиқ панели қуйидагича кўриниш касб этиши мумкин:




Индивидуал гипербоғлиқ панелини яратиш ва уни саҳифага қўйиш

Бундай турдаги гипербоғлиқ панелини яратиш учун:


1. Саҳифа таркибида гипербоғлиқ панели қўйиш талаб этилган жойга курсорни қўйинг ва Insert | Navigation тугмаларини танланг.
2. Очилган дарча ичида Bar With Custom Links гипербоғлиқ турини танланг. Сўнгра Next тугмасини босинг.
3. Гипербоғлиқ панели учун керакли услубни танланг ва Next тугмасини босинг.
4. Гипербоғлиқ панелининг кўриниш турини танланг. Икки хил услуб мавжуд: *горизонтал* ва *вертикал*. Сўнгра Finish тугмасини босинг.
5. Шундан сўнг Front Page дастури гипербоғлиқ панели хусусиятлари дарчасини акс эттиради. Биринчи бор яратилаётган гипербоғлиқ панеляга дастур автоматик равишда New Link Bar деган номни беради.



6. Гипербоглик панели учун керакли номни киритинг ва ОК тугмасини босинг. Шундан сўнг дастур куйидаги дарчани тақдим этади:



7. Add Link тугмасини босинг ва Add To Link Bar дарчасини пайдо қилинг.



8. Очилган дарча ичидан гипербоғлик белгиланиши талаб этилган саҳифани танланг.
9. Text to display дарчаси ичида гипербоғлик белгиланиши керак бўлган матнни киритинг. Ушбу матн гипербоғлик панелида акс эттирилади.
10. OK тугмасини босинг ва Link Bar Properties дарчасига қайтинг.
11. Керакли микдордаги гипербоғликлар яратиб бўлмагунича 7-дан 10-гача бўлган амалларни қайта такрорланг.


Link Bar Properties дарчаси ичида яна бир неча тугмалар мавжуд. Улар ёрдамида қўшимча равишда гипербоғлик панели хусусиятларини ўзгартириш мумкин. Булар қуйидагилар:

- Remove Link Белгиланган гипербоғликни ўчириш учун ушбу тугмадан фойдаланинг.
- Modify Link Гипербоғлик белгиланган манзилни ўзгартириш учун ушбу тугмадан фойдаланинг.
- Move Up or Move Down Гипербоғлик тугмаларининг ўрнини алмаштириш учун ишлатиладиган тугма.

- **Configure Additional Links** Ушбу бўлим Home Page ёки Parent Page тугмаларидан фойдаланиб веб-сайт бош саҳифасига гипербоғлик яратиш мумкин.
- **Change the Style** Гипербоғлик панели услубини ўзгартириш учун ушбу тугмадан фойдаланинг.

Навигация режимида индивидуал гипербоғлик панели билан ишлаш

Навигация режимида яратилган ҳар бир гипербоғлик панели алоҳида акс этади (10.3-расм).



10.3-расм. Навигация режимида гипербоғлик панелининг акс эттирилиши.

Навигация режимида яратилган гипербоғлик панели устида қуйидаги ўзгартиришларни амалга оширишингиз мумкин:

- Move Page from the Web Site Structure to the Custom Link Bar веб-сайт таркибига кировчи веб-саҳифаларни гипербоғлик панелига кўчириб ўтказиш мумкин ва акси.
- Rearrange the Order of the Links in the Custom Link Bar Гипербоғлик панелидаги саҳифалар тартибини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун уларни босиб ушлаб туриб, керакли жойга суриб, ўрнини алмаштириш керак.
- Add an Existing Page to the Custom Link Bar Мавжуд саҳифани гипербоғлик панелига қўшиш учун гипербоғлик панели номи устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, очилган дарча ичидан Add Existing Page тугмасини танлаш керак. Ушбу амал Insert Hyperlink дарчасини акс эттиради. Очилган дарча ичидан керакли файлни танланг ва ОК тугмасини босинг.
- Remove a Link from the Custom Link Bar Гипербоғлик панели таркибидаги бирор гипербоғликни ўчириш учун ушбу гипербоғликни танлаб, Delete тугмасини босинг.
- Rename a Link in the Custom Link Bar Гипербоғлик панели таркибидаги бирор гипербоғлик номини ўзгартириш учун ушбу гипербоғликни танланг, унинг устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Rename тугмасини фаоллаштиринг. Сўнгра янги ном киритинг ва Enter тугмасини босинг.
- Add a New Blank Page to a Custom Link Bar Гипербоғлик панелига янги саҳифа қўшиш учун гипербоғлик панели номи устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва очилган дарча ичидан New Page тугмасини танланг. Шундан сўнг дастур янги веб-саҳифа яратади ва уни гипербоғлик панелига қўшиб қўяди.
- Create a New, Empty Link Bar Янги гипербоғлик панели яратиш учун навигация дарчаси бўш қисмида сичқончанинг ўнг тугмасини

босинг, очилган дарча ичидан New | Custom Link Bar тугмасини танланг. Шундан сўнг яратилган гипербоғлик панели учун янги гипербоғликлар белгилаш мумкин.

- Rename a Custom Link Bar Гипербоғлик панели номини ўзгартириш учун унинг номи устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг, очилган дарча ичидан Rename тугмасини танлаб, янги ном киритинг ва Enter тугмасини босинг.
- Delete a Custom Link Bar Гипербоғлик панелини ўчириш учун унинг устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва Delete тугмасини танланг.

11-дарс. Топшириқлар ва ҳисобот панелидан фойдаланиш

Топшириқлар панели билан танишув:

- » Топшириқ ўзи нима?
- » Янги топшириқ яратиш;
- » Топшириқларга хусусият белгилаш;
- » Топшириқни бажариш.

Ҳисобот панели орқали веб-сайтни кўздан кечириш:


- » Ҳисобот панелини ҳосил қилиш;
- » Ҳисобот хусусиятларини белгилаш;
- » Ҳисобот дарчасида файллар билан ишлаш;
- » Ҳисобот устунларини режалаштириш;
- » Ҳисобот натижаларини саралаш;
- » Ҳисобот панели умумлашган натижалари билан танишув;
- » Файллар ҳисоботи;
- » Муаммолар ҳисоботи;
- » Ишламайдиган гипербоғлиқлар ҳисоботи;
- » Shared Content ҳисоботи;
- » Workflows Reports ҳисоботи;
- » Usage Reports ҳисоботи.

Топшириқлар панели билан танишув

Кўп сонли веб-саҳифалардан ташкил топган веб-сайт билан ишлаш жараёнида қўл остида ён дафтарчасига эга бўлиш фойдадан ҳоли эмас. Ён дафтарчасида веб-саҳифага тааллуқли бўлган зарур маълумотларни ёзиб бориб, иш жараёнида ундан фойдаланиш мумкин. Front Page дастури топшириқлар панели ёрдамида фойдаланувчиларга шундай турдаги маълумотларни ёзиб бориш учун топшириқлар панелини тақдим этган. Топшириқлар панелида фойдаланувчи киритган топшириқлар акс этиб туради. Топшириқ бажариб бўлингандан сўнг фойдаланувчи топшириқни бажарилган ёки охиригача бажариб бўлинмаган топшириқ сифатида белгилаб қўйиши мумкин. Бажарилган топшириқларни ўчириб ташлаб, ўрнига янгиларини киритиш мумкин ва ҳ.к..

Топширик ўзи нима?

Топширик – веб-сайт билан ишлаш жараёнида бажарилиши талаб этилган фойдали маълумот. Топшириклар бевосита веб-сайт билан ишлаётган инсонлар томонидан бажарилиши мумкин. Топширикларни қўшиш, ўчириб ташлаш ва уларга кетма кетлик, муҳимлик белгилаш мумкин. Топшириклар панели қуйидагича кўринишга эга бўлади [20] (11.1-расм).



Web Site						
Tasks						
Status	Task	Assigned To	Priority	Associated With	Modified Date	Description
Completed	Топширик1	ITTC-SEP...	High		15.05.2006 15:13:19	Файл қўйилган. Ҳафизов
Not Started	Топширик2	ITTC-SEP...	Medium		15.05.2006 15:13:19	Файл қўйилган. Ҳафизов
Not Started	Топширик3	ITTC-SEP...	Medium		15.05.2006 15:13:19	Ҳафизов қўйилган. Файл яратилган.

11.1-расм. Топшириклар панелининг умумий кўриниши.

Янги топширик яратиш

Топшириклар билан ишлаш учун аввал топширикларга эга бўлиш керак. Топширик яратишнинг бир неча усули мавжуд.

Топширик яратиш

Топширик яратиш учун топшириклар панелида сичқончанинг ўнг тугмасини босиб, Add Task тугмасини танланг. Худди шу амални Edit | Tasks | Add Task тугмаларини босиб ҳам амалга ошириш мумкин. Натижада қуйидаги дарча пайдо бўлади:

New Task [X]

Task name: _____

Assigned to: ITC SERVER\alsher

Associated with: (is not associated)

Completed: No

Modified by: (has not been modified)

Created by: ITC SERVER\alsher on 10.11.2005 at 10:09:00

Description: _____

Priority:
☐ High
☒ Medium
☐ Low

OK Cancel

11.2-расм. Топшириқлар яратиш дарчаси.

Куйидаги акс эттирилган New Task дарчасида Associated with бўлими мавжуд. Аҳамият беринг, ушбу бўлим киймати Is Not Associated сифатида белгиланган. Бунинг маъноси, ушбу топшириқ бирор саҳифа билан боғланмаган, аниқ бир саҳифага бириктирилмаган. Дарс давомида бирор аниқ саҳифага топшириқ белгилашни ва унинг хусусиятларини ўзгартиришни кўриб ўтамиз.

Янги топшириққа куйидагича хусусиятлар бириктирилади :

- Task Name Топшириқнинг номи киритиладиган дарча;
- Assigned to Топшириқни бажаришга масъул киши исми. Масъул шахснинг исмини киритиш ёки очилган дарча ичидан тавлаш мумкин;
- Priority Устуворни ўрнатиш дарчаси. Топшириқнинг муҳимлигига қараб уч хил белгилаш мумкин: High (юқори), Medium (ўртача), Low (паст);
- Description Топшириқнинг изоҳини киритиш дарчаси.

ОК тугмасини босиб топшириқни яратинг. Янги топшириқ яратилади ва Not Started сифатида белгиланади.

Page View режимида топшириқ яратиш

Page view режимида топшириқ яратиш учун Edit | Tasks | Add Task тугмасини танлаш керак. Натияжада 11.2-расмда кўрсатилган дарча очилади. Очилган дарча хусусиятларини белгилаб, топшириқни яратиш мумкин.

Каталоглар рўйхати дарчаси ичида саҳифага топшириқ белгилаш

Каталоглар рўйхати дарчаси ичида бирор веб-саҳифа учун топшириқ белгилаш мумкин. Бунинг учун шу саҳифани белгилаб, Edit | Tasks | Add Task тугмаларини босинг.

Янги яратилаётган веб-саҳифа учун топшириқ белгилаш

Front Page дастурида янги веб-саҳифанинг яратилиш жараёнида ушбу саҳифа учун топшириқ белгилаш имконияти мавжуд. Ушбу усул анча осон ва оммабоп ҳисобланади. Бундай усул ёрдамида аввал веб-саҳифалар яратилади, сўнгра улар таҳрирланади. Ҳар бир саҳифанинг яратилиш жараёнида уларга топшириқ белгиланади. Ушбу усул ёрдамида аввал веб-сайтнинг таркибини яратиб олиб, сўнгра саҳифаларни алоҳида таҳрирлаб чиқиш мумкин.

Янги веб-саҳифаларни яратиш жараёнида уларга топшириқ белгилаш учун куйидаги амалларни бажариш лозим:

1. File | New тугмалари танланади. Очилган дарча ичидан More Page Templates тугмаси босилади.
2. Шаблонлар орасидан бирортасини танланг.
3. Шаблон танланган дарча ичида Just Add Web Task тугмасини белгилаб қўйинг, сўнгра OK тугмасини босинг.
4. Шундан сўнг Front Page дастури Save As дарчасини тақдим этади.
5. Саҳифа учун ном белгиланг.
6. Саҳифа сарлавҳасини ўзгартириш учун Change Title тугмасини босинг. Очилган дарча ичида сарлавҳа учун керакли ном киритинг ва OK тугмасини босинг.

7. Шундан сўнг Save тугмасини босиб, саҳифани сақланг ва натижани кузатинг.

Топширикни ўчириш

Бирор топширикни ўчириш учун уни белгилаб Delete тугмасини босиш кифоя, ушбу амални Edit | Delete тугмаларини танлаш орқали ҳам бажариш мумкин.

Топширикка хусусият белгилаш


Топшириклар панели дарчасидан топшириклар хусусиятларини ўзгартириш ҳамда уларнинг муҳимлик тартибини белгилаш мумкин. Топширик устига икки марта босиб ёки Edit | Task тугмасини танлаб, топширик дарчасини очиш мумкин. Ушбу дарча қўшимча Start Task тугмасига эга. Ушбу тугма фақат бирор аниқ веб-саҳифага белгиланган топширикларда акс эттирилади.

Ҳар бир топширик ўз хусусиятларига эга. Топширик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Edit Task Ушбу тугма топширик хусусиятларини белгилаш дарчасини акс эттиради.
- Start Task Ушбу тугма аниқ бирор саҳифа учун белгиланган топширикларда акс эттирилади. Тугманинг босилиши топширик белгиланган веб-саҳифани Front Page дастурида Design режимида очади. Ушбу амални, шунингдек Edit | Tasks | Start Task тугмасини босиш орқали ҳам бажариш мумкин.
- Mark Complete Ушбу тугма саҳифага белгиланган топширикни тугалланган сифатида белгилаб қўяди. Шунингдек, Not Started (бошланмаган), In Progress (бажарилмоқда) каби хусусиятлар ҳам мавжуд. Одатда, Completed (тугалланган) сифатида белгиланган топшириклар рўйхат янгилангандан сўнг экранда кўринмайди.
- Delete Task Ушбу тугма топширикни ўчириб ташлайди.

Топшириқни бажариш

Агар топшириқ бирон веб-саҳифага белгиланган бўлса, топшириқ дарчаси ичида Start Task тугмаси босилса, топшириқ белгиланган веб-саҳифа Design View режимида таҳрирлаш учун акс эттирилади. Саҳифа таҳрирланиб, Save тугмаси босилгандан сўнг Front Page дастури автоматик равишда куйдаги 11.3-расмдагидек дарчани тақдим этади.



11.3-расм. Топшириқни Completed (бажарилган) сифатида белгилаш.

Агар Yes тугмаси танланса, дастур веб-саҳифага белгиланган топшириқни Completed (туғалланган) сифатида белгилаб қўяди. Агар No тугмаси танланса, дастур веб-саҳифага белгиланган топшириқни In Progress (бажарилмоқда) сифатида белгилаб қўяди.

Ҳисобот панели орқали веб-сайтнинг кўздан кечириш

Front Page дастурида ҳисобот панелидан фойдаланиб веб-сайтнинг ташкиллаштириш ҳамда веб-саҳифаларнинг бошқариш имконияти мавжуд. Ҳисоботлар панели ёрдамида веб-саҳифалар ва веб-сайт билан юз берган муаммоларнинг кўздан кечириш ҳамда уларнинг олдини олиш мумкин [21].


Ҳисобот панелининг ҳосил қилиш

Ҳисоботлар панелининг экранда ҳосил қилиш учун Web site дарчаси ичида Reports бўлимини танлаш керак. Тугма босилгандан сўнг экранда куйдагича 11.4-расмда кўрсатилгандек дарча акс этади.

Web Site			
Site Summary *			
Name	Count	Size	Description
All files	12	10KB	All files in the current Web site
Pictures	28	235KB	Picture files in the current Web site (GIF, JPG, BMP, etc.)
Unlinked files	29	90KB	Files in the current Web site that cannot be reached by starting from your home page
Linked files	65	321KB	Files in the current Web site that can be reached by starting from your home page
Slow pages	0	0KB	Pages in the current Web site exceeding an estimated download time of 30 seconds at 56Kbps
Older files	0	0KB	Files in the current Web site that have not been modified in over 72 days
Recently added files	23	246KB	Files in the current Web site that have been created in the last 30 days
Hyperlinks	154		All hyperlinks in the current Web site
Unverified hyperlinks	0		Hyperlinks pointing to unconfirmed target files
Broken hyperlinks	0		Hyperlinks pointing to unavailable target files
External hyperlinks	0		Hyperlinks pointing to files outside of the current Web site
Internal hyperlinks	154		Hyperlinks pointing to other files within the current Web site
Component errors	1		Files in the current Web site with components reporting an error
Uncompleted tasks	10		Tasks in the current Web site that are not yet marked completed
Unused themes	0		Themes in the current Web site that are not applied to any file
Style Sheet links	0		All Style Sheet links in the current web site
Dynamic Web Templates	2		All files that are associated with a Dynamic Web Template

11.4-расм. Front Page дастури ҳисобот панели.

Шунингдек, алоҳида тоифага тааллуқли ҳисоботларни ҳам акс эттириш мумкин. Бунинг учун View | Reports дарчаси ичидан керакли тоифага тааллуқли ҳисобот турини танланг.




Ҳисобот хусусиятларини белгилаш

Ҳисобот панели орасида қуйидагича бўлимлар мавжуд: Slow Pages (секин юкланадиган саҳифалар), Recently Added Files (нисбатан кейинроқ қўшилган файллар), Older Files (эски файллар) ва ҳ.к.. Ушбу айтиб ўтилган ҳисобот панели хусусиятларини индивидуал равишда белгилаш мумкин. Бунинг учун Tools | Options ва Reports View бўлимига ўтиш керак 11.5-расм.

Очилган дарча ичида қуйидаги ҳисобот хусусиятлари ўзгартирилади:

- «Recent» files are less than Бу бўлимда веб-сайт таркибига нисбатан кейин қўшилган файллар кунни белгиланади. Белгиланган кун давомида қўшилган файллар дастур томонидан нисбатан янги файллар деб юритилади.
- «Older» files are older than Ушбу бўлимда эса эски файллар учун кун белгиланади. Белгиланган кун ўтгандан сўнг файллар дастур томонидан эски файллар деб юритилади.
- «Slow Pages» take at least Бу дарча ичида веб-саҳифаларни тўлиқ юкланиш вақтини белгилаш мумкин. Белгиланган вақт ичида тўлиқ юклана олмаган саҳифа секин юкланадиган саҳифа деб белгиланади.
- Assume connection speed of Саҳифанинг юкланиш тезлигини белгилаш дарчаси. Саҳифалар белгиланган тезлик билан юкланади ва текширилади. Белгиланган вақт ичида кўрсатилган тезлик билан тўлиқ юклана олмаган саҳифалар секин юкланадиган саҳифалар деб юритилади. Одатда, текшириш учун 56 Kbps тезлик белгилангани маъқул.
- Display gridlines when viewing reports Ҳисоботларни чегара чизиқлари билан ажратиш кўрсатиш имконияти.
- Usage data Front Page дастурида ҳисоботларнинг сақланиш ва кўрсатилиш даврийлигини белгилаш мумкин. Дарча ичида ой сонини белгилаш мумкин. Белгиланган ой ҳисобот маълумотлари умумий ҳисоботга киритилади. Ҳисоботлар диаграмма шаклида

акс эттирилиши учун Include chart when usage report is saved тугмасини танлаш керак.



11.5-расм. Reports View ҳисобот хусусиятларини белгилаш дарчаси.

Ҳисоботлар дарчасида файллар билан ишлаш

Ҳисобот дарчаси ичида бирор керакли ҳисоботни нусхасини олиш имконияти мавжуд. Бунинг учун ҳисобот устида сичқончанинг ўнг тугмасини босиш натижасида пайдо бўлган менюдан Copy Report тугмасини танлаш лозим. MS Excel ёки MS Word дастурларида нусхаси олинган ҳисоботни кўриш ва таҳрирлаш мумкин.

Ҳисобот устунларини режалаштириш

Ҳисобот дарчасида келтирилган устунлар кетма-кетлигини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун бирор устун бошини белгилаб, керакли жойга суриб ўтказиш керак. Устун сурилаётган янги жой “кулранг” ранг билан акс эттирилади. Устун керакли жойга олиб келинганидан сўнг сичқонча тугмасини кўйиб юборинг.

Web Site							
Recently Added Files				30 days			
Name	Title	Created Date	Modified By	Size	Type	Info	
new_page_2...	New Page 2	29.10.2005 13:11	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
left.htm	New Page 4	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
right.htm	New Page 5	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
left-right.htm	New Page 3	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
14.JPG	14.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	13KB	JPG		
14-1.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	3KB	JPG		photo
14.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	4KB	JPG		photo

Ҳисобот натижаларини саралаш

Front Page дастури ҳисобот устунлари файлининг номи, сарлавҳаси, яратилган санаси ва ҳ.к. хусусиятларига кўра саралаб акс эттиради. Тасаввур қилинг, веб-сайтингиз таркибида 100 дан ортиқ файл қатнашган. Шу файллар орасидан керакли файлни тез топиб олиш баъзи ҳолларда қийин кечиши мумкин. Чунки, одатда ҳисобот дарчасида барча файллар акс этирилади (11.6-расм).

Web Site							
Recently Added Files				30 days			
Name	Title	Created Date	Modified By	Size	Type	Info	
new_page_2...	New Page 2	29.10.2005 13:11	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
left.htm	New Page 4	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
right.htm	New Page 5	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
left-right.htm	New Page 3	01.11.2005 11:45	ITTC-SERVER\A...	1KB	htm		
14.JPG	14.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	13KB	JPG		
14-1.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	3KB	JPG		photo
14.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	4KB	JPG		photo
13.JPG	13.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	10KB	JPG		
13-1.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	4KB	JPG		photo
real_p.htm	This is the page	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	4KB	htm		photo
14-2.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	3KB	JPG		photo
13.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	3KB	JPG		photo
14-3.JPG	14-3.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	4KB	JPG		
14-1.JPG	14-1.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	7KB	JPG		
14-2.JPG	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	3KB	JPG		photo
real.htm	This is the page	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	5KB	htm		
14-3.JPG	14-3.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	2KB	JPG		
real_p.htm	photogallery/photo00003...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	5KB	htm		
14-2.JPG	14-2.JPG	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\A...	20KB	JPG		

11.6-расм. Recently Added Files ҳисобот дарчаси.

Front Page дастури ҳисобот файлларини уларнинг фарқли томонларига кўра саралаб акс эттириш имкониятига эга. Аҳамият беринг, ҳар бир ҳисобот устуни бошида пастга қараган учбурчак белгиси мавжуд.

Web Site

Recently Added Files ▾ 10 days ▾

Name ▾	Title ▾	Created Date ▾	Modified By ▾	Size ▾	Type ▾
real.htm	This is the page	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	5KB	htm
real_p.htm	This is the page	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	4KB	htm
real_x.htm	photogallery/photo00593...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	5KB	htm
14-3.JPG	photogallery/photo00593...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	3KB	JPG
14-2.JPG	photogallery/photo00593...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	3KB	JPG
14-1.JPG	photogallery/photo00593...	05.11.2005 8:57	ITTC-SERVER\...	3KB	JPG

Ушбу айтиб ўтилган асбоб ёрдамида устун натижаларини саралаб акс эттириш мумкин:

Web Site


Recently Added Files ▾ 10 days ▾

Name ▾	Title ▾	Created Date ▾	Modified By ▾	Size ▾	Type ▾	In Folder ▾
About.htm	About Me Link	22.05.2006 17:17	ITTC-SERVER\...	1KB	htm	...
arctic.inf	_themes/arctic/arctic.inf	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	2KB	(Custom...)	...
arctic.utf8	_themes/arctic/arctic.utf8	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	css	...
background...	_themes/arctic/background...	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	htm	...
banner_arct...	_themes/arctic/banner_arct...	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	4KB	inf	...
bul1_arctic.gif	_themes/arctic/bul1_arct...	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	gif	...
bul2_arctic.gif	_themes/arctic/bul2_arct...	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	gif	...
bul3_arctic.gif	_themes/arctic/bul3_arct...	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	gif	...
color0.css	_themes/arctic/color0.css	22.05.2006 17:13	ITTC-SERVER\...	1KB	css	...

Келинг, энди натижани саралаш хусусиятларини кўриб ўтамыз:

- All Барча файлларни акс эттиради;
- A list of all unique values Файлларнинг асосий қисми бир хил турдаги файллар бўлиши мумкин. Бир файл турини тавлаб, барча шу турга мансуб файлларни акс эттириш мумкин. Аксарият ҳолларда GIF, JPG, HTML турдаги файллар ишлатилади.

- Custom... Ушбу тугмани фаоллаштириб, исталган хусусият бўйича файлларни саралаб акс эттириш мумкин. Ушбу тугманинг танланиши қуйидаги дарчани акс эттиради:



Керакли хусусиятларни белгилаш учун қуйидаги услубдан фойдаланинг:

1. Дарчанинг чап юқори қисмдаги бўлим ичида қуйидаги хусусиятлардан бирини танланг: Equal, Not Equal, Is Greater Than, Is Less Than, Begins With, Does Not Begin With, Ends With, Does Not End With, Contains ва Does Not Contain.
2. Файл таққосланиши керак бўлган қийматни дарчанинг ўнг юқори қисмидаги бўлимдан танланг. Бўлим ичидан керакли қийматни танлаш ёки дарча ичига керакли қийматни ёзиб қўйиш мумкин.
3. Агар файлни қўшимча хусусиятлар бўйича таққосламоқчи бўлсангиз, пастдаги бўлимлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Тепа ва паст бўлимлар орасидаги And тугмасини белгилаб, дастурга иккала юқори ва қуйи бўлим қийматлари бўйича натижалар таққосланиши кераклигини белгилаймиз. Or тугмасини танлаб эса дастурга юқори ёки қуйи бўлим қийматлари бўйича файлларни таққослаш кераклигини белгилаймиз.
4. OK тугмасини босинг ва натижани кузатинг.

Ҳисобот панели умумлашган натижаларни билан танишув

Ҳисобот панели Site Summary дарчаси веб-сайт умумий ҳисоботини акс эттиради. Ушбу дарча веб-сайт умумий ҳолати ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш учун жуда қулай ҳисобланади. Бу ерда бирор ҳисобот турини танлаб,

уни алоҳида акс эттириш мумкин. Лекин айрим ҳисобот турлари Site Summary дарчасида батафсил маълумот тақдим этмайди. Келинг, шундай ҳисобот турлари билан яқинроқ танишамиз:

- **Pictures** Веб-сайт таркибида ишлатилган умумий график расмлар сони. Файллар рўйхати All Files бўлимида келтирилган.
- **Linked Files** Гипербоғлиқлар мурожаат қилиши мумкин бўлган файллар сони.
- **Hyperlinks, Unverified hyperlinks, External hyperlinks, Internal hyperlinks, Broken hyperlinks** Келтирилган рўйхатлар барчаси Hyperlinks ҳисобот дарчасини акс эттиради. Очилган Hyperlinks дарчаси ичидан бузилган ёки ишламаётган гипербоғлиқлар хусусиятларини ўзгартиришингиз мумкин.
- **Uncompleted tasks** Ўлбу тугмани танлаш, топшириқлар панели дарчасини акс эттиради.
- **Unused themes** Веб-сайт билан ишлаш жараёнида безак мавзусидан фойдаланиб, кейинроқ безак мавзусидан воз кечган бўлишингиз мумкин. Дастур ҳар эҳтимолга қарши, безак мавзуси файлларини веб-сайт таркибида сақлаб қолади. Кераксиз безак мавзуси файлларини ўчириб, веб-сайт таркиби ва ҳажмини енгиллаштириш учун Unused themes тугмасини босинг. Дастур “кераксиз безак мавзуси файлларини ўчирмоқчимисиз” деган сўров дарчасини тақдим этади. Yes деб жавоб берсангиз, дастур кераксиз файлларни ўчириб ташлайди.

Site Summary дарчаси куйидаги устунларга эга:

- **Name** Ҳисобот номи.
- **Count** Ҳисобот таркибидаги файлларнинг умумий сони.
- **Size** Акс эттириляётган устун таркибидаги файлларнинг ҳажми.
- **Description** Акс эттириляётган маълумотнинг изоҳи.

Файллар ҳисоботи

Файллар ҳисоботи (Files) ўз таркибида қуйидаги ҳисобот турларини акс эттиради: All Files, Recently Added Files, Recently Changed Files и Older Files.

All Files ҳисобот бўлими

All Files ҳисобот бўлими веб-сайт таркибидаги барча файллар рўйхатини акс эттиради (11.7-расм). All Files ҳисобот бўлими дарчасида Name, Title, Comments устун таркибидаги маълумотларни ўзгартиришингиз мумкин. Бунинг учун Name, Title, Comments таркиби устида сичкончани бир марта босиб, икки сония кутиб яна бир марта босинг. Шундан сўнг таркибга ўзгартириш киритишингиз мумкин.

All Files ҳисобот бўлими бир неча устунлардан ташкил тошган. Келинг, шу устунларнинг айримларини нима учун хизмат қилишини кўриб ўтамиз:

- Title Файл сарлавҳаси акс этадиган манзил. Агар файлимиз веб-саҳифа бўлса, шу веб-саҳифанинг сарлавҳаси акс этади. Агар бу оддий файл бўлса, файлнинг номи акс энтиради.
- Type Файл тури. Веб-саҳифалар HTML кенгайтмасига эга. График файлларимиз JPG, GIF ва ҳ.к. кенгайтмасига эга бўлади.
- Total Hits Счетчик (Ҳисоблагич). Файлнинг неча марта босилганлигини санаш имконияти.

All Files ҳисобот дарчаси ичида акс энтирилаётган файлларни шу ернинг ўзидан очиш имконияти мавжуд. Бунинг учун файлнинг устида сичкончанинг чап тугмасини икки марта босиш керак. Файл ўз тури учун белгиланган таҳрирлаш дастурида очилади. Мисол учун HTML файллар Front Page дастурида очилади.

Бунинг учун Tools | Options | Report Views тугмаларини босиш керак ва очилган дарча ичида кунни ўзгартириш керак.

Муаммолар ҳисобот дарчаси

Муаммолар ҳисобот дарчаси қуйидаги ҳисобот турларини ўз ичига олган: Unlinked Files (Гипербоғлиқсиз файллар), Slow Pages (Секин юкланадиган файллар), Hyperlinks (Гипербоғлиқлар), Component Errors (Компонент хатолари).

Unlinked Files ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси муружаат қилиб бўлмайдиган веб-саҳифалар рўйхатини акс эттиради. Бунинг сабаби, айрим веб-саҳифалар гипербоғлиқларининг носозлиги ёки уларнинг ўчириб ташланганлиги бўлиши мумкин. Ҳисобот дарчаси ёрдамида, шунингдек, веб-саҳифа таркибида фойдаланилмаган график файллар рўйхати ҳам келтирилади. Ишлатилмаган график файлларни ўчириб ташлаб, компьютер хотирасини бўшатиш мумкин. Бунинг учун ўчириш талаб этилган файлни белгилаб, Delete тугмасини босинг.

Slow Pages ҳисобот дарчаси

Slow Pages ҳисобот дарчаси нисбатан секин юкланадиган саҳифалар рўйхатини акс эттиради. Веб-сайт яратиш жараёнида фойдаланувчининг Интернетта уланиш тезлиги катта бўлмаслиги мумкинлигини эсда тутиш лозим. Фойдаланувчилар веб-саҳифанинг тўлиқ юкланишини кутиб чарчашлари ва бошқа веб-саҳифаларга ўтиб кетишлари мумкин. Секин юкланадиган саҳифани қайта таҳрирлаш учун унинг устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босинг, натижада саҳифа Design View режимида акс эттирилади.

Саҳифанинг текширилиш тезлигини ўзгартириш учун Tools | Options | Reports View | Assume Connection Speed Of тугмасини босиш

керак. Очилган дарча ичида Интернетга улаиш тезлиги белгиланади. Slow Pages ҳисобот дарчасида Name ва Title устунлари қийматларини ўзгартириш мумкин.

Hyperlinks ҳисобот дарчаси

Hyperlinks ҳисобот дарчаси веб-сайт таркибидаги барча гипербоғликлар ҳақидаги маълумотни акс эттиради. Гипербоғликларга тааллуқли маълумотни акс эттирадиган бошқа ҳисобот дарчалари ҳам мавжуд. Булар: Broken Hyperlinks, Unverified Hyperlinks, External Hyperlinks, Internal Hyperlinks. Шулар ичида энг қулай ҳисобот дарчаси сифатида Broken Hyperlinks ёки Unverified Hyperlinks ҳисобот дарчасини келтириб ўтиш мумкин. Улар ёрдамида ишламаётган гипербоғликларни топиб, муаммони бартараф қилиш имконияти мавжуд (11.8-расм).

Status	Hyperlink	In Page	Page Title	Description	Type	Modified By
Broken	1.jpg	About Me.htm	About Me	Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar
Broken	h	About Me.htm	About Me	Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar
✓ OK	mainef_dien...	mysite/jhe...		Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar
✓ OK	mainef_dien...	mysite/jhe...		Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar
✓ OK	mainef_dien...	mysite/jhe...		Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar
✓ OK	mainef_dien...	mysite/jhe...		Internal	Image	ITTC-SERVER\jshar

11.8-расм. Hyperlinks ҳисобот дарчаси.

Hyperlinks ҳисобот дарчаси қуйидаги устунлардан ташкил топган:


- Status Гипербоғлик ҳолати. Broken, Unknown ёки OK сифатида бўлиши мумкин.
- Hyperlink Гипербоғлик жойлашган манзил.
- In Page Гипербоғлик жойлашган файл номи.
- Page Title Гипербоғлик жойлашган файл сарлавҳаси.
- Link Type Гипербоғлик тури.
- Modified By Гипербоғлик жойлашган саҳифани охириги марта таҳрирлаган киши исми.

Айтиб ўтилган устун қийматларини ўзгартиришнинг иложи йўқ.

Repair Broken Hyperlinks ҳисобот дарчаси

Repair Hyperlinks ҳисобот дарчаси ичидан туриб бемалол носоз гипербоғликларни таҳрирлаш имконияти мавжуд. Бунинг учун қуйидаги амалларни бажаринг:

1. Носоз гипербоғлик устида сичқонча чап тугмасини икки марта босинг ва Edit Hyperlink тугмасини танланг.



2. Очилган Edit Hyperlink дарчаси Replace hyperlink with бўлимига гипербоғлик мурожаат қилиши керак бўлган тўғри манзилни киритинг. Бунинг учун Browse тугмасидан фойдаланишингиз ҳам мумкин.
3. Гипербоғликни фақат белгиланган саҳифада ўзгартириш учун Change In Selected Pages, барча веб-саҳифаларда ўзгартириш учун Change In All Pages тугмасини танланг.
4. Change In Selected Pages танлангандан сўнг шу веб-саҳифани танлаш талаб этилади.
5. Шундан сўнг Replace тугмасини босинг.

Гипербоғликни у жойлашган веб-саҳифанинг ўзидан ҳам ўзгартириш мумкин.

Broken Hyperlinks дарчасида гипербоғлик хусусиятларини ўзгартириш мумкин. Бунинг учун гипербоғлик устида сичқончанинг ўнг тугмасини

босиб, Edit Page тугмасини танланг. Натижада гипербоғлиқ жойлашган саҳифа очилади. Гипербоғлиқ хусусиятлари дарчасини ҳосил қилинг ва керакли ўзгартиришларни киритинг.

Shared Content ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси қуйидаги бўлимлардан иборат:


- **Dynamic Web Templates** веб-саҳифага бириктирилган динамик шаблонни акс эттиради.
- **Shared Borders** Ушбу бўлим веб-саҳифа қайси Shared Border чегарасидан фойдаланаётганини кўрсатади (мисол учун: чап томон, қуйи ёки юқори қисми).
- **Style Sheet Links** Саҳифанинг CSS файллари билан боғланганлигини акс эттиради.
- **Themes** Саҳифага бириктирилган безак мавзусини акс эттиради.

Workflow Reports ҳисобот дарчаси

Front Page дастури веб-сайт бошқарувида фойдали бўлган яна бир нечта ҳисобот дарчаларига эга. Булар қуйидагилар: Review Reports, Assigned To, Categories, Publish Status.

Review Status ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси веб-сайт таркибида ишлатилган барча файллар ва уларнинг таҳрирланиш даражасини акс эттиради (11.9-расм).



Name	Title	Review Status	Assigned To	Review Date	Reviewed By
left.htm	New Page 4	Approved	ITTC-SERVE...	22.11.2005 1...	ITTC-SERVER...
interest.htm...	overlay/interest.htm...	Denied	ITTC-SERVE...	22.11.2005 1...	ITTC-SERVER...
interest.htm	interests	Pending Review	ITTC-SERVE...	22.11.2005 1...	ITTC-SERVER...

11.9-расм. Review Status ҳисобот дарчаси.

Ушбу ҳисобот дарчаси турли устунлардан иборат. Келинг уларнинг айримлари билан танишамиз:

- Review Status Ушбу устун файлнинг тахрирланганлик даражасини акс эттиради.
- Assigned To Ушбу устунда саҳифани тахрирлашга масъул кишининг исми келтирилади.
- Review Date Веб-саҳифанинг охириги тахрирланиш санаси.
- Reviewed By Веб-саҳифа таркибига охириги марта ўзгартириш киритган киши.
- Expiration Date Тугалланиш санаси. Файл учун тугалланиш санаси белгилаш мумкин. 3 турдаги сана тури мавжуд. None тури танланганда, файл ҳеч қачон тугалланган деб ҳисобланмайди. Custom тури танланса, Front Page дастури сана белгилаш дарчасини акс эттиради. Очилган дарча ичида исталган санани белгилаш мумкин. Белгиланган сана тугагандан сўнг Expired тури танланиб қолади.

Assigned To ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси веб-саҳифага масъул инсоннинг маълумотларини акс эттиради ва қуйидаги устунлардан ташкил топади:

- Assigned To Масъул инсоннинг исми. Ушбу маълумотни ўзгартириш учун устун дарчасига бошқа инсоннинг исмини киритишингиз мумкин.
- Assign Date Веб-саҳифага масъул инсон тайинланган сана.
- Assigned By Веб-саҳифа таркибига охириги марта ўзгартириш киритган инсон исми акс эттириладиган устун.

Publish Status ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси веб-сайт таркибида ишлатилган барча файллар рўйхатини акс эттиради. Ушбу ҳисобот дарчаси файлларни нашр қилиниш хусусиятларини назорат қилади. Файл Publish сифатида белгиланган бўлса, ушбу файл нашр қилиниш хусусиятига эга бўлади. Агар файл Don't Publish

сифатида белгиланган бўлса, ушбу файл нашр қилинмайди. Шунингдек, ушбу ҳисобот дарчаси ичида Review Status устуни мавжуд. Ушбу устун қийматини ўзгартириш имконияти мавжуд (11.10-расм).

Web Site								
Publish Status								
Name	Title	Publish	Modified Date	Review Status	Size	Type		
index.htm	index.htm	Publish	22.11.2005 16:04	Approved	4B	htm		
14-1.jpg	photogallery/photos003...	Publish	10.10.2005 13:54		5B	JPG		
favorites.htm	Favorites	Publish	22.11.2005 16:03	Approved	0.5	htm		
nav_for_ove...	mysite/themes/extra/na...	Publish	03.10.2005 11:35		3.5	gif		
nav_for_ove...	mysite/themes/extra/na...	Publish	03.10.2005 11:35		2.5	gif		
14.jpg	photogallery/photos003...	Publish	10.10.2005 13:54		4.5	JPG		
right.htm	Right Page	Publish	22.11.2005 16:03	Denied	0.5	htm		

11.10-расм. Publish Status ҳисобот дарчаси.

Checkout Status ҳисобот дарчаси

Агар бир нечта инсонларга веб-саҳифани таҳрирлаш имконияти яратилган бўлса, ушбу ҳисобот дарчаси ичида саҳифанинг таҳрирланиш даражаси билан танишиш мумкин.

Usage Reports ҳисобот дарчаси

Usage Report ҳисобот дарчаси фойдаланувчиларнинг сиз яратган веб-саҳифаларингизга ташриф буюриш сонини аниқлашда ёрдам беради. Ушбу ҳисобот дарчаси ташриф буюрувчиларни 3 хил усулда аниқлайди: Time Based Summaries, Page Hits ва General Information Counts.

Time-Based Summary Reports ҳисобот дарчаси

Ушбу ҳисобот дарчаси қуйидаги бўлимлардан ташкил топган: Usage Summary, Monthly Summary, Weekly Summary ва Daily Summary.

Usage Summary бўлими сайтга умумий ташриф буюришлар сони, ташриф буюрувчиларнинг қайси браузерлардан фойдаланишлари ҳақидаги маълумотларни акс эттиради.

Веб-саҳифаларга ташриф буюришларни кунда ва ҳафтадаги статистикаси маълумотлари билан ҳам танишиш мумкин. Бунинг учун Weekly Summary, Daily Summary бўлимларидан фойдаланиш керак.

Monthly Usage Summary бўлимида маълумот қуйидагича устунларда тақсимланган:

- **Month** Маълумот келтирилган ой. Йил ойлари сонини акс эттириш хусусиятларини ўзгартириш учун Tools | Options тугмасини танлаб Reports View дарчасини ҳосил қилинг ва Number of Month Shown дарчасида ой сонини киритинг.
- **Visits** Белгиланган ой ичида саҳифага ташриф буюришлар сони.
- **Hits** Мазкур ойда саҳифага алоҳида ташриф буюришлар сони.
- **Total Hits** Мазкур ойда саҳифага умумий ташриф буюришлар сони.
- **Download Size** Мазкур ойда веб-сайтдан юкланган умумий маълумот ҳажми.

Page Hits Reports ҳисобот дарчаси

Page Hits (саҳифага кириш) уч турдаги ҳисоботни акс эттира олади. Monthly Page Hits, Weekly Page Hits ва Daily Page Hits. Ушбу ҳисобот турларининг ҳар бири маълумотларни Name (файл номи), Title (файл сарлавҳаси), In Folder (файл қайси каталог ичида жойлашганлиги) ва Total Page Hits (саҳифанинг умумий танланиши) каби устунларда акс эттиради.

Monthly Page Hits ҳисобот тури маълумоларни йил ойларига нисбатан акс эттиради. Weekly Page Hits ҳисобот тури маълумотни ҳар ҳафта бўйича акс эттиради. Daily Page Hits ҳисобот тури маълумотни кунлик ҳисоботини чиқаради.


General Information Count Report ҳисобот тури

Ушбу ҳисобот дарчаси қуйидаги мезоний маълумотлари статистикасини тўплаш учун хизмат қилади: Веб-сайтга ташриф буюрган умумий фойдаланувчилар сони, фойдаланувчилар операцион тизими, фойдаланилган броузер дастури номи, боғланадиган домен номи, URL манзиллар ва ҳ.к.. Ушбу панел таркибида қуйидаги турдаги маълумотлар акс эттирилади:

- **Count** Маълум вақт оралиғидаги юқорида айтилган мезоний маълумотлари йиғиндиси.
- **Percentage** Барча тўпланган маълумотнинг фоиз ҳисобидаги натижаси.

Usage Reports ҳисоботининг график кўринишида акс эттириш

Маълумки, статистик маълумотни кўриш жараёнида умумий ҳолат ҳақида тасаввурга тўлиқ эга бўлиш қийин. Маълумот жуда узун рўйхат шаклида келтирилган вазиятда маълумотни осон тушуниш шаклига келтириш учун график ва диаграммалардан фойдаланиш тавсия этилади. Тўпланган маълумотни график ёки диаграмма кўринишига келтириш учун ҳисобот дарчаси ўнг юқори қисмидаги график тугмасини танлаш керак (11.11-расм).



11.11. Диаграмма турини танлаш.

12-дарс. Веб-сайтни нашр қилиш

Веб-сайт нашри:

- Host Server га нашр қилиш;
- Front Page Server Extensions имкониятига эга серверга нашр қилиш;
- FTP Server га нашр қилиш.


Веб-сайтни Host Server га нашр қилиш

Интернетда жойлашган асосий сервер (host server) тасдиғини олганингиздан сўнг веб-сайтнингизни унга нашр қилишингиз мумкин. Front Page дастури орқали бу ишни осонгина амалга ошириш мумкин. Веб-сайтни асосий серверга (host server) нашр қилиш учун 3 та асосий маълумотга эга бўлиш керак:

- URL манзил. Веб-сайт нашр қилинмоқчи бўлган манзил.
- Асосий серверда (host server) рўйхатдан ўтган фойдаланувчи номи.
- Асосий серверда (host server) регистрация жараёнида қабул қилинган парол [22].

Front Page Server Extensions имкониятига эга серверга нашр қилиш

Front Page дастури ёрдамида веб-сайтни нашр қилиш учун асосий сервер (host server) Front Page Server Extensions (Front Page дастури қўшимча хизматлари) имкониятига эга бўлиши керак. Агар асосий сервер ушбу хизмат турига эга бўлса, Front Page дастуридан туриб нашр қилиш жараёнида кўп имкониятлар яратилади. Мисол учун, локал компьютер каталогидан туриб, асосий сервер каталогига нашр қилиш имконияти, веб-сайт таркибидаги файлларни локал каталогга нашр қилиш ва тескариси, ҳаттоки етишмаётган файлларнинг ўзини ҳам алмашиш имконияти яратилади. Айтиб ўтилган барча амалларни Remote Web Site View дарчаси ичида амалга ошириш мумкин (12.1-расм).




12.1-расм. Remote Web Site View дарчаси.

Масофадаги веб-сайт хусусиятларини белгилаш

Remote Web site дарчасини акс эттириш учун ушбу номли тугмани экраннинг куйи қисмидан танланг. Натижада, дастур Remote Web site дарчасини акс эттиради. Агар ушбу режим хусусиятлари белгиланмаган

бўлса, экранда Remote Web site хусусиятларини белгилаш дарчаси акс этади (12.2-расм).

Remote Web site хусусиятлари бир марта белгилаб қўйилгандан сўнг дастур ушбу номли тугма босилганда, Remote Web site хусусиятларини белгилаш дарчасини акс эттирмайди.




12.2-расм. Remote Web site хусусиятларини белгилаш дарчаси.

Remote Web Site Properties дарчаси хусусиятларини белгилаш жараёнида қуйидаги маълумотларга аҳамият беринг:

1. Асосий сервер (host server) Front Page or SharePoint Services хизматини таклиф эта олса, ушбу бўлимни танланг.
2. Нашр қилинаётган веб-сайт манзилини Remote Web site location дарчасига киритинг. Ушбу дарчага тўлиқ манзил киритилиши керак. Манзил http:// протокол номидан бошланади.

3. Агар асосий сервер (host server) Encrypted connection имкониятига эга бўлса, ушбу тугмани танланг.

Агар сиз нашр жараёни хусусиятларини ўзгартирмоқчи бўлсангиз Remote Web site Properties дарчаси Publishing бўлимини танланг. Натижада экранда қуйидаги дарча пайдо бўлади (12.3-расм).




12.3-расм Remote Web Site Properties дарчаси Publishing бўлими.

Ушбу дарча ичида қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- **Publish Changed Pages Only** Ушбу бўлимни танлаб, фақат ўзгарган файлларни нашр қилиш мумкин. Бундан ташқари яна Publish All Pages, Overwriting Pages Already On Destination бўлимлари ҳам мавжуд.
- **Include Subwebs** Веб-сайт таркибидаги веб-сайтларни ҳам нашр қилишни истасангиз ушбу бўлимни ҳам танлаб қўйинг.

- Determine changes between source and target Agar faqat ўzgarган файлларни нашр қилишни истасангиз, дастурга ўзгарган файлларни таққослаш усулини белгилаб қўйинг. Бунинг учун икки хил таққослаш усулидан фойдаланиш мумкин: Determine changes between source and target ва Use Source File Timestamps To Determine Changes Since Last Publish.
- Log the publishing changes Agar нашр қилинган файллар номлари рўйхатини сақлаб қўйишни истасангиз Log Changes During Publish бўлимини танланг.

Агар веб-саҳифа HTML кодни тушунмасангиз, лекин ундаги ортиқча маълумотларни олиб ташлаб, HTML кодни соддалаштирмоқчи бўлсангиз Remote Web Site Properties дарчаси Optimize HTML бўлимидан фойдаланишингиз мумкин:



Ушбу бўлим имкониятларидан фойдаланиб HTML ортикча кодларини тозалаш мумкин. Бунинг учун келтирилган дарча ичидан қайси кодларни тозалаш кераклигини белгилаш лозим ва ОК тугмасини босиш керак.

Веб-сайтни нашр қилиш жараёни

Масофадаги асосий серверга (host server) уланиш хусусиятларини белгилаб олганингиздан сўнг веб-сайтни нашр қилишни бошлаш мумкин. Қуйидаги мавжуд тугмалардан бирини танлаб нашр қилиш бошланади:

- **Local to Remote** Компьютердан асосий (host server) серверга файлларни нашр қилиш тугмаси.
- **Remote to Local** Асосий (host server) сервердан локал компьютерга файлларни нашр қилиш.
- **Synchronize** Ушбу тугма иккита веб-сайт орасидаги (асосий сервер ва локал компьютер) файлларни солиштириб янгиланган файлларнинг ўзинигина бир-бирларига нашр қилади.

Remote Web Site Properties дарчаси веб-сайтнинг нашр жараёнига доир кўп фойдали маълумотларни акс эттиради. Аҳамият берсангиз, ҳар бир файлнинг чап томонида турли иконкалар акс эттирилган:

- **Blank** Файл олдида ҳеч қандай иконка акс эттирилмаган. Бу дегани ушбу файл ҳеч қаерга нашр қилинмайди. Чунки бунга ҳожат йўқ, ушбу файл веб-сайт таркибига киритилган.
- **Right Arrow** Ўнг томонга йўналтирилган кўрсаткич шаклидаги иконка. Ушбу иконка турган файл локал компьютердан сервер компьютерга нашр қилинади.
- **Left Arrow** Чап томонга йўналтирилган кўрсаткич шаклидаги иконка. Ушбу иконка турган файл асосий сервер компютеридан локал компьютерга нашр қилинади.
- **Red Circle with X** Доира ичида X шаклидаги иконка. Ушбу иконка акс эттирилган файл ҳеч қаерга нашр қилинмайди. Ушбу файл учун Don't Publish «Публикация (нашр) қилинмасин» хусусияти

белгиланган. Ушбу файл учун қайта шу хусусиятнинг танланиши амални бекор қилади ва файл нашр қилиниш хусусиятига эга бўлади.

Remote Web Site Properties дарчаси бир неча устунлардан ташкил топган. Аҳамият беринг, Status устуни локал компьютердаги файлларни асосий сервердаги файллар билан солиштириб, улар орасидаги фарқни намоён қилади. Устун қуйидаги қийматларга эга:

- New Файл ҳеч қачон нашр қилинмаган.
- Changed Ушбу файл аввал нашр қилинган, лекин ушбу файлга ўзгартириш киритилган.
- Unchanged Ушбу файл аввал нашр қилинмаган ва ўзгартирилмаган ҳам.
- Conflict Ушбу қиймат асосий сервердаги файл локал компьютердаги файлда янгироқ бўлса акс эттирилади.

Веб-сайтни нашр қилиб бўлганингиздан сўнг масофадаги веб-сайт таркибини View Your Remote Web Site тугмасини босиш орқали кўриб чиқишингиз мумкин. Тугма Remote Web Site Properties дарчаси қуйи чап томонида жойлашган. Шунингдек, масофадаги веб-сайт таркибини Front Page дастурида ҳам очиб кўриш имконияти мавжуд. Бунинг учун Open your Remote Web site in Front Page тугмасини танлаш керак.

Алоҳида файлларни нашр қилиш

Локал компьютердан масофадаги веб-сайт жойлашган компьютерга алоҳида файлларни нашр қилиш имконияти мавжуд. Бунинг учун қуйидаги амаллардан бирини бажаринг:

- Click one of the arrows 3 турдаги кўрсаткичдан бирини танланг. Remote Web Site Properties дарчаси ўнг паст қисмидаги уч турдаги кўрсаткичлар файлларни нашр қилиш учун мўлжалланган.
- Use Shortcut menu Файл устида сичқончанинг ўнг тугмасини босинг ва Publish Selected Files (файлни нашр қилиш) тугмасини

танланг. Файлларни солиштириб, нашр қилиш учун Synchronize Selected Files тугмасини танланг.

- Drag and Drop the Files Керакли файлни белгилаб сичқонча тугмасини босиб туриб, масофадаги асосий сервер дарчасига суриб олиб бориш орқали файлларни нашр қилиш мумкин.

Файл устида сичқонча ўнг тугмасини босиб, турли файл хусусиятларини ўзгартириш ҳам мумкин. Мисол учун файл номини ўзгартириш, файлни ўчириш ва ҳ.к..

Масофадаги веб-сайт таркибини саралаб кўриш

Remote Web Site дарчаси чап юқори қисмидаги дарча ичидан файл ва каталогларнинг кўриниш хусусиятларини белгилаш мумкин. Дарча ичида қуйидаги кўриниш турларини танлаш имконияти мавжуд:

- Folder Contents Барча файл ва каталогларни акс эттиради.
- Files to Publish Фақат нашр қилиниши керак бўлган файллар рўйхати кўринади.
- Files not to Publish Барча Don't Publish «Публикация (нашр) қилинмасян» хусусияти белгиланган файллар рўйхати акс этирилади.
- Files in Conflict Муаммоли файллар рўйхати кўрсатилади.

FTP Server га нашр қилиш

Агар асосий сервер (host server) Front Page Server Extensions хизматини тақлиф эта олмаса, файлларни FTP (File Transfer Protocol) протоколи орқали нашр қилиш мумкин.

FTP протоколи орқали файлларни нашр қилиш учун қуйидаги амаллардан фойдаланинг:

1. Remote Web Site дарчаси ичида Remote Web Site Properties дарчасини акс эттиринг.
2. Очилган дарча ичида нашр қилишнинг FTP усулини танланг.

3. Веб-сайт нашр қилиниши лозим бўлган аниқ манзилни URL кўрсатинг, унинг номи ftp:// протоколи билан бошланади.
4. Бундан ташқари масофадаги веб-сайт FTP каталоги аниқ манзилини ҳам кўрсатиб, Use Passive FTP тугмасини танланг. Бундай уланиш тури анча хавфсизроқ ҳисобланади.
5. Remote Web Site Properties дарчаси Publishing бўлими ичида керакли хусусиятларини белгиланг.
6. ОК тугмасини босиб, Remote Web Site View дарчасига қайтинг.
7. Файлларни нашр қилишни бошланг (локал компьютердан асосий сервер компьютерига ёки тескариси). Интернетга уланган бўлсангиз, Front Page дастури “фойдаланувчи номи” ва “парол” киритишни сўраганда ушбу маълумотларни киритинг.
8. Шундан сўнг Front Page дастури файлларни нашр қилишни бошлайди. Публикация (нашр) жараёни тугагандан сўнг View Your Remote Web Site тугмасини босиб, натижани текширишингиз мумкин.

Фойдали маслаҳатлар

Хурматли веб-дизайнер. Веб-сайт яратишдан олдин айрим нарсаларни ўзингиз учун аниқлаштириб олинг. Булар қуйидагилар:

Қуйидаги 5 та саволга жавоб беришга уриниб кўринг:

- Веб-сайт яратишдан кўзланган мақсад нима?
- Веб-сайт кимга мўлжалланган (аудитория) ?
- Веб-сайт қандай маълумотлардан ташкил топади?
- Веб-сайт ёрдамида нималарга эришмоқчисиз?
- Веб-сайтга ташриф буюрган фойдаланувчилар нимага эришади?

Юқоридаги саволларга берилган жавоблар ишингизни анча енгиллаштиради ва яратилаётган веб-сайт тўғрисида янада аниқ фикрга эга бўлишингизга ёрдам беради.

Сайт таркибини ташкиллаштириш

Веб-сайт ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиб, унинг таркибини аниқлаб олганингиздан сўнг веб-сайт алоҳида қисмларини лойиҳалаш ва уларнинг ўзаро бир-бири билан алоқасини яратишни бошлаш мумкин.

Веб-сайт яратишни бошлашдан олдин барча таркибий маълумотларни тўплаб олган маъқул. Лекин афсуски, бунинг ҳар доим ҳам имконияти йўқ. Веб-сайт таркибига кирадиган барча маълумотларни, унинг таркибий бўлимларини, қўлланиши кўзда тутилган барча элементларни қоғозга ёзиб, веб-сайт таркиби ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим. Барча маълумотлар қоғозда ўз аксини топгандан сўнг веб-сайтнинг ташкилий тузилмасини яратишга киришиш мумкин.

Файллар бошқаруви

Веб-сайт таркиби қоғозда тайёр бўлгандан сўнг барча файл ва каталоглар таркибини умумий кўринишини тайёрлаб олиш керак. Агар яратилаётган веб-сайт шахсий веб-сайт бўлиб, бир неча график файллар ва

веб-саҳифалардан ташкил топган бўлса, уларни барчасини бир каталог ичида умумлаштирилган ҳолда сақлаш мумкин. Лекин веб-сайтнинг вақт ўтиши билан ривожланиб бориши натижасида барча файлларни битта каталогда сақлаш салбий оқибатларини келтириб чиқариши мумкин, яъни керакли файлларни топиш қийинлашиши ва ҳ.к.. Шу мақсадда каталогларни тури бўйича ажратиш зарурияти туғилиши мумкин. Файлларни алоҳида турланиши бўйича режалаштириб, алоҳида каталогларда сақлаш веб-сайт ва аниқ файллар билан ишлашда анча қулайликларни яратади. Файл ва каталогларни ташкил этишнинг аниқ қондаси йўқ. Барча ўз веб-сайти таркибидан келиб чиққан ҳолда, файл ва каталоглар таркибини ташкиллаштиради. Ўзингизга маъқул тарзда файл ва каталоглар таркибини яратинг ва ундан фойдаланинг. Файл ва каталоглар таркибини шундай ташкиллаштирингки, кейинчалик веб-сайт таркибига осонгина файл ёки каталог қўшиш мумкин бўлсин.

Файлларни номлаш тартиби

Веб-сайт файл ва каталогларини номлашда қуйидаги қоидаларга амал қилинг:

- Файл номлашда ҳарф ёки сондан фойдаланинг. Файлни номлашда тире (-), остки чизик (_) лардан фойдаланиш мумкин. Қуйидаги ('), (:), (.) ва \, / белгиларини ишлатишдан сақланинг.
- Файл номларида ҳеч қачон пробелдан фойдаланманг.
- Барча веб-саҳифа файллари *.htm ёки *.html кенгайтмасига эга бўлиши керак.
- Файлни иложи борича қисқароқ номланг.
- Веб-сайт таркибидаги график файлларнинг кенгайтмасини аниқ, хатосиз қўйинг. Мисол учун аксарият график файллар кенгайтмаси *.jpg, *.gif, *.png кўринишида бўлади.
- Файл номларида кичик ҳарфлардан фойдаланган маъқул. Файлларни номлашда катта ҳарфлардан фойдаланиш ҳеч қандай

хатоликни келтириб чиқармайди, лекин файл номида фақат кичик ҳарфларни ишлатиш анча қулай.

Асл манба файли

Ҳар доим асл манба файлини сақлаб қўйинг. Айрим ҳолларда асл манба файли, унинг асл ҳолатида керак бўлиб қолиши мумкин. Шундай ҳолларда сақлаб қўйилган асл манба файлини топиб, ўзгартириш киритиш имкониятига эга бўласиз.

Файл ҳажми

Веб-саҳифа файллари ҳажмини иложи борича кичикроқ сақлаш мақсадга мувофиқ. Айниқса, веб-саҳифа график файллардан ташкил топган бўлса, уларнинг ҳажмини кичиклигини назорат қилинг. Компьютерда, график файлнинг сифати 1 дюймда акс эттириладиган расм нукталарининг сони (dpi) билан ўлчанади. Бирор график файли қозғалди принтердан чиқариш учун унинг хусусиятларини ўртача 300 dpi деб белгилаш кифоя. Веб-саҳифа таркибидаги график файл хусусиятини эса 72 dpi (dots/pixels per inch) деб белгиланган маъқул.

Агар бирор график файли юқори сифатда кўрсатмоқчи бўлсангиз, уни алоҳида дарчада тақдим этинг. Бунинг учун кичик ҳажмли график файлга гипербоғлиқ белгиланг, натижада кичик ҳажмли файл устига босилганда юқори сифатли файл алоҳида дарчада акс эттирилади. Эсингизда бўлсин, график файл сифати қанчалик юқори бўлса, унинг ҳажми шунчалик катта бўлади.

Сайт архитектураси

Веб-сайтнинг умумий таркибини яратиб олганингиздан сўнг қайси веб-саҳифа қандай маълумотга эга эканлиги, қайси веб-саҳифадан қайсинисига ўтиш мумкинлиги, қайси файли қандай номлаш ва қаерда жойлаштириш

ҳақида тасаввурга эга бўласиз. Файлларни номлаш, жойлаштириш ва уларнинг дизайнига боғлиқ амаллар сайт архитектураси деб номланади.

Веб-дизайн асосий усуллари

Ростланиш

Ростланиш деб веб-сайт таркибининг экрандаги ўзаро муносабатига, уларнинг акс эттирилиш тартибига айтилади. Веб-саҳифа таркиби экраннинг ўнг, чап томонига, юқори ва пастги қисмларига ростланган бўлиши мумкин. Ростланиш ҳам вертикал, ҳам горизонтал бўлиши мумкин. Веб-саҳифа таркибидаги матни бир томонга ростлаган маъқул. Сабаби матнга нисбатан турли ростланиш турлари қўланилса, фойдаланувчи учун саҳифа мазмуни билан танишиш мураккаб бўлиб қолади. Шунинг учун бир ростланиш турини танлаб, шу усулни сақлаган маъқул. Саҳифа сарлавҳасини асосий матндан ажратиш мақсадида унга бошқа ростланиш турини танласа бўлади. Лекин веб-саҳифа таркиби жуда узун бўлиб, ўзида жуда кўп маълумотни жамлаган бўлса, унда саҳифа маълумотлари учун қатъий қабул қилинган ростланиш турини танлаш керак. Яхши ростланган матн фойдаланувчи учун шу матн билан осон танишиш имкониятини яратади. Эсингизда бўлсин, горизонтал ростланиш вертикал ростланиш каби жуда муҳимдир.

Яқинлик

Яқинлик деб веб-саҳифа маълумотларнинг бир-бирига нисбатан жойлашишига айтилади. Маълумотлар орасидаги масофа бир-бирига яқин бўлса, шу маълумотларнинг бир-бирига яқинлик хусусияти яратилади. Агар маълумотлар бир-бири билан узоқроқ масофада жойлаштирилса, улар бир-бирига бегонадек туюлади. Маълумотларни бир-бири билан турли масофада жойлаштириб, фойдаланувчининг улбу маълумотларга нисбатан турли фикрини ҳосил қилиш мумкин. Одатда, бир-бирига маъно жиҳатидан яқин маълумотлар ўзаро яқинликда жойлаштирилади. Асосий матн ва унинг

сарлавҳаси орасидаги масофани белгилаш мобайнида шу маслаҳатга амал қилинг. Бу қойда матн орасидаги график файллар учун ҳам тааллуқли. Матн ва унга тааллуқли график файл орасидаги масофани белгилашда иложи борича кам масофа ташлашга ҳаракат қилинг. Бир нарсага аҳамият беринг, бир-бирига зид маълумотлар ҳеч ҳам бир-бирига яқин масофада жойлаштирилмаслиги керак. Веб-саҳифа таркибини маълум гуруҳга бўлиб, алоҳида саҳифалар шаклида тақдим этишни ўйлаб кўринг. Бундай ҳолатларда, бирор танишларингиздан, ҳамкасбларингиздан ёрдам олинг. Агар уларга саҳифа таркиби, уларнинг орасидаги масофа аниқ ва равшан бўлиб кўринса, унда ҳаммаси яхши ва х.к..

Такрорланиш

Такрорланиш деб саҳифа айрим элементларининг барча саҳифаларда ишлатилишига айтилади. Бундай элементлар сарасига навигация тугмалари, саҳифа орқа фони, график расм ва шрифтларни киритиш мумкин. Веб-сайт таркибида шундай такрорланувчи элементлардан фойдаланиш, веб-сайт таркибидаги саҳифалар орасидаги боғлиқликни оширади, уларнинг бир бутунлигини таъминлайди. Веб-сайт бирлигини сақлаш мақсадида такрорланувчи саҳифа фони, логотип ва сарлавҳалардан фойдаланиш мумкин. Шундай қилинса, фойдаланувчи бир веб-сайт таркибида ҳаракатланаётганини сезиб туради.

Монитор ўлчамлари

Веб-сайт дизайнини яратишда турли монитор ўлчамларини инобатга олиш керак. Чунки, барча фойдаланувчилар бир хил ўлчамдаги мониторга эга бўлмасликлари мумкин. Амалда 640x480 pixel ўлчамга эга монитор фойдаланувчилари ҳам учраб туради. Бундай ҳолларда веб-сайт дизайнини экраннинг чап юқори бурчагидан бошланадиган қилиб белгилаган маъқул. Веб-сайт дизайнини яратишда уни барча мониторларда тўғри акс эттирилишини назорат қилиш лозим.

Рангдан фойдаланиш

Веб-сайтга ранг белгилашдан олдин ўзингизга қуйидаги саволларни бериб кўринг:

- Ишлатилаётган ранглар веб-сайт мақсадига, унинг таркиби, навигация тизимига мос келадими?
- Ишлатилаётган ранглар web-safe палитраси таркибига (1-илова) кирадими?
- Фойдаланилган ранглар эски браузер дастурларида тўғри акс эттириладими?

Веб-сайт таркибида ишлатилаётган ранглар веб-сайт таркибига мос келадими йўқми, шуни аниқлаб олинг. Веб-саҳифа таркибида хилма-хил рангдан, жуда кўп шрифт турларидан фойдаланиш, веб-саҳифанинг аниқлигига, маълумотларнинг тизимлашишига салбий таъсир қилади. Ундан ташқари, рангларнинг ўқилишига ҳам эътибор беринг. Ишлатилган ранглар осон ўқилиши кераклигини унутманг.

Веб-сайт маълумотларини принтердан чиқариш

Веб-сайт таркибидаги маълумотларни принтердан чиқариб олиш имкониятининг яратилганлиги фойдаланувчилар учун қўшимча қулайлик, албатта. Айрим ҳолларда бунга талаб бор. Веб-сайт таркиби турли рангда терилган бўлса ва веб-сайт фонига турли ранг белгиланган бўлса, бундай ҳолларда принтердан чиққан маълумотлар ўқиш учун яроқсиз бўлиб қолади. Шунинг учун веб-сайт маълумотларини ёки веб-сайтнинг ўзини янги услубда, яъни принтердан чиқариш қулайлигини берувчи вариантини яратиб қўйган фойдадан холи эмас.

Веб-сайт таркибининг режалаштириш

Веб-саҳифа маълумотларини режалаштиришда “бўш катак” усулидан фойдаланиш тавсия этилади. “Бўш катак” деб саҳифа таркибидаги бўшлиққа айтилади. Бу бўш жой асосий матнга эътиборни қаратишга, диққатни

жамлаш учун хизмат қилади. Агар матн борлигича экранни тўлдириб акс эттирилса, маълумотни ўқиш анча мураккаблашади. Шунинг учун “бўш катак” усулидан фойдаланинг. Маълумот атрофида шундай бўш жой ажратингки, барча маълумот кафтдагидек акс этиб турсин.

Саҳифа дизайнини режалаштириш

Энг зўр дизайн — бу содда дизайн. Веб-саҳифа дизайнини белгилаш жараёнида барча дизайн қисмларини аниқ бир мақсад билан жойлаштиришга ҳаракат қилинг. Содда дизайн — бу фақат матндан иборат веб-саҳифа дегани эмас. У дизайн элементларидан дид билан фойдаланиб яратилган дизайн. Саҳифа дизайнини шундай тузингки, сиз тақдим этаётган маълумот фойдаланувчилар томонидан тез топилсин. Дизайн маълумот асосида тузилиши керак, маълумот дизайн асосида эмас. Асосий омил — бу тақдим этилаётган маълумот, шуни эсда тутинг.

Шрифтлардан фойдаланиш

Веб-саҳифа билан ишлаш жараёнида жуда кўп шрифтдан фойдаланманг. Жуда кўп шрифтдан фойдаланиш маълумотнинг ўқилишини мураккаблаштиради. Веб-сайт таркибида ортиғи билан иккита шрифтдан фойдаланиш кифоя. Шунингдек, веб-саҳифа таркибида стандарт шрифтлардан фойдаланган маъқул.

График расмлар

Веб-сайт учун ишлатмоқчи бўлган график расмларингиз ҳажмини олдиндан кичиклаштириб олинг. Веб-сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи саҳифа таркибидаги график расмларни кўриш учун жуда кўп вақт сарфламаслиги керак. Катта ҳажмдаги юқори сифатли график расмни фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этмоқчи бўлсангиз, кичик ҳажмли расмга катта расмга элгувчи гипербоғлиқ белгиланг ва катта ҳажмли расмни алоҳида браузер дарчасида тақдим этинг.

Шунингдек, график расмлар учун ALT атрибутини ишлатишни ёдингизда тутинг. ALT атрибути саҳифада ишлатилган график расм устига курсорни олиб келинганда, матнни акс эттириш учун хизмат қилади. Мисол учун HTML коди ичида теглари киритилган бўлса, экранда акс эттирилган график расм устига курсор олиб борилганда alt="расмга белгиланган матн" атрибути таркибидаги сўзлар (кўк ранг билан белгиланган матн) акс эттирилади.

Технология даражаси

Яратган веб-сайтнинг технология даражасини жуда баланд қилиб юборманг. Ўз компютерингизда акс этиши мумкин бўлган маълумот, анимациялар бошқа фойдаланувчилар компютерларида акс эттирилмаслиги мумкин. Агар бирор анимация ёки маълумотни кўриш учун махсус plug-in драйверлари талаб этиладиган бўлса, шу драйверларни юклаб ўрнатиш мумкин бўлган веб-сайт манзилини ёки шу драйвернинг ўзини веб-саҳифада тақдим этинг.

Қулайлик даражаси

Қулайлик даражасининг асосий талаби, веб-сайтга ташриф буюрган фойдаланувчи веб-саҳифада келтирилган маълумот билан танишиб, уни сақлаш имкониятига эга бўлиши керак. Қулайликни юксак даражада таъминлаш учун қуйида келтириладиган қоидаларга амал қилинг:

Навигация тизими

Навигация тизими фойдаланувчиларга веб-сайт таркибида ҳаракатланишга ва айти пайтда веб-сайтнинг қайси қисми ёки бўлимида эканлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этиш учун хизмат қилади. Фойдаланувчи веб-сайтга ташриф буюриб қуйидаги саволларга осон жавоб топа билиши керак:

- Мен қаерда (қайси саҳифада) турибман?

- Мен қаердан (қайси саҳифадан) келдим?
- Мен қаерга (қайси саҳифага) кетаяпман?

Гипербоғлиқ ранглариини белгилаш

Веб-сайт таркибидаги гипербоғлиқ учун ранг белгилашда қонуниятга амал қилинг. Гипербоғлиқ турлари учун турли туман ранглари белгиламанг. Бундай қилиш ҳеч қандай хатоликларни келтириб чиқармаслиги мумкин, лекин фойдаланувчилар учун ранглариинг хилма-хиллигига қўниқиб қийин кечади. Бир веб-саҳифа таркибидаги гипербоғлиқ рангларига ўрганган фойдаланувчи бошқа веб-саҳифа гипербоғлиқ ранглари орасида чалкашиб кетмаслиги учун ранг белгилашда умумий қонуниятдан фойдаланинг. Ягона қонуниятни яратинг ва барча веб-саҳифаларда ушбу қонуниятга амал қилинг.

Саҳифа ҳажми

Саҳифа ҳажми ва унинг юкланиш вақти — саҳифанинг дизайни ва қулайлигини белгилашнинг асосий мезони ҳисобланади. Агар веб-саҳифани юклаш учун жуда кўп вақт сарфланаётган бўлса, веб-сайт дизайнини қайта кўриб чиқинг. Саҳифанинг юкланиш вақтини аниқлашнинг энг яхши усули бу “нафасни ушлаш” усули. Саҳифа танланади ва нафас олинаиб, ушлаб турилади. Агар қайта нафас олингунга қадар саҳифа тўлиқ юкланиб улгурмаса, демак саҳифанинг юкланиш вақти узок. Саҳифа таркиби жуда кўркам ва маълумотга бой бўлса-да, фойдаланувчилар саҳифанинг юкланишини кутиб зерикиб қолишлари мумкин. Албатта, саҳифани бундай усулда текшириш жараёнида ўртача 56кбит/сек тезлик меъзон сифатида қабул қилиниши керак.

Веб-саҳифани янги браузер дарчасида очини

Веб-саҳифа бирор гипербоғлиги устига босилганда янги веб-саҳифанинг алоҳида браузер дарчасида акс эттирилиши туфайли бир неча гипербоғлиқ амалга ошгандан кейин браузер дарчалари сонининг кўпайиб кетиши

ноқулайликларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Гипербоғлик танланганда, маълумотни янги браузер дарчасида очиш талаб этилса, марҳамат. Лекин фойдаланувчиларни олдиндан бу ҳақида огоҳлантириб қўйишни унутманг.

Орфография ва грамматика

Веб-сайтни нашр қилишдан аввал веб-сайт ва саҳифалар таркибидаги маълумотлар орфографияси ва жумлалар грамматикасини текширишни унутманг. Саҳифа матни ичида шеваларни ишлатишдан сақланинг. Айрим ҳолларда ҳодиса ва воқеаликни таърифлаш учун шева ишлатишга тўғри келиши мумкин. Истисно тарзида, ушбу ҳолларда улардан фойдаланиш мумкин, албатта. Веб-саҳифа таркибидаги матнни фойдаланувчиларга (аудиторияга) мос равишда тайёрланг.

Веб-саҳифа таркибида анимациядан фойдаланиш

Веб-сайт таркибида ҳаракатланувчи жисм сифатида матндан ва анимациялардан фойдаланиш саҳифа юкланиб бўлганидан сўнг 3-4 сония ичида чиройли кўриниши мумкин. Лекин саҳифа билан ишлаш жараёнида анимация, ҳаракатланаётган матн ва жисмлар, маълумотлар билан танишаётган фойдаланувчи эътиборини тортиши ва диққатини бузиши мумкин. Шу мақсадда анимацияларни бир марта акс эттирилиб тўхтайдиган қилиб тайёрлаган мақсадга мувофиқ.

Узун матнли веб-саҳифа

Айрим веб-дизайнерлар орасида катта матнли веб-саҳифа таркибига қўшиб қўйиш ҳолатлари учраб туради. Веб-саҳифа таркибидаги маълумотнинг жуда ҳам узун бўлиши матн билан танишиш жараёнида ноқулайликлар яратиши мумкин. Шунинг учун веб-саҳифа матнини жуда узун қилмаган маъқул. Иложи борица матнни алоҳида бўлимларга, қисмларга ажратишга ҳаракат қилинг. Мақсад маълумотнинг ўқилиш қулайлигини

ошириш. Бунда бизга HTML кодлари ёрдам беради. Алоҳида ажратилган саҳифаларни ўзаро боғлашда “Гипербоғлик” ва “Bookmark” лардан фойдаланиш мумкин.

Эскирган янгиликлар

Веб-сайт таркибини ўз вақтида назорат қилиб туриш, фойдали маълумот билан таъминлаш — бу жуда масъулиятли ва мураккаб жараён. Веб-сайтга ташиф буюрган фойдаланувчи эскирган ёки нотўғри маълумотга дуч келмаслиги керак. Агар, шундай ҳодиса рўй берса, фойдаланувчилар қайта сизнинг веб-сайтнингизга қайта кўйишлари мумкин. Шунинг учун веб-сайт таркибига доим аҳамият беринг. Агар, веб-сайт таркибида янгиликлар бериб туриладиган бўлса, янгиликларни даврий янгиллаб туринг. Бир ҳафта ёки бир ой олдинги маълумот янгилик сифатида акс эттирилмаслиги керак.

Веб-сайтни синаш

Веб-сайт таркибига барча маълумотларни киритиб бўлдингиз. Веб-сайт тайёр бўлди. Деярли барча нарса тайёр, лекин веб-сайтни ҳали Интернетга жойлаштира олмаймиз. Нега? Энг охириги амал — тайёр веб-сайтни текшириш. Веб-сайтни Интернетга жойлаштиришдан олдин уни албатта қуйидаги мезонлар асосида текшириб олинг:

- Веб-саҳифаларнинг юкланиш вақти қандай?
- Веб-сайт турли мониторларда қандай акс эттирилади?
- Веб-сайт турли платформаларда, (PC, Mac, ва ҳ.к.) тизимларда қандай акс эттирилади?
- Веб-сайт турли браузер дастурларида (Netscape Navigator, Microsoft Internet Explorer ва ҳ.к.) қандай акс эттирилади?
- Веб-сайтдан фойдаланиш қулайми?
- Ранг ва шрифтларнинг танланиши қандай?

“Хаафсит” ранглар жадвали

Куйида эътиборингизга дизайн учун ишлатишга тавсия этилаётган ранглар палитраси келтирилмоқда. Чоп эттириш учун график расм тайёрлашда асосий муаммо, ушбу дизайн махсулотини бошқа компьютер, монитор ва броузерда тўғри акс эттирилишини таъминлашдан иборат. Броузер дастури бирор рангни тўғри акс эттира олмаса, ўзида мавжуд ёки акс эттира оладиган ранглардан қўшиб, керакли рангни яратишга уринади. Айрим ҳолларда керакли ранг ўрнини умуман бошқа ранг эгаллаши мумкин. Куйида келтириляётган ранглар барча ерда бир хил акс эттирилади. Улардан бемалол матн, графика ва шрифт рангини белгилашда фойдаланишингиз мумкин.

Жадвалдан қандай фойдаланиш мумкин

Жадвалда келтирилган ҳар бир ранг устида унинг— RGB қиймати (график дастурларда ишлатиш учун) ва HEX қиймати (HTML учун) акс эттирилган [23].

255.255.204	255.255.153	255.255.102	255.255.51	255.255.0	204.204.0
FFFC66	FFFF99	FFFF66	FFFF33	FFFF00	CCCC00
255.204.102	255.204.0	255.204.51	204.153.0	204.153.51	153.102.0
FFCC66	FFCC00	FFCC33	CC9900	CC9933	996600
255.153.0	255.153.51	204.153.102	204.102.0	153.102.51	102.51.0
FF9900	FF9933	CC9966	CC6600	996633	663300
255.204.153	255.153.102	255.102.0	204.102.51	153.51.0	102.0.0
FFCC99	FF9966	FF6600	CC6633	993300	660000
255.102.51	204.51.0	255.51.0	255.0.0	204.0.0	153.0.0
FFCC33	CC3300	FF3300	FF0000	CC0000	990000

255.204.204	255.153.153	255.102.102	255.51.51	255.0.51	204.0.51
FFCCCC	FF9999	FF6666	FF3333	FF0033	CC0033
204.153.153	204.102.102	204.51.51	153.51.51	153.0.51	51.0.0
CC9999	CC6666	CC3333	993333	990033	330000
255.102.153	255.51.102	255.0.102	204.51.102	153.102.102	102.51.51
FF6699	FF3366	FF0066	CC3366	996666	663333
255.153.204	255.51.153	255.0.153	204.0.102	153.51.102	102.0.51
FF99CC	FF3399	FF0099	CC0066	993366	660033
255.102.204	255.0.204	255.51.204	204.102.153	204.0.153	153.0.102
FF66CC	FF00CC	FF33CC	CC6699	CC0099	990066
255.204.255	255.153.255	255.102.255	255.51.255	255.0.255	204.51.153
FFCCFF	FF99FF	FF66FF	FF33FF	FF00FF	CC3399
204.153.204	204.102.204	204.0.204	204.51.204	153.0.153	153.51.153
CC99CC	CC66CC	CC00CC	CC33CC	990099	993399
204.102.255	204.51.255	204.0.255	153.0.204	153.102.153	102.0.102
CC66FF	CC33FF	CC00FF	9900CC	996699	660066
204.153.255	153.51.204	153.51.255	153.0.255	102.0.153	102.51.102
CC99FF	9933CC	9933FF	9900FF	660099	663366
153.102.204	153.102.255	102.0.204	102.51.204	102.51.153	51.0.51
CC66CC	9966FF	6600CC	6633CC	663399	330033
204.204.255	153.153.255	102.51.255	102.0.255	51.0.153	51.0.102
CCCCFF	9999FF	6633FF	6600FF	330099	330066
153.153.204	102.102.255	102.102.204	102.102.153	51.51.153	51.51.102
9999CC	6666FF	6666CC	666699	333399	333366
51.51.255	51.0.255	51.0.204	51.51.204	0.0.153	0.0.102
-----	3300FF	3300CC	3333CC	000099	000066
102.153.255	51.102.255	0.0.255	0.0.204	0.51.204	0.0.51
-----	3366FF	0000FF	0000CC	0033CC	000033
0.102.255	0.102.204	51.102.204	0.51.255	0.51.153	0.51.102
0066FF	0066CC	3366CC	0033FF	003399	003366

153.204.255	51.153.255	0.153.255	102.153.204	51.102.153	0.102.153
99CCFF	3399FF	0099FF	6699CC	336699	006699
102.204.255	51.204.255	0.204.255	51.153.204	0.153.204	0.51.51
66CCFF	33CCFF	00CCFF	3399CC	0099CC	003333
153.204.204	102.204.204	51.153.153	102.153.153	0.102.102	51.102.102
99CCCC	66CCCC	339999	669999	006666	336666
204.255.255	153.255.255	102.255.255	51.255.255	0.255.255	0.204.204
CCFFFF	99FFFF	66FFFF	33FFFF	00FFFF	00CCCC
153.255.204	102.255.204	51.255.204	0.255.204	51.204.204	0.153.153
99FFCC	66FFCC	33FFCC	00FFCC	33CCCC	009999
102.204.153	51.204.153	0.204.153	51.153.102	0.153.102	0.102.51
66CC99	33CC99	00CC99	339966	009966	006633
102.255.153	51.255.153	0.255.153	51.204.102	0.204.102	0.153.51
66FF99	33FF99	00FF99	33CC66	00CC66	009933
153.255.153	102.255.102	51.255.102	0.255.102	51.153.51	0.102.0
99FF99	66FF66	33FF66	00FF66	339933	006600
204.255.204	153.204.153	102.204.102	102.153.102	51.102.51	0.51.0
CCFFCC	99CC99	66CC66	669966	336633	003300
51.255.51	0.255.51	0.255.0	0.204.0	51.204.51	0.204.51
33FF33	00FF33	00FF00	00CC00	33CC33	00CC33
102.255.0	102.255.51	51.255.0	51.204.0	51.153.0	0.153.0
66FF00	66FF33	33FF00	33CC00	339900	009900
204.255.153	153.255.102	102.204.0	102.204.51	102.153.51	51.102.0
CCFF99	99FF66	66CC00	66CC33	669933	336600
153.255.0	153.255.51	153.204.102	153.204.0	153.204.51	102.153.0
99FF00	99FF33	99CC66	99CC00	99CC33	669900
204.255.102	204.255.0	204.255.51	204.204.153	102.102.51	51.51.0
CCFF66	CCFF00	CCFF33	CCCC99	666633	333300
204.204.102	204.204.51	153.153.51	153.153.102	153.153.0	102.102.0
CCCC66	CCCC33	999966	999933	999900	666600
255.255.255	204.204.204	153.153.153	102.102.102	51.51.51	0.0.0
FFFFFF	CCCCCC	999999	666666	333333	000000

Хотима ўрнида

Азиз ўқувчи, авваламбор, сизни ушбу дарсликни диққат, меҳр, катта қизиқиш ва сабр ила ўқиб тугатганингиз билан табриклаймиз. Китоб муаллифлари, ушбу дарсликни сиз учун айнан керакли, омадли ва кадрли харид бўлганлигини умид қилиб қолишади. Зеро, дарслик таркибини ишлаш жараёнида, уни айнан сиз учун мазмунли ва керакли маълумотлар билан бойитишга ҳаракат қилинди. Ўз кейинги педагогик фаолиятингизда ахборот технологияларини қўллаш натижасида янада сермахсул ижод намуналарини яратишингизда дарсликдан олинган билим ва кўникмалар сизга ёрдам берса, дарслик қайсидир маънода “дастурул-амал” вазифасини бажара олса, муаллиф ўзини бахтиёр ҳисоблайди.

Азиз ўқувчи, дарсликка баҳо беришдан аввал, ўзингизни дастур билан танишишдан олдинги ва ҳозирги ҳолатингизни солиштириб кўринг. Агар сиз ўзингизни ҳозир, аввалгига нисбатан озгина бўлсада бахтли ҳис қилаётган бўлсангиз, дилингиз шод бўлса, билингки биз ҳам сиз билан бирга бахтиёрмиз. Зеро, китобдан кўзланган мақсад, ўз ўқувчисини ахборот технологиялари билан таништириш, замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан бахраманд қилиш, замон билан ҳамнафасликда фаолият юритишни ўргатиш, унинг ҳам бошқалар каби ўз қалбида ушбу соҳада оз бўлсада билим, кўникма ва тажрибаси борлигидан мағрурлантириш, ўзига бўлган ишончини оширишдан иборат эди.

Сўзимиз якунида, сизга қилган харидингиз учун юксак миннатдорчилик билдириб, ҳар доим қилинган меҳнатдан, илм йўлида чекилган захматдан, орттирилган билим ва кўникмалардан, ушбу билим ва тажрибани қўллаш имконияти борлигидан, ақиқларингиз ва жамият учун керакли мутахассис эканлигингизни билиб, кўнглингиз ҳар доим тўлиб юришини тилаб қоламиз.

Предмет кўрсаткичи

А

Абзац дарчаси, 50
Асбоблар панели, 15

Б

Безак мавзуси, 80
Броузерни белгилаш, 39
Бўш бланк, 184

В

Веб-сайт, 11
Веб-сайтни нашр қилиш, 179
Веб-саҳифа, 11
Веб-саҳифани сақлаш, 39

Г

Гипербоғлик, 109
Горизонтал чизиқ, 60
График файллар, 55
График файлларни кўшиш, 56
График файлларни сақлаш, 56

Ж

Жадвал, 92
Жадвал каторлари ва устунлари, 99
Жадвал чизиш, 96

И

Индивидуал гипербоғлик, 150

К

Каталог ва файллар рўйхати, 24
Каталоглар рўйхати, 17
Клипарт, 57
Координата боши, 36
Кун ва соат, 90

М

Матни форматлаш, 42
Меню, 13

Монитор ўлчамлари, 192
Муаммолар ҳисобот дарчаси, 171

Н

Навигацион тугмалар, 143
Навигация панели, 17
Навигация режими, 143
Навигация тизими, 195

О

Орфография ва грамматика, 197

Р

Ранг схемалари, 67
Black & White, 67
Grayscale, 67
Wash Out, 67
Расм чегараси, 68
Расмга шаффофлик белгилаш, 66
Расмни буриш, 66
Ростланиш, 191
Рўйхатлар, 44
Рақамли рўйхат, 46

С

Сайт архитектураси, 190
Саҳифа фони, 78
Саҳифа ҳажми, 196
Саҳифани кўриш режимлари, 19
Code режими, 20
Design режими, 20
Preview режими, 22
Split режими, 21
Саҳифанинг кўриниш ўлчамлари, 16
Стандартная, 15
Суратлар галереяси, 69

Т

Такрорланиш, 192
Таҳрирлаш дастурлари, 27

Технология даражаси, 195
Топширик, 157
Топшириклар панели, 18, 27, 156
Тўлдирмани белгилаш, 53
Тўр, 35

Ф

Файл ҳажми, 190
Файллар бошқаруви, 188
Файллар ҳисоботи, 169
Файлларни номлаш тартиби, 189
Форматирование, 15
Фрейм, 126
Фрейм шаблони, 129

Ч

Чегарани белгилаш, 52
Чизгич, 35

Ш

Шарх, 90
Шахсий шаблон яратиш, 39
Шрифт дарчаси, 43

Э

Эскирган янгиликлар, 198
Эффектлар, 91

Я

Яқинлик, 191
Ячейка кўшиш, 102
Ячейкалар, 101

Қ

Қуйи меню, 13
Қулайлик даражаси, 195

Ҳ

Ҳисоботни кўриш режими, 24

A

- Active Graphics, 83
- Add Task, 157
- Adjust the Ruler and Grid Units, 37
- Adjust the Source, 75
- Alignment, 51
- All Available Themes, 83
- Alternative Representations бўлими, 62
- Apply As Default Theme, 83
- Assigned to, 158
- Assigned To ҳисобот дарчаси, 175
- Authoring Tab, 141
- Auto Play, 75
- AutoFit To Contents, 102
- Automatically enable layout tool based on table contents, 94

B

- Background Pictures, 83
- Bookmark, 115
- Bookmarks, 109
- Border Thickness, 64
- Borders and Shading, 51
- Browsed Pages, 111
- Bullets and Numbering тугмаси, 46

C

- Change the Width and Height, 73
- Change title тугмаси, 33
- Checkout Status ҳисобот дарчаси, 176
- Choose the Quality of Playback, 74
- Clip Art, 57
- Collapse table border, 95
- Color Wheel бўлими, 86
- Comment, 90
- Common Targets турлари, 137
 - New Window, 137
 - Parent Frame, 137
 - Same Frame, 137
 - Whole Page, 137

- Configure the Editors, 28
- Сроп буйруғи, 66
- Current Theme, 82

D

- Date Format, 90
- Delete Task, 160
- Delete the Hyperlink, 121
- Description, 158
- Determine changes between source and target, 183
- Draw Table, 96
- Duration (seconds), 91

E

- Edit Browser List, 39
- Edit Task, 160
- E-mail гипербоғлиги, 119
- Enable layout tool for this table, 94
- Encrypted connection имконияти, 182
- Event, 91
- Expand and Collapse Subtrees, 147
- External Hyperlink, 109

F

- File Download дарчаси, 115
- File Name дарчаси, 33
- Files in Conflict, 186
- Files not to Publish, 186
- Files to Publish, 186
- Flash Properties дарчаси, 74
- Flash файл, 73
- Folder Contents, 186
- Folders, 24
- Folders View, 30
- Frame Size, 133
- Frames Page, 126, 133
- Frameset, 127
- Front Page or SharePoint Services, 181
- Front Page Server Extensions, 179
- FTP Server, 186

G

General Information Count Report
хисобот тури, 177

H

Highlight Hotspots, 125
Horizontal Line, 60
Horizontal Position, 54
Horizontal Spacing, 64
Hyperlinks To Pictures, 26
Hyperlinks режими, 25
Hyperlinks хисобот дарчаси, 172

I

Image Maps, 121
Import тугмаси, 33
Include Subwebs, 182
Indentation, 51
Initial Page, 133
Insert Column, 100
Insert Row, 100
Interlaced, 59
Internal Hyperlink, 109

K

Keep Source Formatting, 54
Keep Text Only, 54

L

Layout, 64
Left Arrow, 184
Left frame, 135
Link Bar, 147
Link to File, 113
Local to Remote, 184
Log the publishing changes, 183
Loop, 76

M

Macromedia Flash дастури, 73
main frame, 135
Margins, 133
Mark Complete, 160
Merge Cells, 102

Microsoft Front Page 2003 дастури, 12
Modify Page Sizes тугмаси, 17
Modify the Bookmark Destination, 121
Modify the Hyperlink Destination, 121
More Web Site Templates тугмаси, 29
Move to Center буйруғи, 26
Movie in Flash Format Properties, 74

N

Navigation Pane тугмаси, 17
No Frames, 138
Number of Columns, 102

O

Older Files хисобот дарчаси, 170
One or More Embedded Pages, 127

P

Page Properties, 32
Page Templates, 31
Page Transition, 91
Paragraph, 50
Personal Web Site, 30
Photo Gallery Properties дарчаси, 72
Picture File type тугмаси, 62
Picture Source дарчаси, 62
Pictures From Scanner Or Camera, 70
Preview in Browser, 39
Priority, 158
Progressive passes, 60
Publish Changed Pages Only, 182
Publish Status хисобот дарчаси, 175
Publishing, 182

Q

Quality, 60

R

Recent Files, 111

- Recently Added Files ҳисобот дарчаси, 170
- Recently Changed Files ҳисобот дарчаси, 170
- Recently Used Themes, 82
- Red Circle with X, 184
- Remote to Local, 184
- Remote Web Site View, 179
- Repair Broken Hyperlinks ҳисобот дарчаси, 173
- Repeat, 54
- Repeated Hyperlinks, 27
- Reports, 25
- Resample тугмаси, 68
- Resizable in Browser, 133
- Restore тугмаси, 68
- Review Status ҳисобот дарчаси, 174
- Right Arrow, 184
- Rollover, 80
- Rotate or Crop the Picture, 73
- Rows or Columns, 100

S

- Save Embedded Files, 41
- Save Template in Current Web Site, 40
- Scale, 75
- ScreenTip, 111
- Set as default for new tables, 96
- Set the background color, 96
- Set the border color, 95
- Set the border size, 95
- Set the cell padding, 95
- Set the cell spacing, 95
- Set the Display Grid Line Color, 37
- Set the Display Grid Line Style, 37
- Set the Display Grid Spacing, 37
- Set the height of the table, 95
- Set the Spacing for Snapping to the Grid, 37
- Set the Table Alignment, 95
- Set the Table Float, 95
- Set the width of the table, 95
- Shared Borders, 140

- Shared Content ҳисобот дарчаси, 174
- Show Menu, 76
- Show Page Titles, 26
- Show Scrollbars, 133
- Site Settings, 27
- Site Summary, 25
- Slow Pages ҳисобот дарчаси, 171
- Spacing, 51
- Specify the Location Of The New Web site тугмаси, 30
- Specify the Number of Columns, 95
- Specify the Number of Rows, 94
- Split Table, 98
- Start Task, 160
- Sub Menu, 13
- Switch Between Portrait and Landscape, 147
- Synchronize, 184

T

- Table менюси, 94
- Target Frames, 134
- Task Name, 158
- Task Pane, 18
- Time Format, 90
- Time-Based Summary Reports ҳисобот дарчаси, 176
- Top frame, 135
- Transition Effect, 91
- Transparent, 59
- Transparent Tool, 67

U

- Unlinked Files ҳисобот дарчаси, 171
- URL, 11
- Usage Reports ҳисобот дарчаси, 176

V

- Vertical Position, 54
- Vertical Spacing, 64
- Vivid Colors, 83

W

Web Site Default Theme, 82

Word Wrap, 104

Workflow Reports ҳисобот дарҷаси,
174

Wrapping Style, 63




WYSIWYG, 12

Z

Zoom In and Out, 146

- [1]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, XVIIp
- [2]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 11p
- [3]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 18p
- [4]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 20p
- [5]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 26p
- [6]. Jim Buyens. "Microsoft Office Front Page 2003 Inside Out", Microsoft Press, 2004 – 1264pp, ISBN 0-7356-1510-1, 309p
- [7]. "Microsoft Office Front Page 2003 Step by Step", Online Training Solutions, Inc, Microsoft Press, 2004 – 352pp, ISBN 0-7356-1519-5, 60
- [8]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 52p
- [9]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 71p
- [10]. Paul Colligan and Jim Cheshire. "Special Edition Using Microsoft Office FrontPage 2003", Que Publishing, 2004 – 992pp, ISBN 0-7897-2954-7, 127p
- [11]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 98p
- [12]. Curt Simmons. "Microsoft Office FrontPage 2003 Bible", Wiley Publishing, 2003 – 864pp, ISBN 0-7645-3974-4, 278p
- [13]. Curt Simmons. "Microsoft Office FrontPage 2003 Bible", Wiley Publishing, 2003 – 864pp, ISBN 0-7645-3974-4, 177p
- [14]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 168p
- [15]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 176p
- [16]. Paul Colligan and Jim Cheshire. "Special Edition Using Microsoft Office FrontPage 2003", Que Publishing, 2004 – 992pp, ISBN 0-7897-2954-7, 125p
- [17]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 252p
- [18]. Paul Colligan and Jim Cheshire. "Special Edition Using Microsoft Office FrontPage 2003", Que Publishing, 2004 – 992pp, ISBN 0-7897-2954-7, 227p
- [19]. Jim Buyens. "Microsoft Office Front Page 2003 Inside Out", Microsoft Press, 2004 – 1264pp, ISBN 0-7356-1510-1, 95p
- [20]. Paul Colligan and Jim Cheshire. "Special Edition Using Microsoft Office FrontPage 2003", Que Publishing, 2004 – 992pp, ISBN 0-7897-2954-7, 618p
- [21]. David Plotkin. "How to Do Everything with Microsoft Office FrontPage 2003", McGrawHill/Osborne, 2003 – 464pp, ISBN 0-07-222973-X, 345p
- [22]. Curt Simmons. "Microsoft Office FrontPage 2003 Bible", Wiley Publishing, 2003 – 864pp, ISBN 0-7645-3974-4, 74p
- [23]. Студия Артемия Лебедева, url: <http://www.artlebedev.ru/tools/colors/>, (25 Июль, 2006)

Босишга рухсат этилди 28.06.2006
Бичими 25X17 1/8. Босмахона қоғози.
Шартли босма табағи 22 Нащрийёт табағи 44.
Жами 300 нусхада. Буюртма № 208в.
ТАЙИ босмахонасида чоп этилди.



IT Training Center
Live & Learn...

Манзил: Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент, 700060, Мавароуннахр 20.

Тел/факс : 998 71 132-13-65

e-mail : info@center-it.net

Вебсайт : <http://www.center-it.net>